

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўлёзма ҳуқуқида

ХАКИМДЖАНОВА ДИЛДОРА КАМИЛЕВНА

**АЛОҚА СОҲАСИДА КОРПОРАТИВ ТУЗИЛМАЛАРДА
ИННОВАЦИОН СТРАТЕГИЯНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Мутахассислик: 5A340201 – Менежмент (соҳалар бўйича)

ДИССЕРТАЦИЯ

Магистрлик илмий даражасини олиш учун ёзилган

Иш кўриб чиқилган
ва ҳимояга кўйилган
«Мва М» кафедраси

Илмий раҳбар:
и.ф.д.,проф. Турсунходжаев М.Л.

ТОШКЕНТ – 2011

МУНДАРИЖА

КИРИШ		3
I-БОБ. АЛОКА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ СОХАСИДА ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ		
1.1.	Иктисодиётни модернизациялаш шариотида инновацион сиёсат ва унинг хусусиятлари	8
1.2.	Алока корхоналарида инновацион фаолиятни кучайтириш омиллари ва шарт-шароитларини тадқиқ этиш	22
II-БОБ. АХБОРОТ КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР СОХАСИДА ИЛМИЙ–ТЕХНИК ЯНГИЛИКЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ХОЗИРГИ ХОЛАТИ		
2.1.	Алока ва ахборотлаштириш соҳасида илмий-техникавий салоҳиятни ривожлантириш тенденциялари	36
2.2	«Ўзбектелеком» АК инновацион фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий иктисодий механизмлари	47
2.3	Алока ва ахборотлаштириш соҳасида инновацион фаолиятнинг самарадорлиги	65
III-БОБ. КОРПОРАТИВ ТУЗИЛМАЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН СТРАТЕГИЯСИ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАХОЛАШ		
3.1.	Компанияларда инновацион стратегия механизмининг устувор йуналишлари	78
3.2.	Инновацион фаолиятни фаоллаштиришнинг иктисодий асослари	93
ХУЛОСА		104
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ		116

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги. Иқтисодиётда юқори самарали инвестицион стратегияни шакллантириш ва амалга ошириш корхоналарнинг ташқи ва ички бозорлардаги барқарор мавқеини таъминлаш шартларини белгилаб берувчи давлатнинг узоқ муддатли иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Биринчидан – корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш. Бу вазифа авваламбор иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқариш қувватларига тегишлидир»¹.

Ўзбекистон иқтисодиётида тармоқларининг базавий асосини нисбатан янги ҳисобланган корпоратив тузилмалар ҳамда мулки пайларга бўлинган корхоналар, юридик шахслар ташкил қилади. Тадбиркорлик фаолиятининг корпоратив шакли йирик бирлашмалар, компаниялар ва акциядорлик жамиятларини ташкил этишнинг замонавий тенденцияларига мос келади. Корпоратив тузилмаларларнинг асосий устунликлари шундан иборатки, улар чекланган масъулият ва инновацион стратегияларни амалга ошириш учун кўшимча капитални жалб қилишнинг юқори қобилиятига эгаллиги билан ажралиб туради. Бугунги кунда фаолиятнинг ушбу турида тўпланган кичик тажрибани ҳисобга олган ҳолда, ушбу инновацион салоҳиятдан тўлиқ фойдаланиши учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

Бугунги кунда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ҳам кўрсатилаётган хизматларнинг ташқи ва ички бозорларда юқори рақобатбардошлигини таъминлашга йўналтирилган узоқ муддатли инвестицион стратегияларни

¹ Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”.– Тошкент: Ўзбекистон, 2009. –32-б..

ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг самарали механизмларини шакллантириш асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Шунинг учун Ўзбекистонда корпоратив тузилмаларни ривожлантириш ва инновацион стратегияни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш масалалари нафақат юқори самарали инновацион жараён, балки, бизнеснинг ўзини ўзи ривожлантиришга бўлган эҳтиёжини қондириши туфайли долзарб ҳисобланади ҳамда мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини шакллантириш билан бирга, кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш имкониятларини кенгайтирган ҳолда иқтисодий ўсишни ҳам таъминлайди.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар шароитида тармоқда янги мулкчилик муносабатларини шакллантириш ва уларни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, тармоқнинг техник ва технологик базаси мустаҳкамланиши ва самарали инновацион лойиҳаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши, уни янада ривожлантириш ва хизмат кўрсатишнинг сифат даражасини ошириш имкониятини кенгайтирмоқда. Хорижий компаниялар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда, жамиятни ахборотлаштириш шароитида ахборот-коммуникация технологиялари ва ҳисоблаш техникаси соҳасидаги энг янги ишланмаларга алоҳида эътибор қаратиш ва мазкур соҳада илмий тадқиқотларни чуқурлаштириш зарур.

Жаҳонда ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)нинг ҳозирги ривожланиш тенденциялари шундан далолат бермоқдаки, ушбу соҳадаги инновацияларнинг жадал суръатлар билан ривожланиши АКТ нархининг арзонлашувига ва улардан фойдаланишнинг осонлашувига олиб келади, бунинг натижасида кўплаб ривожланаётган мамлакатлар учун уларнинг функционал имкониятларидан фойдаланиш имконияти пайдо бўлади. Бундай шароитда АКТ ривожланаётган мамлакатлар учун ҳаётий муҳим аҳамият касб этади, чунки улар миллий иқтисодиётнинг ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш лойиҳалари самарадорлигининг ўсишини таъминловчи

салоҳиятига эга. АҚШ Савдо Вазирлиги томонидан ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Америка компаниялари томонидан сўнгги йилларда ахборот технологияларига киритилган инвестициялар мамлакатда иқтисодиётнинг ҳамда рақобатбардошликнинг ўсишига кенг миқёсда ва узок муддатли таъсир кўрсатди¹.

Шу муносабат билан Ўзбекистонда корпоратив тузилмаларни ривожлантириш ва инновацион стратегияни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш масалалари ва ушбу фаолиятни қўллаб-қувватлаш механизмини янада такомиллаштириш зарурати мазкур магистрлик диссертация мавзусининг долзарблигини белгилаб берди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Корпоратив тузилмаларда инновацион стратегияни шакллантириш механизмини такомиллаштиришнинг назарий ва методологик масалалари мамлакатимиз ва чет эллик кўплаб олимлар томонидан ишлаб чиқилган.

Иқтисодиёт тармоқларида инновацион жараёнларни ривожлантириш муаммоларини тадқиқ этиш масаласи аллақачон кўплаб чет эллик олимларнинг эътиборини ўзига жалб қилган. Ушбу масалалар Гохберг Л.М., Друкер П., Кляйнкнехт А., Менш Г., Мильнер Б.З., Оппенлендер К., Санто Б., Суте Л., Твисс Б., Тацуно Ш. каби олимларнинг ишларида ўз аксини топган.

Инновацион жараёнларни ривожлантириш муаммоларига Абалкин А.И., Алехин В.И., Анискин Ю.П., Бляхман Л.С., Валдайцев С.В., Завлин П.Н., Ильенкова С.Д., Казанцев А.К., Краюхин Г.А., Кокурин Б., Лапин Н.И., Моисеев Н.К., Пузын К.Ф., Шумпетер Й., Яковец Ю.В. каби МДХ мамлакатлари олимларининг ишлари бағишланган.

Инновацион жараёнларни ривожлантиришнинг кенг доирадаги назарий ва амалий муаммолари Арипов А.Н., Арифхонов Ш.Р., Алимов Р.А., Джурабоев А.А., Иминов Т.К., Расулев А.Ф., Маҳкамова М.А., Мухитдинов Х.А., Махмудов М.М., Тўхлиев И.С., Турсунхўжаев М.Л., Қодиров А.М.,

¹ U.S. Department of Commerce, Digital Economy 2002, с.31-40 (2002 г.).

Ҳикматов О.Х., Шепелев В.М. Шибаршова Л.И. каби Ўзбекистон олимларининг ишларида тадқиқ этилган.

Шу билан бирга кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотларда иқтисодийни модернизация қилиш шароитида замонавий ахборот-телекоммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасида инновация фаолиятини ривожлантириш, рақобат курашини кескинлаштириш, халқаро аҳамиятга эга янги алоқа линияларини яратиш, Интернет ва телекоммуникация тармоқлари доирасини кенгайтириш, ушбу мақсадлар учун чет эл инвестицияларини жалб қилиш масалаларига етарлича эътибор берилмаган. Шу муносабат билан мазкур диссертация иши алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида инновацион фаолиятни ривожлантириш борасидаги мунозарали масалаларни ўрганиш, тадқиқ этиш ва бу борада тегишли таклифларни ишлаб чиқишга қаратилган.

Тадқиқот мақсади. Диссертация тадқиқотининг мақсади корпоратив тузилмаларда инновацион стратегияни такомиллаштиришга доир илмий-услубий ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифаси. Илмий ишда қуйидаги вазифалар олдинга қўйилиб, ҳал этилди:

- инновация жараёнларини уларнинг хусусияти ва иқтисодий табиатини аниқлаш асосида унга таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда тадқиқ этиш;

- ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида инновация жараёнларининг шаклланиши хусусиятлари ва ривожланиш тенденцияларини аниқлаш;

- корхона фаолиятининг ривожланишида ва уларнинг рақобатбардошлигини оширишда инновацион стратегиянинг ролини аниқлаш;

- корпоратив тузилмаларда инновацион стратегияни амалга ошириш механизмининг самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолашнинг услубий

асосларини ишлаб чиқиш;

- «Ўзбектелеком» АКнинг ҳозирги аҳволи ва унинг инновацион фаолияти самарадорлигини комплекс таҳлил қилиш;

- Корхоналарда инновацион стратегия механизмини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг корхоналари кўриб чиқилган.

Тадқиқот предмети бўлиб корпоратив тузилмаларда самарали инновацион стратегияни шакллантириш ва амалга ошириш механизмини такомиллаштириш йўналишлари ва усуллари хизмат қилди.

Магистрлик диссертациясининг илмий янгилиги:

- алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида инновацион жараёнлар ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланган;

- хорижий мамалакатлар тажрибасини умумлаштириш асосида жаҳонда ахборот-коммуникация соҳасининг ривожланиш тенденциялари ва уларнинг миллий иқтисодиётлар рақобатбардошлигининг ошишига таъсири аниқланди;

- алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида инновацион жараёнларнинг шаклланиш хусусиятлари ва ривожланиш қонуниятлари аниқланди;

- корпоратив тузилмалари рақобатбардошлигини ривожлантириш ва юксалтиришда инновацион стратегиянинг роли аниқланган;

- корпоратив тузилмаларда техник ва технологик қайта қуроллантириш, тезкор модернизация қилиш стратегиясининг тамойиллари ва моҳияти очиқ берилган;

- корпоратив тузилмаларда инновацион стратегияни амалга ошириш механизми самарадорлигини баҳолаш бўйича илмий таклифлар ва хулосалар ишлаб чиқиш.

Илмий ишнинг таркиби ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган.

I-БОБ. АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ СОҲАСИДА ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида инновацион сиёсат ва унинг шаклланиш хусусиятлари

Инновациялар иқтисодийни модернизациялаш, ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик базасини узлуксиз янгилаш, янги рақобатбардош маҳсулотларни ўзлаштириш, товарлар ва хизматларнинг жаҳон бозорларига самарали кириб боришини таъминлашга йўналтирилади. Инновацион йўналишга асосланган иқтисодий ўсиш ривожланишнинг эволюцион натижаси бўлиб, унинг моҳиятини фундаментал фанлар, янги илмий ишланмалар, назарий ва амалий кашфиётлар, бошқарувнинг янгича усуллари ташкил этади. Бунда асосий эътибор иқтисодий фаолиятдан кутилаётган мақсад, унга эришиш йўллари, бу йўналишда рақобат муҳитининг мавқеи ва таъсирига қаратилмоғи лозим.

Жаҳонда хўжалик юритиш амалиёти ишлаб чиқаришда ва такрор ишлаб чиқаришни мунтазам ошириб боришда, иқтисодий тараққиётнинг барқарорлигини таъминлашда, ишлаб чиқарувчи кучларни тубдан янгилашда инновацияларнинг асосий ҳаракатлантирувчи куч эканлигини исботлади. Шунга кўра, эндиликда жаҳоннинг барча мамлакатларида инновацион фаолият иқтисодий ривожланишнинг барча босқичларида барқарорликни таъминлаш асоси бўлиб хизмат қилади, унинг негизида мамлакат иқтисодий хавфсизлигини ҳимоя қилиш, моддий–техника базасини замонавий технологиялар асосида янгилаш, ишлаб чиқаришни тубдан модернизация қилиш имкониятлари яратилади. Фақат шу йўналиш негизидагина ишлаб чиқариш харажатларини камайиши, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ижобий ҳолати кузатилади. Шу боис, асосий эътиборни иқтисодий-ижтимоий

таракқиёт омили сифатида инновацион фаолиятга, унинг турли босқичлардаги ривожланиш даражасига, ахборот коммуникация тизимидаги ўзгаришларга ва уларнинг самарадорлигига қаратишимиз лозим.

Иқтисодиёт фанида инновация фаолиятига оид маълумотлар шундан далолат берадики, бу йўналишнинг назарий асослари жуда кўламли, серқирра бўлиб, унинг асосий хусусиятлари дастлаб кенг маънода ғарб иқтисодчиларидан П.Друкер, Ж.Залмен, Л.Д.Рейман¹, Д.Сахал, Б.Твисс, Й.Шумпетер ва бошқалар томонидан чуқур ўрганилган.

“Инновация” атамаси Й.Шумпетер томонидан 1912 йилда «Иқтисодий ривожланиш назарияси» асаида таклиф этилган². Инновацион назариянинг энг асосий қоидалари ҳам ушбу асарда тўла асослаб берилган. У инновация деб ишлаб чиқариш соҳасида қўлланган янгилик ва у билан боғлиқ барча ўзгаришларни тушунган. Унинг фикрича, инновация фойда олишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланиб, ишлаб чиқаришнинг барқарорлигини таъминлаш, ривожланишни янада тезлаштириш манбасидир. Кейинчалик Й.Шумпетер рус иқтисодчи олими Н.Д.Кондратьевнинг “иқтисодий ривожланишнинг тўлқинли концепцияси”³ни ўзинининг инновацион назарияси билан боғлади ва натижада у цикли ривожланиш назариясини шакллантирди. Бу назариянинг асосий ҳаракатлантирувчи механизми сифатида, янгиликларни жорий этиш жараёнини ҳисоблади. Бу ерда ҳаракатлар ёки тебранишлар сабабларини таҳлил эта туриб, олим иқтисодиёт фанида биринчи бўлиб ишлаб чиқариш омилларининг янги комбинацияларини ажратиб кўрсатди ва уларни куйидаги босқичлар кўринишида тавсифлади:

– янгилик, яъни истеъмолчиларга маълум бўлмаган неъматни ишлаб чиқариш ёки бирор неъматнинг янги сифатини яратиш;

¹ Рейман А.Д. Закономерности функционирования и регулирования инфокоммуникаций. -М.: Научная книга, 2003.,-272с.

² Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М., Прогресс, 1982. –455с.

³ Кондратьев Н.Д. Предприятие в нестабильной экономической среде: риски, стратегии, безопасность. –М., Экономика, 1997. –288с.

– саноатнинг муайян тармоғида янги, амалда ҳали номаълум ишлаб чиқариш усулини жорий этиш. Бу усулнинг асосида янги илмий кашфиёт ётади ва у тегишли товарнинг тижоратда қўлланишининг янги усулидан иборат бўлиши мумкин;

– сотишнинг янги бозорини ўзлаштириш, яъни муайян мамлакат саноат маҳсулотларининг ҳозирга қадар иштирок этмаган, янги бозорларда сотилиш имкониятларининг яратилиши;

– хом-ашё ёки ярим тайёр маҳсулотларнинг янги манбаларини ўзлаштириш (бунда мазкур манбанинг аввал мавжудлиги аҳамиятли эмас);

– ишлаб чиқаришни қайта ташкил этишнинг самарали усулларини қўллаш, монопол мавқени таъминлаш (трестлар тузиш йўли билан) ёки бошқа корxonанинг монопол мавқеига барҳам бериш.

П.Друкер инновацияга нисбатан янада кенгроқ ёндашувни ишлаб чиқди. Унинг ҳисоблашича, янгилик киритиш – бу, техник тушунча эмас, балки иқтисодий ва ижтимоий тушунча, чунки техник-технологик янгиликларни амалиётга жорий этиш натижасида маҳсулотнинг қиймат кўриниши ва истеъмол хусусиятлари ўзгаради. П.Друкер инновацияни тадбиркорлар фаолиятининг алоҳида воситаси сифатида белгилаб беради, яъни тадбиркорлар ушбу восита ёрдамида бизнес ёки хизматларнинг янги турларини, маҳсулотнинг янгича кўринишларини таклиф этишга интилади, дейди. “Янгилик киритиш – бу мураккаб тизим бўлиб, унинг ёрдамида ғоялар ва ихтиролар биринчи марта тижорат воқелигига айланади. Бу – маҳсулот ёки хизмат турларини бозорга чиқариш, иқтисодиётга муваффақиятли жорий этиш, демакдир”¹.

Б.Твисс, Х.Фрименлар ҳам тараққиётнинг турли боскичларида инновацияларнинг ўрни ва вазифаларини тадқиқ этишни деярли шу йўналишда олиб борганлар. Улар техника тараққиётини амалга оширишнинг

¹ Друкер П. Эффективное управление. Экономические задачи и оптимальные решения.-М.: Фаир-Пресс, 2003, -288с.

ўзига хос хусусиятлари ва вазифаларини асослаб беришга алоҳида эътибор қаратган. 1970-1980 йилларда инновацион фаолият, унинг ривожланиш тенденциялари ва қонуниятлари Й.Менш, Д.Менсфильд, С.Кузнец, Я.Вадейм, А.Кляйнкцехт, Э.Мойварт ва бошқа иқтисодчилар томонидан давом эттирилди.

Яна бир таъриф қуйидагича: “инновация – бу жамият тараққиётининг таъсири остида инсон ўзгарувчан эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун янгилик киритиш, янгиликларни (янги амалий воситани) яратиш, тарқатиш ва улардан фойдаланиш жараёни” деб ифодаланади. Р.Р.Назарова эса инновация (янгилик киритиш)ни амалга оширилган илмий тадқиқот ёки кашфиёт натижасида ишлаб чиқаришга жорий этилган, аввалгисидан сифат жиҳатдан фарқ қилувчи тизим сифатида таърифлайди¹.

Юқорида келтирилган фикрларга асосланиб ва уларни умумлаштириб, ўз моҳияти нуқтаи назаридан, биз инновация – бу назария ва амалиётнинг алоҳида шакли, ижтимоий, иқтисодий, маданий объект хусусиятларини такомиллаштиришга йўналтирилган ҳаракатларнинг яхлит тизимидир, деган хулосага келдик.

«Янгилик» («invention») тушунчасини янги маҳсулот кўринишида рўёбга чиқарилиши мумкин бўлган янги ғоя, янги технология, янги усул ва шу кабилар сифатида таърифлаш қабул қилинган. Техник тараққиётнинг бундай кўринишлари, ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини такомиллаштириш, технологик жараённи кучайтириш, энг асосийси, қўшимча қиймат яратиш манбаи ҳисобланади.

Инновация тушунчаси «янги техника» тушунчасига қараганда анча кенгроқ тушунчадир, чунки янги техника асосан ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган меҳнат қуроллари, эҳтиёт қисмлар, янги материаллар ва ҳоказоларга нисбатан қўлланилади. Инновация тушунчаси эса янги

¹ Назарова Р.Р. К проблеме развития инновационной деятельности в экономике Узбекистан. –Т.: Общественные науки Узбекистан, № 1-2, 2010. -30 с.

маҳсулотлар ёки хизматлар, уларни ишлаб чиқариш усуллари, ташкилий, молиявий, илмий-тадқиқот ва бошқа соҳалардаги янгилик, харажатларнинг тежалишини таъминловчи ёки иқтисодий самарага эришиш учун шарт-шароит яратувчи мукаммаллашган тизим бўлиб, бу йўналишдаги барча босқичларни қамраб олади.

1992 йил Осло шаҳрида халқаро анжуманда инновация фаолиятининг методологик асослари ишлаб чиқилди ва улар юзасидан халқаро стандартларга асосланган тавсиялар қабул қилинди. Мазкур стандартлар фақат технологик инновациялар нуктаи назаридан ишлаб чиқилган бўлиб, янги маҳсулотлар ва жараёнларни, шунингдек уларда амалга оширилган катта ўзгаришларни қамраб олади. Инновация, қачонки у бозорда ёки ишлаб чиқариш жараёнида жорий этилган бўлса, амалга оширилган ҳисобланади.

Шуни инобатга олиш лозимки, илмий-техник янгиликларни (ихтиролар, саноат намуналари, илмий ёки техник тавсиялар, ноу-хау ва ҳ.к.) ишлаб чиқиш, ўзлаштириш ва амалга ошириш жараёни асбоб–ускуна ва техниканинг янги турларини, технологияни, янги маҳсулотларни, материалларни, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг янги усуллари билан бевосита боғлиқ.

Бунда инновация фаолиятининг исталган босқичида ихтиролар яратилиши ёки янги илмий ғоялар ва фаолиятнинг муайян йўналишидан четга чиқувчи техник қарорлар ишлаб чиқилиши мумкин бўлсада, илмий тадқиқотлар натижаларини биз ҳеч қачон техник ишланмаларга қиёсламаймиз. Бундан ташқари, шуни ёдда тутиш лозимки, илмий ғоялар ва ихтиролар кўпинча ўз даврининг эҳтиёжларидан олдинда юради ва уларни шакллантиради. Бугунги кунда ривожланган давлатларда ялпи ички маҳсулот ўсишининг 50 фоизидан 90 фоизигачаси инновациялар ва янги технологиялар билан боғлиқдир¹.

¹ Кадыров А.М., Ахмедиева А.Т., Алимова Н.Р. Стратегия инновационного развития и его влияние на конкурентоспособность экономики Узбекистана. Т.: Общественные науки Узбекистана. № 1-2, 2010, с. -24.

Янгиликларнинг фан-техника тараққиётига ва ишлаб чиқаришнинг ривожланишига таъсири нуқтаи назаридан инновация фаолиятининг бешта турини ажратиш мумкин:

– *буюк инновациялар*, улар ишлаб чиқариш таркиби, бошқарув модели ва иқтисодий ривожланиш суръатларини тубдан ўзгартирувчи инқилобий янгиликларни ўз ичига олади. Ривожланишнинг “тўлқинли” назариясидан шу нарса келиб чиқадики, инқилобий янгиликлар даврий равишда пайдо бўлади. Улар одатда фундаментал илмий тадқиқотларнинг амалга оширилиши натижасида яратиладиган илмий кашфиётлар ва ихтиролар билан боғланган. Ривожланишнинг турли босқичларида улар жумласига: ер ости бойликларини қазиб чиқаришдан тортиб (1842-1875 йй.), буғ билан ишловчи двигателлар (1842-1897 йй.); электр энергияси, ички ёниш двигатели (1897-1940 йй.); 1940 йилдан эътиборан ва 1995 йилгача атом физикаси, космик техника ва компьютерлар; 1995 йилдан бошлаб эса микроэлектроника, ген инженерияси, биотехнология, янги материаллар ва энергетика соҳасидаги ютуқлар киради;

– *радикал инновациялар* - янги илмий ғоялар ва ихтиролар яратилишига олиб келади, улар асосида технологик тизимлар сифат жиҳатдан ўзгаради, ишлаб чиқаришнинг янги тармоқлари пайдо бўлади;

– *принципиал инновациялар*, улар йирик ихтиролар, илмий ва техник тавсиялар билан боғлиқ бўлиб, бунда асосий, фундаментал илмий тамойиллар сақланиб қолган ҳолда илғор технологиялар янги авлодининг алмашинуви юз беради;

– *такомиллаштирувчи инновациялар*, бунда мавжуд ёки ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатаётган техника воситалари, технологияларни янги, такомиллашган шакли яратилади, уларнинг техник-иқтисодий хусусиятлари яхшиланади, сифат ва самара кўрсаткичлари аввалги авлод воситаларидан тубдан фарқ қилади, ижтимоий фойдалилик сифатларининг юқорилиги каби афзалликларга эга;

– *оддий инновациялар*, уларнинг мақсади ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган техника ва технологиянинг асосий техник-иқтисодий параметрларининг маълум даражасини сақлаб туриш ёки дастгоҳлар ва ускуналар параметрларини яхшилаш ва такомиллаштиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси инновация соҳасида янги билимларни яратиш, янги тамойилларни ишлаб чиқиш, йирик амалий изланишлар олиб боришда саноати ривожланган мамлакатлардан бирмунча орқада қолаётганини қайд этиш билан бир қаторда, охириги вақтларда фан-техника тараққиётини юксалтириш ва уни бошқариш, интеллектуал салоҳиятни янада кўтариш, иқтисодиёт тараққиётига замин яратувчи илмий ишланмаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратмоқда. Олимларнинг фикрича, ноёб ихтиролар илмий тадқиқот учун қулай шарт-шароит мавжуд жойдагина яратилди. Шу жиҳатдан республикамизни ихтиролар ўлкаси, деб аташга тўла ҳақлимиз. Инновацион технологиялар, замонавий ишланмалар ва илғор ғояларнинг ҳар йили тақдим этилаётганлиги бунга асос бўлади. Шубҳасиз, бу Президентимиз раҳнамоликларида мамлакатимизда фан ва ишлаб чиқариш интеграциясига қаратилаётган алоҳида эътибор, илм аҳлига кўрсатилаётган ғамхўрликни юксак самараси, албатта.

Республикамиз инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ислоҳотлар доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирлардан энг муҳими саналади. Бунга республикамизда 2008-2010 йилларда амалга оширилган инновацион ғоялар ва лойиҳалар ярмаркаси мисол бўла олади. Ярмаркага Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Олий ва ўрта махсус таълим, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Соғлиқни сақлаш вазирликлари илмий ва конструкторлик ташкилотлари томонидан 700 дан ортиқ инновацион лойиҳаларни тақдим этилди¹. Шу билан бирга бугунги жаҳон молиявий-

¹Парпиев О. Основные задачи инновационной деятельности в Узбекистане. Сборник трудов международной конференции. Т.:2008, с.171.

иқтисодий инқирози шароитида мамлакатда олиб борилаётган инновация сиёсатини амалга ошириш стратегиясини шакллантиришга ва ривожлантиришга катта эътибор беришни талаб қилмоқда.

Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятига интеграциялашуви жаҳон бозорида миллий маҳсулотлар, товарлар ва хизматларнинг эркин савдосини ташкил этиш ва кескин рақобат шароитида мамлакатлараро товар айрибошлаш соҳасида ўз ўрнини топишга замин яратади. Бунинг учун мамлакатнинг илмий ва технологик салоҳиятини кўтариш, биринчи навбатда, иқтисодиётининг барча тармоқлари, жумладан, телекоммуникация тармоқларида техник даражани тиклаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, илмий техника тараққиёти маҳсулотларини амалиётга жорий этишни жадаллаштиришга катта эътибор қаратиш лозим. Фан ва техникани замон талабларига мос тарзда ривожлантириш борасида инновацион жараёнларнинг амалга оширилишига, юқори технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этилишига бевосита таъсир этувчи реал омилларни аниқлаш жуда муҳим ҳисобланади. Бундай омиллар кўп қиррали бўлиб, уларга:

- иқтисодиётни эркинлаштириш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш;
- янги ғоя ва инновацион лойиҳаларнинг соҳа ёки алоҳида олинган тармоқ ёки ташкилот мақсадларига мос келишини таъминлаш;
- лойиҳаларни танлаш, уларни экспертиза қилиш ва баҳолашда холис ва самарали тизимини жорий этиш;
- самарали бошқарув ва назорат меъёрларини ишлаб чиқиш;
- ижодий ғоялар манбаини яратиш;
- ташкилотларнинг янгиликларга нисбатан мойиллигини рағбатлантириш;

– ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларнинг шахсий ва жамоавий манфаатларини кафолатлаш билан бир қаторда уларнинг жавобгарлигини ошириш ва бошқалар киради.

Инновация жараёнига таъсир этувчи омилларнинг бундай тавсифланиши иқтисодиётда илмий-техникавий салоҳиятдан тўғри фойдаланиш, илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, ноёб техник ишланмалари натижаларини амалиётга кенг ёйишда жуда муҳимлиги билан бир қаторда инновация фаолиятини жадаллаштиришда ички ва ташқи таъсир натижаларини олдиндан аниқлаш имконини беради. Шу билан бирга “ишлаб чиқариш омиллари” босқичидан “инвестиция” ва “инновация” босқичигача бўлган давр оралигида илмий-техникавий имкониятлар даражасини белгилаш, мавжуд муаммоларни олдини олиш, уларни ҳал этиш, ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш имкониятларини белгилайди.

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш қонуниятлари ва уни технологик модернизация қилиш йўналишлари мамлакатнинг рақобатбардошлигини ошириш ва турмуш сифатини жаҳон андозалари даражасига кўтариш имкониятини яратувчи ахборот-индустриал жамиятни куриш учун ривожланишнинг янги инновацион стратегияларини ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқаради.

Илмий ишда кўрсатилганидек, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида инновацион сиёсатни шакллантиришда тизимли ёндашувни қўллаш, айниқса жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг қуйидаги замонавий тенденциялари замирида, ўта долзарб аҳамият касб этди:

– сифатли инсон капитали учун рақобат жаҳон инновацион ривожининг муҳим хусусиятларидан бирига айланиб бормоқда, юқори малакали ходимлар мослашувчанлигининг ортиши ҳам билимларни ёйиш жараёнларини таъминламоқда;

– билимларни ёйиш жараёнларида ахборот технологияларининг роли инновацион фаолликни янада ошириш учун долзарб аҳамият касб этмоқда, билимларни ёйиш жараёнлари эса алоҳида иқтисодиётлар доирасидан ташқарига чиқмоқда;

– глобаллашув жараёнлари компанияларни технологияларнинг янада юқори даражаларида рақобатлашишга мажбур қилади ва шу билан бирга инновацияни ихтисослаштириш ва маҳаллийлаштириш жараёнларини рағбатлантиради.

Инновацион сиёсатини олиб боришга нисбатан тизимли ёндашув концепциясини амалга оширган мамлакатлар (Тайвань, Сингапур, Корея Республикаси, Ҳиндистон, Малайзия ва бошқ.) тарихан қисқа давр мобайнида давлат, бизнес, фан ва таълимнинг ўзаро ҳамкорлик механизмларини ўз ичига олган самарали миллий инновацион тизимларни яратишга эришдилар.

Шундай қилиб, муаллиф фикрига кўра, инновациялар ижтимоий ривожланишда қуйидаги вазифаларни бажаради:

– инновациялар меҳнат фаолиятини интеллектуаллаштиришга, унинг илмий сиғимлилик даражасини оширишга кўмаклашгани ҳолда, улар орқали инсон интеллектининг ютуқлари, илмий-техник натижалар ҳаётга тадбиқ этилади;

– инновация ёрдамида иқтисодиётнинг товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчи секторлари кенгаяди, улар сифати яхшиланади, бу эса ҳар бир инсон ва бутун жамият эҳтиёжларининг ошишига, ҳамда ушбу эҳтиёжларнинг қондирилишига хизмат қилади;

– инновациялар ишлаб чиқаришга янги ишлаб чиқарувчи кучларни жалб этиш, меҳнат, материал, энергияни кам сарфлаган ҳолда товарлар ва хизматларни яратиш имконини беради;

– инновацияларнинг у ёки бу соҳада жамул-жам бўлиши такрор ишлаб чиқариш таркибини ўзгарган эҳтиёжлар таркиби ва ташқи муҳит таркиби билан мувофиқлаштиришга ёрдам беради;

– инновациялар айниқса кичик бизнес соҳасида тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилиш билан бирга, рақобат жиҳатидан устунликларга эга бўлиш ва бозорнинг янги сегментларини эгаллаш учун янги товарлар ва технологияларни излашга ва уларни ўзлаштиришга ундайди.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги инновацияларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда унинг моҳияти ва мазмуни янгиликни яратиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида намоён бўладиган асосий жиҳатлар орқали белгиланиши мумкин. Илмий ишда инновацион жараёнларнинг мазкур тармоққа хос бўлган қуйидаги асосий хусусиятлари келтирилган:

– илгари амалий фаолиятда қўлланилмаган янги инновацион натижа (дастурий маҳсулот, коммуникация воситалари, хизмат турлари ва бошқ.) кўринишида намоён бўладиган илмий ва амалий янгилик;


– янги маҳсулотни тижоратлаштириш босқичида олинган натижанинг амалий хусусиятга эга бўлиши, бу янги маҳсулотни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, маҳсулот ва хизматлар ҳаётий циклининг босқичларига мувофиқ равишда ички ва ташқи бозорларга чиқиш;

– ижтимоий-иқтисодий самара кўринишида ифодаланган инновациянинг яқуний натижасига эришиш ва уни аниқлаш имконияти.

Шу муносабат билан алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида инновацион ривожланишга кўмаклашувчи ва унга тўсиқ бўлаётган омиллар кўриб чиқилиб, улар тегишлича ички ва ташқи, ҳуқуқий-меъёрий, ижтимоий-руҳий, маданий, иқтисодий, молиявий, ташкилий, ахборот турларга таснифланди.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси фаолият кўрсатишининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда инновацион фаолиятга таъсир этувчи

барча омиллар биргаликда фаолият кўрсатади ва улар ўзаро шартланган (1.1-расм).



1.1-расм. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида инновацион фаолиятга таъсир этувчи омиллар


Инновация жараёнига таъсир этувчи омилларнинг тизимли тавсифини ҳисобга олган ҳолда корхона инновацион салоҳиятини таркибини ишлаб чиқдик (1.2-расм).

Иқтисодиётнинг барқарор ўсиши илм-фан таракқиёти ва унинг салоҳиятини ошириш билан боғлиқ. Лекин, бугунги кунда мамлакатимизда илмий техникавий фаолиятни ошириш, ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш борасида ягона комплекс ёндошув ишлаб чиқилмаган.

Шунингдек илмий салоҳиятни истиқболда босқичма-босқич ривожлантириш, жаҳон миқёсида муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган тадқиқотларни бажариш, уларнинг натижасини кенг тадбиқ этиш, илмий ишланмаларнинг ноёблиги каби хусусиятларни ўз ичига олувчи ягона тизим барпо этилмаган. Бунинг учун янгича, замонавий усулларни ўз ичига олувчи бошқарув тизимини, янгиликларни амалиётга жорий этишнинг ташкилий тизимини, ресурслардан фойдаланишни, самарадорликни оширишнинг янгича усуллариини ўз ичига олувчи ишлаб чиқариш тизимини, ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш ва техник даражасини кўтаришга қаратилган техник тизимни, хуллас ижтимоий-иқтисодий, молиявий, илмий-техникавий тамойилларни ўз ичига олувчи ягона концепцияни яратиш лозим. Бу сиёсат илм-фан ва инновацион жараёнларни ишлаб чиқариш билан доимий боғланишини, натижалардан кенг фойдаланишни ва бу соҳада зарур меъёрий-ҳуқуқий базанинг яратилишини таъминлайди.

Иқтисодий тараққиётнинг инновацион йўналишини белгилашда куйидаги муаммоларнинг ечими алоҳида аҳамият касб этади:

- илм-фан ва илмий тадқиқотларни бошқаришда корхоналар моддий-техника базасини кўтариш, янги замонавий техник асбоблар билан жихозлаш, ахборот коммуникация воситаларидан фойдаланишни кенгайтириш ва уларга алоҳида эътибор қаратиш;



1.2-расм. Корхона инновацион салоҳиятининг элементар таркиби

- илмий-техникавий тараққиётнинг асосий йўналишларини белгилаш ва улардан фойдаланишда самарали экспертиза тизимини жорий этиш ва ижтимоий йўналтирилган тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш;
- илм-фан ривожини муайян даражада қўллаб-қувватлайдиган ҳуқуқий асосларни кенгайтириш;
- инновация ва илмий ишланмаларни молиялаштиришда бюджет маблағлари танқислигини инобатга олиб тезлаштирилган амортизация сиёсатини қўллаш;
- лизинг фаолиятини кенгайтириш, венчур жамғармаларини ташкил этиш ва улардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш;
- энергия ва ресурсларни тежаш, ҳамда тежашга асосланган технологияларни жорий этиш;
- инсон омилига эътиборни кучайтириш, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимини доимий ривожлантириб бориш;
- банк-молия тизимини кучайтириш, миллий “сўм”нинг қадрини ошириш, инфляция даражасини пасайтириш имкониятларини излаш ва ҳ.к.

Шундай қилиб, бир-бири билан узвий боғланган чора тадбирлар айни вақтда жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш ва унинг оқибатларини енгиллаштиришга, иқтисодиётни модернизациялаш моделининг самарали амалга оширилишига замин яратади.

1.2. Алоқа корхоналарида инновацион фаолиятни кучайтириш омиллари ва шарт-шароитларини тадқиқ этиш

XXI асрнинг бошларига келиб глобал ахборотлашган жамиятга ўтиш жараёни тезлашди. Замановий телекоммуникацион каналлар орқали ахборот билан тезкор алмашилиш имконияти давлатлараро, корхоналараро ва кишилар ўртасидаги алоқаларни кенгайтирди, масофа сезиларли роль ўйнамай қўйди, ахборот бозори ривожланиши ва ҳаракатланиши сифат

жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

“Ахборот жамияти” тушунчасини талқин этишга нисбатан мавжуд ёндашувларни умумлаштирган ҳолда, шуни айтиш лозимки, ҳозирги вақтда “ахборот жамияти” деганда қуйидагилар тушунилади:

– ахборот ва коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши туфайли содир бўлган янги глобал ижтимоий инқилоб натижасида шаклланувчи янги хилдаги жамият;

– билим жамияти, яъни унда ахборотдан тўсиқларсиз фойдаланиш ва у билан ишлашни билиш туфайли олинган билим ҳар бир инсон ва ҳар бир давлат фаровонлигининг асосий шarti ҳисобланган жамият;

– унда ахборот билан алмашиш вақт, макон, сиёсий чегараларга эга бўлмайдиган глобал жамият; у, бир томондан, маданиятларнинг ўзаро кириб боришига кўмаклашса, иккинчи томондан, ҳар бир ҳамжамиятга ўзини ўзи мослаштириши учун янги имкониятларни очади.

Ахборот жамиятининг муҳим хусусияти шунбдаки, ишлаб чиқаришда эътиборнинг материаллардан фойдаланишдан хизматлар кўрсатишга қаратилишидан иборат, бу хом-ашё қазиб чиқариш ва уни қайта ишлаш ҳажмининг сезиларли даражада пасайишига ва хизматлар кўрсатиш соҳасининг ўсишига олиб келади. Масалан, унда ахборот жамияти ривожланишда анча илгарилаб кетган Европа мамлакатларида ахборот саноатидаги айланма маблағларнинг ярмидан кўпи (55%) ахборот маҳсулотлари ва технологияларини яратиш улушига ва фақатгина уларнинг 45 фоизи техника ишлаб чиқариш улушига тўғри келади; алоқа саноатидаги фарқ янада катта: 80 фоизни телекоммуникация хизматлари ва фақатгина 20 фоизни коммуникация воситаларини ишлаб чиқариш ташкил қилади¹⁰.

Ахборот жамиятининг асосий хусусиятларидан бири, юқорида таъкидланганидек, унинг глобал хусусиятга эгалигидир. Уни шакллантириш жараёнида аста-секин мамлакатлар ва инсонлар ўртасидаги чегаралар

¹⁰ Building the European Information Society for us all: Final policy report of the high-level expert group, April 1997 / European Commission. Directorate-General for employment, industrial relations and social affairs. Unit V/B/4. - [Brussels, manuscript completed in April 1997]

йўқолиб боради, жаҳон иқтисодиётининг таркиби ўзгаради, бозор янада фаоллашади. Бундай шароитда ҳар бир давлат учун миллий ахборот инфратузилмасининг ривожланиши ва унинг глобал ахборот инфратузилмасига самарали қўшилишга мойиллиги муҳим аҳамият касб этади¹¹.

Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиш қонуниятлари ва унинг ўсиш йўналишлари мамлакат аҳолисининг турмуш сифати ва ҳаёт кечириш муҳитини жаҳон стандартлари даражасига етказишга имконият яратувчи, жамиятнинг ижтимоий бирлигини ва ички барқарорлигини таъминловчи кўп секторли, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини ҳамда саноат-ахборот жамиятини шакллантириш учун моддий ва ташкилий-иқтисодий базани изчил яратишдан иборат бўлган ривожланишнинг янги стратегиясини ишлаб чиқиш зарурлигини белгилаб беради.

Ахборот жамиятини шакллантиришнинг асосий шартлари жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ягона жаҳон ахборот маконини шакллантириш, минтақалар, мамлакатлар ва халқларнинг ахборот ва иқтисодий интеграциялашуви жараёнларини чуқурлаштириш;

- истиқболли ахборот технологиялари, ҳисоблаш техникаси воситалари ва телекоммуникациялардан оммавий фойдаланишга асосланган янги технологик тизимларнинг вужудга келиши ва кейинчалик иқтисодиётда устунлик қилиши;

- табиий ресурслар, меҳнат ва капитал бозорларига қўшимча равишда ишлаб чиқариш омиллари сифатида ахборот ва билимлар бозорини шакллантириш, жамият ахборот ресурсларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг реал ресурсларига ўтиши, жамиятнинг ахборот маҳсулотлари ва хизматларига бўлган эҳтиёжларини амалда қондириш;

- телекоммуникация, транспорт, ташкилий инфратузилмаларни

¹¹ Information Society: Concepts, Work Programme and Examples of Public and Private Initiatives.

ривожлантириш;

- халқаро, миллий ва минтақавий даражаларда ахборот алмашуви тизимларининг имкониятларини кенгайтириш ҳисобидан таълим, илмий-техникавий ва маданий даражани ошириш, ўз навбатида, меҳнат хизматларининг муҳим хусусиятлари сифатида малака, профессионализм ва ижод қилиш қобилиятининг ролини ошириш;

- шахс, жамият ва давлатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

- ривожланишнинг муҳим шарти сифатида ахборотни эркин олиш ва тарқатиш учун ижтимоий институтлар тизимини барпо этиш¹².

Ахборот жамиятини шакллантириш жараёнида унинг инсонлар ва бутун ҳамжамиятлар учун яратилган янги техник ва технологик имкониятлардан келиб чиқувчи барча имкониятларидан фойдаланишга интилиш зарур. Алоҳида инсон даражасида гап аҳолининг кўпчилиги учун зарур бўлган юқори сифатли ва арзон хизматларга нисбатан кутишларнинг амалга оширилиши ҳақида бормоқда. Корхоналар даражасида кўпроқ рақобатбардошликни таъминлаш мақсадида меҳнатнинг инновативлигини ва самарадорлигини ривожлантириш назарда тутилади. Минтақа ва мамлакат даражасида гап мультимедия воситаларини ривожлантириш ва уларнинг тегишли мазмунини жамғариш орқали ижодий ва маданий салоҳиятдан имкон қадар фойдаланиш ҳақида бормоқда.

Илмий тадқиқотларни ривожлантириш ахборот жамиятини муваффақиятли шакллантиришнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Истиқболли технологиялар соҳасидаги илмий тадқиқотларни амалга оширишга ва бозор эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг натижаларини фаолиятнинг барча соҳаларига тезда жорий этишга кўмаклашиш лозим. Ушбу вазифани фаоллаштирилган илмий, тижорат, иш ва расмий ахборотдан электрон кўринишда фойдаланишни назарда тутувчи илмий-техник ахборотни ривожлантириш ва ундан ахборот жамиятининг

¹²Wege in die Informationsgesellschaft: Status quo und Perspektiven Deutschlands im internationalen Vergleich / Fachverband Informationstechnik. - <http://www.bmwi-nfo2000.de/gip/fakten/status/index.html>

эҳтиёжлари учун фойдаланиш махсус дастури доирасида ҳал этиш мумкин.

Глобал ахборот жамиятини шакллантириш шароитида коммуникация ва ахборот технологиялари воситаларидан тўсиқларсиз фойдаланиш имконини берувчи стандартлар алоҳида аҳамият касб этади. Уларни жорий этишда ихтиёйлик тамойилига амал қилинган ҳолда миллий ва халқаро стандартларни бир-бирига яқинлаштириш зарур.

Ҳозирги вақтда АКТнинг ривожланганлик даражаси бўйича мамлакатларнинг уч гуруҳи мавжуд:

- билимлар ва ахборот ишлаб чиқарувчи ва уларни бошқа мамлакатларга узатувчи мамлакатлар;
- уларга узатилган билимлар ва ахборот асосида моддий ишлаб чиқаришни таъминловчи мамлакатлар;
- хом-ашё етказиб берувчи ахборот жиҳатдан қалоқ мамлакатлар¹³.

Шу сабабли ахборот-коммуникация технологиялари ҳозирда миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда ҳал қилувчи омил бўлмоқда. Ҳозирги жамиятда кўпчилик соҳаларнинг ривожланиши кўп жиҳатдан ахборот таъминоти қанчалик самарали ташкил этилганлиги билан белгиланади. Эндиликда янги ахборот ва коммуникация технологиялари (ИКТ) иқтисодиётнинг кўплаб тармоқларида тобора ҳал қилувчи роль ўйнайди. Алоҳида компанияларнинг ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги, мамлакатнинг ички ва хорижий инвесторлар учун жозибадорлиги кўп жиҳатдан ахборот инфратузилмаси ривожланишининг даражасига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “2009 йилда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши яқунлари ва 2010 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишлари”га бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидлаганларидек: “Инқирозга қарши чоралар дастурини

¹³ Махмудов Э.А. Информационное общество и Узбекистан. Т.: Фан, 2008, с.21.

амалга оширишда ишлаб чиқаришни жадал модернизациялаш, корхоналарни техник ва технологик қайта қуроллантириш муҳим вазифалар қаторига киради»¹⁴.

Билимларга асосланган иқтисодиётга ўтиш янги ғояларни миллий ёки халқаро бозорларда ўзининг реал истеъмолчиларини топадиган янги технологияларга, маҳсулотларга ва хизматларга самарали айлантира оладиган яхлит тизимни шакллантиришни талаб этади. Миллий инновация тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, унинг самарадорлиги янги билимларни ва ғояларни яратиш ва уларни амалиётда қўллаш билан боғлиқ.

1.1-жадвал

Инновацион жараёнларнинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар

Омиллар гуруҳлари	Фаолиятга тўсқинлик қилувчи омиллар	Фаолиятга қўмаклашувчи омиллар
<i>Иқтисодий, технологик</i>	Инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун маблағларнинг етишмаслиги; моддий ва илмий-техник базанинг заифлиги, эскирган технология, захира қувватларининг мавжуд эмаслиги; жорий ишлаб чиқариш манфаатларининг устунлик қилиши	Молиявий, моддий-техника воситалар захиралари, илғор технологиялар, зарур хўжалик ва илмий-техник инфратузилманинг мавжудлиги; инновация фаолиятини моддий рағбатлан-тириш
<i>Сиёсий, ҳуқуқий</i>	Монополияга қарши, солиқ, амортизация, патент-лицензия тўғрисидаги қонун ҳужжатлари томонидан чекловлар	Қонуний чоралар (айниқса имтиёзлар), инновация фаолиятини рағбатлантириш, инновацияларни давлат томони-дан қўллаб-қувватлаш
<i>Ташкилий-бошқарув</i>	Эскирган ташкилий тузилмалар, ортикча марказлашув, бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усули, вертикал ахборот оқимларининг устунлик қилиши; идоравий ёпиқлик, тармоқлараро ва ташкилотлараро ўзаро ҳамкорлик қилишнинг мураккаблиги; режалаштиришдаги қатъийлик; юзага келган бозорларга йўналтирилиши	Ташкилий тузилмаларнинг қайишқоқлиги, бошқарув демократик услубининг, горизонтал ахборот оқимларидан устунлик қилиши, ўзини ўзи режалаштириш, тузатиш-ларга йўл қўйиш; марказлашган тизимдан чиқариш, мақсадли муаммоли гуруҳларни шакллантириш
<i>Ижтимоий-руҳий ва маданий</i>	Мақомнинг ўзгариши, янги иш қидириш, фаолиятнинг турғун усулларини қайта қуриш, хатти-ҳаракат стереотиплари, юзага келган анъаналарнинг бузилиши каби оқибатларни келтириб чиқарувчи ўзгаришларга қаршилик кўрсатиш; ноаниқликдан қўрқиш, муваффақият-сизлик учун жазоланишдан хавфсираш; четдан кириб келадиган барча янги нарсаларга қаршилик кўрсатиш.	Маънавий рағбатлантириш, жамият томонидан тан олинishi; ўзини кўрсатиш учун имкониятларни таъминлаш, ижодий меҳнатдан озод этиш, меҳнат жамоасида нормал руҳий иқлим

Манба: муаллиф томонидан тузилган.

Инновация жараёнининг таҳлили муайян инновацион фаолиятга

¹⁴ И.А.Каримов. Асосий вазифамиз - ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010 й., 37-38 б.

тўсқинлик қилувчи ва кўмаклашувчи барча омилларни ҳисобга олиш қийин деган хулосага келиш учун асос бўлади. Инновацион фаолиятнинг омиллари уни ташкил этишнинг муайян шакллари билан ўзаро боғланган бўлиб, ўз навбатида бошқарув тизимларининг муайян белгилари уларга хос бўлиши мумкин (1.1 -жадвал).

Миллий ахборот ресурслари иқтисодиёт ва жамият ривожланишининг энг муҳим таркибий қисмларидан бирига айланмоқда, улар йил сайин тобора кўпроқ даражада мамлакатларнинг глобал даражадаги рақобатбардошлигини белгилаб бермоқда.

Республикада ахборот-коммуникация технология бозорлари кенгайиб, ҳисоблаш техникаси ва телекоммуникация воситалари импорти тез ўсмоқда, арзон персонал компьютерлар ўрнига комплекс ечимли ахборотлаштириш секторлари жадал суръатларда кириб келмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатлараро алоқалар тизими ва ундаги халқаро аҳамиятга эга транзит каналлар сони бир неча маротаба ортиши, бу аввало, ғарб компанияларининг йирик инвестициялари ҳисобига юз берди, телефон каналларининг сони ортиб, жойларда CDMA-450 стандартидаги симсиз радиоалоқа тармоқлари кенгаймоқда. Ана шундай «ахборот магистраллари» ўтказиш қувватининг ортиши туфайли йилдан-йилга ахборотнинг тобора каттароқ ҳажми корхоналар, ташкилотлар ва аҳолининг барча қатламлари ўртасида кенгроқ доирада тарқалмоқда. Бу ўз навбатида, маълумотларни оддий узатишдан билимларни тарқатишнинг самарали тизимига ва пировардида «Ахборот иқтисодиётидан» «Билимларга асосланган иқтисодиётга» («knowledge-based economy») тўла равишда ўтишга олиб келади, яъни билимлар ва янги технологияларга асосланган ижтимоий муносабатлар иқтисодий ўсишнинг асосий омилига айланади. Н.О Қаюмованинг фикрича, билимларга асосланган иқтисодиёт доирасида «Ахборот ҳамжамияти» ва «Ахборот иқтисодиёти» каби тушунча ва атамалар бежиз пайдо бўлгани йўқ. Ҳар бир янги маҳсулот ортида инсоннинг ақлий

меҳнати туради, маҳсулотни яратиш мобайнида инсоният жамғарган билимлар ижтимоий қийматга айланади¹⁵.

Саноат – ахборот жамиятига изчил, эволюция йўли билан ўтиш куйидагиларни талаб қилади:

- ахборот ва коммуникацион технологиялар соҳасидаги қонун ҳужжатларини ва давлат томонидан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш;

- давлат ҳокимияти органларининг фаолиятида ошкораликни ва давлат ахборот ресурсларидан умумий фойдаланиш имкониятини таъминлаш, ахборот ва коммуникацион технологиялардан фойдаланиш асосида давлат ҳокимияти органлари билан фуқаролар ўртасида самарали ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш учун шароитлар яратиш;

- ахборот ва коммуникацион технологиялардан фойдаланиш асосида давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини такомиллаштириш;

- давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг хўжалик юритувчи субъектлар билан ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш ҳамда ахборот ва коммуникацион технологияларни иқтисодиётнинг реал секторига жорий этиш;

- ахборот ва коммуникацион технологиялар бўйича мутахассисларни ҳамда малакали фойдаланувчиларни тайёрлаш тизимини ривожлантириш;

- ахборот ва коммуникацион технологияларни жорий этиш орқали мустақил оммавий ахборот воситаларининг ривожланишига кўмаклашиш;

- телекоммуникацион инфратузилмани ривожлантириш ва очик ахборот тизимларига уланиш пунктларини ташкил этиш;

- электрон тижорат тизимини самарали ривожлантириш.

Шу борада алоқа тизимини ривожлантириш, жаҳон талабларига мос келадиган телекоммуникация тармоқларини тубдан яхшилаш масалаларига

¹⁵ Н.О. Қаюмова Билимлар иқтисодиётини шакллантириш –барқарор иқтисодий ўсишнинг омили сифатида. Т.: Ўзбекистонда ижтимоий фанлар.:№1-2, 2010, 66-б.

алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ахборот-коммуникация технологиялари негизида ахборотлашган жамият барпо қилиш Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири эканлиги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, ҳукумат қарорларининг мазмунида ўз аксини топмоқда¹⁶.

Ўзбекистонда ахборот коммуникация технологиялари (АКТ) соҳасини жадаллик билан ривожлантиришга умуммиллий давлат дастурлари асосида ёндошилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майда эълон қилинган “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот – коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони соҳани жадаллик билан ривожлантиришнинг аниқ мақсад ҳамда вазифаларини белгилашда катта аҳамият касб этди. Телекоммуникация инфратузилмаларини такомиллаштириш, миллий интернет сегменти ҳамда маълумотни узатиш тармоғини ривожлантириш, дастурий маҳсулотлар индустриясини яратиш, ахборот ресурсларини шакллантириш, кадрларни тайёрлаш, мутахасислар малакасини доимий равишда ошириб бориш ва АКТ соҳасида рақобат муҳитини қарор топдириш каби масалалар соҳа техник ва технологик даражасини кўтариб, замонавий истеъмолчи манфаатлари ва эҳтиёжларини тўла ҳисобга олишга шароит яратади. Бу эса, ўз навбатида тақдим этилаётган анъанавий хизматларни янада ривожлантириш, шунингдек янги турдаги замонавий хизмат турларини жорий этиш ва уяли алоқа, маълумотни интернет тармоғи ва электрон тизим орқали узатиш, IP-телефония сингари хизматларни жорий этиш, уларни сифат кўрсаткичларини кўтаришга олиб келади.

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси фаолияти телекоммуникация тармоқларини доимий равишда модернизациялаш ва ривожлантириш, алоқа

¹⁶ Арипов А.Н., Иминов Т.К. Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси менежменти масалалари.Т.: Фан ва технологиялар. 2005, Б. -53-54.

ҳажмини ошириш уларнинг турларини кўпайтириш замонавий хизматларни кенгайтириш, ижтимоий ва иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, АКТ ролини ошириш каби муҳим ва устувор вазифаларни бажаришга қаратилган. Бу хил вазифаларнинг ечими билимларга асосланган ривожланиш билан боғлиқ.

Кейинги йилларда илмий-техника соҳасидаги ахборот сиёсатининг асосий вазифаси, ахборот фондларининг доимий равишда тўлдирилишини таъминлаш, фуқароларга фан, технологиялар ва таълим соҳасида ахборот ресурсларидан максимал эркин фойдалана олишларини таъминлашга қодир бўлган ахборот тизимини тақдим этиш, замонавий ахборот ва коммуникацион технологиялар негизида доимий ривожланишни таъминлашдан иборат.

Сўнги йилларда республикада ахборотлаштириш ва телекоммуникация соҳасини янада ривожлантиришга қаратилган қонунчилик базаси яратилди-ки, бундай ҳуқуқий асосга кўра ушбу соҳада инновация фаолиятини кучайтиришга қаратилган барча йўналишлар белгилаб берилган ва улар бўйича меъёрий қоидалар ишлаб чиқилган. У ахборот-коммуникация технологиялари фаолиятининг иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий асосларини, шу билан бирга, ахборот-коммуникация тизимлари, тармоқлари ва маълумотлар базалари яратилишини ва ишлатилишини тартибга солиб боради.

Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасидаги қонунчилик базаси билан белгилаб қўйилган давлат сиёсатининг асосий йўналишлари орасидан инновацион жараёнларни кучайтиришга қаратилган тадбирларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

— давлат ва минтақавий ахборот тармоқларини инновацион ривожлантириш, реал сектор илмий-техникавий фаолиятининг ахборот таъминоти;

- глобал ахборот тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш, тармоқларга тижорат режимида киришни мувофиқлаштириш, турли тармоқлардан ва улар тақдим этадиган хизматлардан фойдалана олишдаги бирликни таъминлаш;

- қиммат ва уникал ускуналардан узоқ фойдаланишни ташкил этиш, ёш тадқиқотчиларни масофадан туриб ўқитишга имкониятларни яратиш;

- ахборот ресурсларига бўлган мулкчиликнинг барча турларини ривожлантириш ва ҳимоя қилиш.

Инновацион фаолиятнинг муайян дастурларининг шакллантирилишидан олдин инновацияларнинг ахборот инфраструктураси яратилиши лозим ва бу инфраструктура дастурлар рўёбга чиқарилишида ишга солинади. Фан - техника ва инновациялар соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш учун бир қатор мустақил блоклардан иборат бўлган комплекс ахборот - асос зарур:

- фан ва инновациялар статистикаси, тадқиқотлар ва ишланмаларни олиб борувчи ташкилотлар таркибига, фанни молиялаштириш, илмий кадрлар, фаннинг натижалари бўйича маълумотлар;

- фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларини аниқлаш учун бошланғич маълумотлар;

- илмий-техникавий қисмига эга бўлган давлат мақсадли дастурлари доирасида илмий-техникавий лойиҳаларнинг бажарилиши тўғрисида маълумотлар;

- давлат мақсадли илмий-техникавий дастури доирасида кичик дастурлар бўйича илмий-техникавий лойиҳаларнинг бажарилиши тўғрисида ахборот, молиялаш, энг муҳим натижалар, эксперт баҳолари ҳақидаги маълумотлар;

- давлат илмий марказлари;

- илмий-техника салоҳиятининг ҳудудий тақсимламланиши, ҳудудий илмий-техникавий дастурлар;

– олимларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниши (иш ҳақи, пенсия таъминоти ва ҳ.к.);

– халқаро илмий-техникавий ҳамкорлик.

Инновация фаолиятини кучайтириш, бир томондан, ишлаб чиқаришни янгилашга бўлган ички эҳтиёж ҳажмига боғлиқ бўлса, иккинчидан, бозордаги вазият ва инновацион фаолиятни давлат йўли билан тартибга солиш тизими (солиқлар, кредит, давлат инвестициялари)га боғлиқдир.

Инновацион иқлимни шакллантиришда, инновация секторига инвестицияларни жалб этиш ва улар учун зарур шароитлар яратиш муҳим роль ўйнайди. Бунинг учун илмий ва илмий - технологик маҳсулот бозорини яратиш, соҳага жиддий инвестицияларни жалб этиш учун потенциал инвесторларга уларни қизиқтирувчи технологияларни ва илмий маҳсулотни тақдим этиш ҳамда олинган фойда ва таваккалчилик эҳтимолини ҳисобга олиб, яхлит ахборот тизимини яратиш талаб қилинади. Бунда илмий тадқиқот ва тажриба ишлари натижаларини маваффақиятли тижоратлаштириш, мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар томонидан яратилган технологияларни реал сектор талаблари асосида мувофиқлаштириш, зарур меъёрий ва услубий хужжатлар, техник хусусиятларини белгиловчи андозалар яратишни йўлга қўйиш лозим. Илмий-техника соҳасидаги кичик корхоналарнинг кредитлар билан таъминланишлари, инновацион лойиҳаларни бажариш учун коопорациялашуви, бундай лойиҳаларнинг холис экспертизаси ташкил этилиши, ходимларни технологик менежментга тайёрлаш ишлари асосий вазифалар ҳисобланади.

Шундай қилиб, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида инновацион технологияларни ривожлантириш қўйидаги асосий вазифаларнинг бажарилиши билан боғлиқ деб ҳисоблаймиз:

– алоқа ва ахборотлаштириш ҳамда телекоммуникация тармоқларини доимий равишда модернизациялаш ва ривожлантириш, алоқа ҳажмини

ошириш уларнинг турларини кўпайтириш, замонавий хизматларни кенгайтириб бориш учун самарали рағбатлантириш тизимини яратиш. Бу борада модернизация жараёнини жадаллаштириш ва ишлаб чиқаришни техник даражасини кўтариш учун алоқа ва ахборотлаштириш тармоғи корхоналарининг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан йўналтирилаётган сармояларига ҳамда ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган янги ускуналарга нисбатан имтиёзли солиқ сиёсатини қўллаш ижобий натижалар берган бўларди;

– инновацион тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хусусий бизнес учун зарур бўлган барча шароитларни яратиш. Иқтисодий инқироз шароитида республикада инновациялар билан шуғулланувчи хусусий бизнес ва кичик корхоналарга янги иш ўринлари ва даромад манбаи сифатида қаралса, телефон алоқаси, маълумотни узатиш ва интернет хизматлари кўрсатишда рақобат муҳити яратилиб ички бозордаги талаб ва хизматлар экспортини кенгайтиришга асос бўларди;

– замонавий технологиялар асосида коммуникация хизматлари кўрсатишни йўлга қўйиш, оптик толали ва радио реле алоқа линияларини кенгайтириш, халқаро пакетли коммутация маркази орқали республиканинг барча провайдерларига жаҳон интернет тўри тармоғидан фойдаланиш имконини таъминлаш, турли даражадаги халқаро операторлар орқали ташқи интернет – каналининг юкланиш сифимини ошириш ва бошқа хизмат турлари орқали минтақа-тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш. Бу йўналиш иқтисодиётнинг барча тармоқларига ахборот технологиялари тизимининг интеграциялашувини таъминлайди, бутун инновацион фаолиятни истеъмолчи эҳтиёжларига қаратади;

– алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида инновация фаолиятини кенгайтириш, бу тармоқнинг техник даражасини кўтариш, алоқа ҳажми ва турларини кўпайтиришда самарали инвестиция сиёсати олиб бориш.

II-БОБ. АХБОРОТ - КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР СОҲАСИДА ИЛМИЙ - ТЕХНИК ЯНГИЛИКЛАРДАН Фойдаланишнинг Ҳозирги Ҳолати

2.1. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида илмий - техникавий салоҳиятни ривожлантириш тенденциялари

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси келажакда етакчи тармоқларни модернизациялаш ва техникавий қайта қуроллантириш, барча соҳаларни замонавий ахборот ва коммуникацион технологиялар негизида доимий ривожлантириш, ахборот тизимини кучайтиришга қаратилган.

Фан-техника тараққиёти, илмий салоҳиятни ривожлантириш, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий технологияларни, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий жорий этиш ва улардан фойдаланиш, аҳолининг ахборотга бўлган ошиб бораётган эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, жаҳон ахборот ресурсларидан фойдаланишни кенгайтириш ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантиришнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Маълумки инновацион фаолият корхоналарга рақобатда жиддий устунликлар беради, барқарорликни таъминлайди, бозордаги мавқенинг мустаҳкамланиши ва кенгайишига ёрдам беради. Технологик салоҳиятнинг кучайиши, янги технологик ишланмаларни мослаштира олиш қобилиятини ошириш бозордаги мавқенинг яхшиланишига ва иқтисодий стратегик жиҳатдан яққол кузатилаётган ижобий натижа билан сотиш ҳажмини кўпайишига олиб келади. Корхоналарнинг, бир томондан, инновациялардан бундай кучли манфаатдорлиги ва, бошқа томондан эса уларга боғлиқлиги инновацияларни узлуксиз такрор ишлаб чиқариш тизимини шакллантиради, ишлаб чиқариш ва илмий техник фаолияти соҳалари ўртасидаги яқин ва

самарали алоқани таъминлайди. Бундай масалалар ечимини таъминлаш корхоналар ва тармоқлар илмий-техник салоҳиятининг даражаси билан тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Мамлакатимиз корхоналари учун инновацион жараёнларни амалга ошириш ва ривожлантиришга эҳтиёж авваламбор жаҳонда юз бераётган иқтисодий инқироз шароитида иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши ва Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалигига узвий кириб бориши зарурлиги билан белгиланмоқда. Буни натижаси ўлароқ Ўзбекистон ҳукуматининг бир қатор қарорлари инновацион стратегиянинг ривожланиши чора-тадбирларини белгилаб бермоқда.

Бозор иқтисодиётининг такомиллашиб бориши инновацион технологияларнинг хўжалик фаолияти юритувчи турли касб эгалари ва турли тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириб боровчи жараёнларнинг фаолиятига шароит яратиб беради. Уларнинг самарали меҳнати учун бу фаолият эгаларини қанчалик бозор ҳақида, рақобатчилари ҳақида, истеъмолчилар ҳақида ва ниҳоят талаб ва таклиф ҳақида қанчалик ахборотга эга бўлса, шунчалик самарали иш олиб боради. Бунда инновацион технологиялардан бўлган ахборот фаолияти катта роль ўйнайди.

2009-2012 йилларда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш бўйича юртимизда қабул қилинган инқирозга қарши дастурни бажарилишини таъминлаш мақсадида республикамиз алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида инновацион технологияларни ривожлантириш қуйидаги асосий вазифаларни бажарилиши билан боғлиқ:

- соҳада модернизация жараёнини тезлаштириш, энергия тежайдиган янги техника ва технологияларни жорий этиш;

- ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш ҳамда хизматлар рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш;

- илмий-техника инновация ишларини молиялаш ва имтиёзли кредитлаш механизмларини такомиллаштириш;
- соҳада хизматларни янги турларини ривожлантириш;
- жалб этилган хорижий ва маҳаллий сармоялар миқдорини ошириш;
- қишлоқ жойларда соҳани инновацион ривожлантиришини таъминлайдиган хусусий бизнес ривожланиши учун қулай шарт шароит ҳозирлаш, сервис инфратузилмасини янада ривожлантириш, янги иш ўринларини ташкил этиш борасида ишларни жадаллаштириш;
- аҳоли ва корхоналарни бўш маблағларини тижорат банкларидаги депозитларга жалб қилишни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш;
- банк ва унинг барча филиаллари томонидан аҳолининг омонатлари ва нақд пул маблағлари бўйича миқдорнинг талабига кўра молиявий операциялар самарадорлигини ошириш;
- ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштириш орқали иш ҳақи харажатларини камайтириш.

Бугунги кунда республика алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини инновацион йўналиш бўйича истиқболли ривожлантириш телекоммуникациялар инфратузилмасини самарали шакллантириш, стационар, уяли алоқа ва Интернет тармоғида сифатли хизматларни ташкил этиш, ахборот ва маълумотлардан фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатадиган Интернет провайдерларини сонини кўпайтириш орқали, истеъмолчиларнинг танлаш имкониятини ошириш ва рақобат муҳитини шакллантириш, халқаро йўналишлардаги ахборот алмашинуви ҳажмини (каналлар сонини) ошириш ва валюта тушумини кўпайтириш, миллий интернет ва Ziyonet жамоат таълим-ахборот тармоғини ривожлантириш ва соҳада илмий-техник салоҳиятни ривожлантириш бўйича миллий сиёсатни амалга ошириш каби вазифаларни бажариш билан боғлиқ.

Юқорида келтирилган вазифалар ечимини таъминлаш қуйидаги

йўналишларда амалга ошмоқда:

- республика алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси фаолиятининг ҳуқуқий-меъёрий базасини шакллантириш ва ривожлантириш;
- электрон ҳукуматни таъминлаш ва АКТдан давлат бошқарувида фойдаланиш;
- соҳада интерактив янги хизматлар кўрсатишни ривожлантириш;
- давлат ахборот ресурслари ва тизимларини шакллантириш;
- электрон тижорат, электрон таълим ва электрон соғлиқни сақлаш хизматларини ривожлантиришни йўлга қўйиш;
- оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштиришда замонавий АКТларни кенг жорий этиш;
- алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида инновацион асосида коммуникация хизматлари кўрсатишни йўлга қўйиш, жаҳон Интернет тўри тармоғининг хизматларидан арзон ва сифатли фойдаланишни йўлга қўйиш;
- соҳада самарали инвестиция сиёсати олиб бориш, инновация фаолиятини кенгайтириш, бу тармоқнинг техник даражасини кўтариш, алоқа ҳажми ва турларини кўпайтириш кабилар.

Ривожланган мамлакатларнинг иқтисодиётда инновацион жараёнларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш бўйича тажрибаласидан фойдаланиш мамлакатимиз учун алоҳида аҳамиятга эга. Бу sanoat, телекоммуникация ва бошқа бир қатор тармоқларда инновацион фаолиятни тартибга солиш ва рағбатлантириш тизимининг шаклланишига кўмаклашади. Мазкур масалани тадбиқ этишнинг долзарблиги республика корхоналарида илмий - техникавий ва инновацион сиёсатни амалга оширишда бошқарувнинг ҳудудий-тармоқ органлари функцияларининг комплекс дастурларини ишлаб чиқишдан тортиб, ишлаб чиқаришда илмий - техник янгиликларни рўёбга чиқариш бўйича фаолиятининг тезкор масалаларини ҳал қилишгача кенгайтириши шароитларида янада кучаяди.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги ўн йилликда олиб борилаётган илмий - техник сиёсат ва илмий - техник салоҳиятни сақлаб қолишга ва ривожлантиришга, бозор ислохотларининг чуқурлаштирилиши шароитларида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишда саъй-ҳаракатларни жамлашга қаратилган. Шунинг натижасида Республиканинг лаёқатли илмий техник мактаблари, муассасалари, жамоалари ва илмий ташкилотлари сақлаб қолинди ҳамда илмий - техник соҳанинг миллий қонунчилик базаси яратилди, ҳалқаро илмий - техник ва инновацион фондлар асоси бўйича биргаликдаги дастурлар ва лойиҳалар амалга ошира бошланди, патент тизими шакллантирилди.

Таҳлилларимиз шунинг кўрсатадики, республика корхоналарида инновацион фаолиятни шакллантириш, ривожлантириш ва уни хўжалик юретишнинг бозор шароитларига мослаштириш жараёнлари қатор тўсқинлик қилувчи омиллар билан характерланмоқда:

- илмий тадқиқотларнинг устивор йўналишларини белгилаб олишнинг методлари ва инновацион фаолиятни бошқаришнинг механизмлари тўлалигича ҳали ишлаб чиқилмаган;

- ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий базани яратиш масаласи ҳал қилинмаган;

- бозор инновацион инфратузилмаси институтлари етарли даражада мавжуд эмаслиги ва илмий - техник салоҳиятдан фойдаланишнинг паст самарадорлиги ва бошқалар.

Инновацион инфратузилма соҳасидаги институционал ўзгаришлар, биринчи галда, қуйидагилар ҳисобидан саноат тармоқларида юқори технологик ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга йўналтирилган:

- бир буюртмачининг манфаатлари йўлида илмий тадқиқотлар олиб борувчи тор соҳага ихтисослашган илмий ва лойиҳа ташкилотларини ягона илм-саноат тузилмасига бирлаштириш;

– фан ва техниканинг тегишли соҳаларида етакчи мавқени эгаллаб турган йирик илмий ташкилотлар асосида фан ва юқори технологиялар марказларини ташкил этиш;

– тармоқ илмий-тадқиқот институтларининг бир қисмини ривожланган молиявий-иқтисодий, маркетинг ва тижорат инфратузилмасига эга бўлган инжиниринг фирмаларига таркибий ўзгартириш;

– олий ўқув юртлари билан биргаликда миллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда, ҳам миллий, ҳам хорижий савдо тармоғидан фойдаланиш асосида илмий сиғимли маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишга ихтисослашган инновацион-технологик марказлар, инновацион-саноат мажмуалари, технологик ва илмий паркларни шакллантириш;

– МДХ мамлакатлари ва бошқа мамлакатлар билан давлатлараро вертикал-интеграциялашган тузилмалар шаклидаги кооперацион алоқаларни ривожлантириш;

– юқори технологияларни сотиш дастурларига хизмат кўрсатиш учун бизнес инфратузилмасини барпо этиш, шунингдек кичик корхоналарнинг йирик ишлаб чиқаришлар билан алоқаларини таъминлаш мақсадида технологияларни узатиш бўйича базавий минтақавий ва минтақалараро инновацион-технологик марказларни ташкил этиш;

– инновацион ва инвестицион фаолият юритиш учун ахборот тармоғини ривожлантириш ва унинг негизида технологиялар ва ноу-хауни патент тозалиги ва рақобатбардошлиги нуқтаи назардан экспертизадан ўтказиш тизимини ривожлантириш;

– хорижий шериклар билан ҳамкорликда илмий сиғимли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда уни ички ва ташқи бозорларда сотишга ихтисослашган қўшма корхоналарни шакллантириш, чет элда реклама қилишни йўлга қўйиш, кўргазма-ярмарка фаолиятини такомиллаштириш, юқори технологиялар бўйича халқаро ахборот тизимларига кириш учун шароитлар яратилишини назарда тутувчи ташқи иқтисодий қўллаб-қувватлаш;

- минтақавий венчур инновацион фондларини таъсис этиш;
- ахборот инфратузилмасини ривожлантириш, илмий-техник кутубхоналар тармоғини қўллаб-қувватлаш, инновацион ташкилотларга ахборот тармоқлари ва маълумотлар базасидан фодаланишда кўмаклашиш.

Илмий - техника ахборотининг кечикиши илмий - техника ишланмалари натижаларини баҳолашни ва уни техника технологиясини бир авлодга кириб келишини ортга суради. Ўзбекистонда илмий - ахборот фаолиятига харажатлар илмий - тадқиқот ва тажриба - конструкторлик ишларига қилинадиган харажатларнинг 2 фоизидан ортмайди, бу ривожланган мамлакатлардаги кўрсаткичдан 3-4 маротаба кам. Ҳозирга қадар маълум сабабларга кўра Ўзбекистон илмий - техникавий ахборотнинг ривожланиши бўйича саноати ривожланган мамлакатлардан ортда қолмоқда.

Илмий - техникавий билимларни сақлаш ва тарқатишда ахборот тизимлари энг муҳим роль ўйнайди. Улар илмий - техникавий ахборотни йиғадилар, қайта ишлайдилар ва сақлайдилар, олимлар, мутахассислар ва менежерлар орасида уни тарқатадилар. Фан ва техника ривожланишининг ҳозирги жаҳон даражасида ўн минглаб илмий - тадқиқот ва конструкторлик ташкилотларининг мавжудлиги ва ахборот айирбошлаш тобора кўпроқ равишда илмий - тадқиқот ва тажриба - конструкторлик ишларининг сифати, муддатини ва ўтказилиши харажатларини белгилаб бермоқда. Бунга фанларнинг бир - бирига кириб бориши ва фанлараро тадқиқот ишланмаларининг амалга оширилиши тезлашуви тенденцияси ҳам таъсир этмоқда. Айнан ахборот олдинги босқичларда олинган натижаларга ва илмий - тадқиқот ҳамда тажрибаларга боғлиқ равишда илмий - тадқиқот ва тажриба - конструкторлик ишларига ўз вақтида тузатишлар киритишга имкон беради. Ахборот фаолияти илмий - техникавий фаолиятнинг алоҳида тури сифатида ажралиб чиқди. У ўзига хос технология ва техник воситаларни қўлловчи ихтисослашган ахборот хизматлари ва тизимлари кўринишида ифодаланган тадқиқотчилар, ишланмаларни бажарувчилар (конструкторлар ва

лойиҳаловчилар), инновацион соҳа ходимлари ва ишлаб чиқариш мутахассисларининг ахборот таъминоти даражаси илмий - техника салоҳияти ривожланиши ва ундан самарали фойдаланишга таъсир этади.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида стратегик устуворликларни амалга ошириш юзасидан амалий чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 6 июндаги 200-сонли «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникацион технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан 2002-2010 йилларга мўлжалланган компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникацион технологияларни ривожлантириш дастури тасдиқланди. Мазкур дастурнинг амалга оширилиши замонавий техник инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштиришга, компьютерлаштириш, мамлакат индустрияси ва дастурий маҳсулотларни экспорт қилишни ривожлантиришни рағбатлантириш учун шароитлар яратишга, юқори малакали кадрлар салоҳиятини тайёрлашга, қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга ва ахборот хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган. Дастурнинг асосий вазифаси жамиятнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш ва мамлакат иқтисодиётининг жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлигини оширишдан иборат.

Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш юзасидан қуйидаги биринчи галдаги вазифалар белгиланди:

- замонавий ишончли ва хавфсиз миллий ахборот маълумотлар базаларини шакллантириш, ахборот ресурслари ва хизматлари бозорини ривожлантириш, ахборот билан алмашишнинг электрон шакллариغا изчил ва босқичма-босқич ўтиш;

- компьютер ва ахборот технологияларини реал иқтисодиёт тармоқларига, бошқарув, бизнес, фан ва таълим соҳаларига кенг жорий этиш, илмий-техникавий тараққиётнинг асосий йўналишларини белгилаш ва

улардан фойдаланишда самарали экспертиза тизимини жорий этиш ва ижтимоий йўналтирилган тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш;

- илм-фан ривожини муайян даражада қўллаб-қувватлайдиган ҳуқуқий асосларни кенгайтириш;

- инновация ва илмий ишланмаларни молиялаштиришда бюджет маблағлари танқислигини инобатга олиб тезлаштирилган амортизация сиёсатини қўллаш;

- лизинг фаолиятини кенгайтириш, венчур жамғармаларини ташкил этиш ва улардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш;

- энергия ва ресурсларни тежаш, ҳамда тежашга асосланган технологияларни жорий этиш;

- инсон омилига эътиборни кучайтириш, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимини доимий ривожлантириб бориш;

- банк-молия тизимини кучайтириш, миллий “сўм”нинг қадрини ошириш, инфляция даражасини пасайтириш имкониятларини излаш ва ҳ.к.

Шундай қилиб, бир-бири билан узвий боғланган чора тадбирлар айни вақтда жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш ва унинг оқибатларини енгиллаштиришга, иқтисодиётни модернизациялаш моделининг самарали амалга оширилишига замин яратади.

1.2. Алоқа корхоналарида инновацион фаолиятни кучайтириш омиллари ва шарт-шароитларини тадқиқ этиш

XXI асрнинг бошларига келиб глобал ахборотлашган жамиятга ўтиш жараёни тезлашди. Замановий телекоммуникацион каналлар орқали ахборот билан тезкор алмашилиш имконияти давлатлараро, корхоналараро ва кишилар ўртасидаги алоқаларни кенгайтirdи, масофа сезиларли роль ўйнамай қўйди, ахборот бозори ривожланиши ва ҳаракатланиши сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

“Ахборот жамияти” тушунчасини талқин этишга нисбатан мавжуд ёндашувларни умумлаштирган ҳолда, шуни айтиш лозимки, ҳозирги вақтда “ахборот жамияти” деганда қуйидагилар тушунилади:

- ахборот ва коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши туфайли содир бўлган янги глобал ижтимоий инқилоб натижасида шаклланувчи янги хилдаги жамият;

- билим жамияти, яъни унда ахборотдан тўсиқларсиз фойдаланиш ва у билан ишлашни билиш туфайли олинган билим ҳар бир инсон ва ҳар бир давлат фаровонлигининг асосий шarti ҳисобланган жамият;

- унда ахборот билан алмашиш вақт, макон, сиёсий чегараларга эга бўлмайдиган глобал жамият; у, бир томондан, маданиятларнинг ўзаро кириб боришига кўмаклашса, иккинчи томондан, ҳар бир ҳамжамиятга ўзини ўзи мослаштириши учун янги имкониятларни очади.

Ахборот жамиятининг муҳим хусусияти шунбдаки, ишлаб чиқаришда эътиборнинг материаллардан фойдаланишдан хизматлар кўрсатишга қаратилишидан иборат, бу хом-ашё қазиб чиқариш ва уни қайта ишлаш ҳажмининг сезиларли даражада пасайишига ва хизматлар кўрсатиш соҳасининг ўсишига олиб келади. Масалан, унда ахборот жамияти ривожланишда анча илгарилаб кетган Европа мамлакатларида ахборот саноатидаги айланма маблағларнинг ярмидан кўпи (55%) ахборот маҳсулотлари ва технологияларини яратиш улушига ва фақатгина уларнинг 45 фоизи техника ишлаб чиқариш улушига тўғри келади; алоқа саноатидаги фарқ янада катта: 80 фоизни телекоммуникация хизматлари ва фақатгина 20 фоизни коммуникация воситаларини ишлаб чиқариш ташкил қилади¹⁷.

Ахборот жамиятининг асосий хусусиятларидан бири, юқорида таъкидланганидек, унинг глобал хусусиятга эгалигидир. Уни шакллантириш жараёнида аста-секин мамлакатлар ва инсонлар ўртасидаги чегаралар йўқолиб боради, жаҳон иқтисодиётининг таркиби ўзгаради, бозор янада

¹⁷ Building the European Information Society for us all: Final policy report of the high-level expert group, April 1997 / European Commission. Directorate-General for employment, industrial relations and social affairs. Unit V/B/4. - [Brussels, manuscript completed in April 1997]

фаоллашади. Бундай шароитда ҳар бир давлат учун миллий ахборот инфратузилмасининг ривожланиши ва унинг глобал ахборот инфратузилмасига самарали қўшилишга мойиллиги муҳим аҳамият касб этади¹⁸.

Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиш қонуниятлари ва унинг ўсиш йўналишлари мамлакат аҳолисининг турмуш сифати ва ҳаёт кечириш муҳитини жаҳон стандартлари даражасига етказишга имконият яратувчи, жамиятнинг ижтимоий бирлигини ва ички барқарорлигини таъминловчи кўп секторли, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини ҳамда саноат-ахборот жамиятини шакллантириш учун моддий ва ташкилий-иқтисодий базани изчил яратишдан иборат бўлган ривожланишнинг янги стратегиясини ишлаб чиқиш зарурлигини белгилаб беради.

Ахборот жамиятини шакллантиришнинг асосий шартлари жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ягона жаҳон ахборот маконини шакллантириш, минтақалар, мамлакатлар ва халқларнинг ахборот ва иқтисодий интеграциялашуви жараёнларини чуқурлаштириш;
- истиқболли ахборот технологиялари, ҳисоблаш техникаси воситалари ва телекоммуникациялардан оммавий фойдаланишга асосланган янги технологик тизимларнинг вужудга келиши ва кейинчалик иқтисодиётда устунлик қилиши;
- табиий ресурслар, меҳнат ва капитал бозорларига қўшимча равишда ишлаб чиқариш омиллари сифатида ахборот ва билимлар бозорини шакллантириш, жамият ахборот ресурсларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг реал ресурсларига ўтиши, жамиятнинг ахборот маҳсулотлари ва хизматларига бўлган эҳтиёжларини амалда қондириш;
- телекоммуникация, транспорт, ташкилий инфратузилмаларни ривожлантириш;

¹⁸ Information Society: Concepts, Work Programme and Examples of Public and Private Initiatives.

- халқаро, миллий ва минтақавий даражаларда ахборот алмашуви тизимларининг имкониятларини кенгайтириш ҳисобидан таълим, илмий-техникавий ва маданий даражани ошириш, ўз навбатида, меҳнат хизматларининг муҳим хусусиятлари сифатида малака, профессионализм ва ижод қилиш қобилиятининг ролини ошириш;
- шахс, жамият ва давлатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш;
- ривожланишнинг муҳим шарти сифатида ахборотни эркин олиш ва тарқатиш учун ижтимоий институтлар тизимини барпо этиш¹⁹.

Ахборот жамиятини шакллантириш жараёнида унинг инсонлар ва бутун ҳамжамятлар учун яратилган янги техник ва технологик имкониятлардан келиб чиқувчи барча имкониятларидан фойдаланишга интилиш зарур. Алоҳида инсон даражасида гап аҳолининг кўпчилиги учун зарур бўлган юқори сифатли ва арзон хизматларга нисбатан кутишларнинг амалга оширилиши ҳақида бормоқда. Корхоналар даражасида кўпроқ рақобатбардошликни таъминлаш мақсадида меҳнатнинг инновативлигини ва самарадорлигини ривожлантириш назарда тутилади. Минтақа ва мамлакат даражасида гап мультимедия воситаларини ривожлантириш ва уларнинг тегишли мазмунини жамғариш орқали ижодий ва маданий салоҳиятдан имкон қадар фойдаланиш ҳақида бормоқда.

Илмий тадқиқотларни ривожлантириш ахборот жамиятини муваффақиятли шакллантиришнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Истиқболли технологиялар соҳасидаги илмий тадқиқотларни амалга оширишга ва бозор эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг натижаларини фаолиятнинг барча соҳаларига тезда жорий этишга кўмаклашиш лозим. Ушбу вазифани фаоллаштирилган илмий, тижорат, иш ва расмий ахборотдан электрон кўринишда фойдаланишни назарда тутувчи илмий-техник ахборотни ривожлантириш ва ундан ахборот жамиятининг эҳтиёжлари учун фойдаланиш махсус дастури доирасида ҳал этиш мумкин.

¹⁹Wege in die Informationsgesellschaft: Status quo und Perspektiven Deutschlands im internationalen Vergleich / Fachverband Informationstechnik. - <http://www.bmwi-nfo2000.de/gip/fakten/status/index.html>

Глобал ахборот жамиятини шакллантириш шароитида коммуникация ва ахборот технологиялари воситаларидан тўсиқларсиз фойдаланиш имконини берувчи стандартлар алоҳида аҳамият касб этади. Уларни жорий этишда ихтиёйлик тамойилига амал қилинган ҳолда миллий ва халқаро стандартларни бир-бирига яқинлаштириш зарур.

Ҳозирги вақтда АКТнинг ривожланганлик даражаси бўйича мамлакатларнинг уч гуруҳи мавжуд:

- билимлар ва ахборот ишлаб чиқарувчи ва уларни бошқа мамлакатларга узатувчи мамлакатлар;
- уларга узатилган билимлар ва ахборот асосида моддий ишлаб чиқаришни таъминловчи мамлакатлар;
- хом-ашё етказиб берувчи ахборот жиҳатдан қалоқ мамлакатлар²⁰.

Шу сабабли ахборот-коммуникация технологиялари ҳозирда миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда ҳал қилувчи омил бўлмоқда. Ҳозирги жамиятда кўпчилик соҳаларнинг ривожланиши кўп жиҳатдан ахборот таъминоти қанчалик самарали ташкил этилганлиги билан белгиланади. Эндиликда янги ахборот ва коммуникация технологиялари (ИКТ) иқтисодиётнинг кўплаб тармоқларида тобора ҳал қилувчи роль ўйнайди. Алоҳида компанияларнинг ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги, мамлакатнинг ички ва хорижий инвесторлар учун жозибадорлиги кўп жиҳатдан ахборот инфратузилмаси ривожланишининг даражасига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “2009 йилда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши яқунлари ва 2010 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишлари”га бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидлаганларидек: “Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда ишлаб чиқаришни жадал модернизациялаш, корхоналарни

²⁰ Махмудов Э.А. Информационное общество и Узбекистан. Т.: Фан, 2008, с.21.

техник ва технологик қайта қуроллантириш муҳим вазифалар қаторига киради»²¹.

Билимларга асосланган иқтисодиётга ўтиш янги ғояларни миллий ёки халқаро бозорларда ўзининг реал истеъмолчиларини топадиган янги технологияларга, маҳсулотларга ва хизматларга самарали айлантира оладиган яхлит тизимни шакллантиришни талаб этади. Миллий инновация тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, унинг самарадорлиги янги билимларни ва ғояларни яратиш ва уларни амалиётда қўллаш билан боғлиқ.

1.1-жадвал

Инновацион жараёнларнинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар

Омиллар гуруҳлари	Фаолиятга тўсқинлик қилувчи омиллар	Фаолиятга қўмаклашувчи омиллар
<i>Иқтисодий, технологик</i>	Инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун маблағларнинг етишмаслиги; моддий ва илмий-техник базанинг заифлиги, эскирган технология, захира қувватларининг мавжуд эмаслиги; жорий ишлаб чиқариш манфаатларининг устунлик қилиши	Молиявий, моддий-техника воситалар захиралари, илғор технологиялар, зарур хўжалик ва илмий-техник инфратузилманинг мавжудлиги; инновация фаолиятини моддий рағбатлан-тириш
<i>Сиёсий, ҳуқуқий</i>	Монополияга қарши, солиқ, амортизация, патент-лицензия тўғрисидаги қонун ҳужжатлари томонидан чекловлар	Қонуний чоралар (айниқса имтиёзлар), инновация фаолиятини рағбатлантириш, инновацияларни давлат томони-дан қўллаб-қувватлаш
<i>Ташкилий-бошқарув</i>	Эскирган ташкилий тузилмалар, ортқча марказлашув, бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усули, вертикал ахборот оқимларининг устунлик қилиши; идоравий ёпиқлик, тармоқлараро ва ташкилотлараро ўзаро ҳамкорлик қилишнинг мураккаблиги; режалаштиришдаги қатъийлик; юзага келган бозорларга йўналтирилиш	Ташкилий тузилмаларнинг қайишқоқлиги, бошқарув демократик услубининг, горизонтал ахборот оқимларидан устунлик қилиши, ўзини ўзи режалаштириш, тузатиш-ларга йўл қўйиш; марказлашган тизимдан чиқариш, мақсадли муаммоли гуруҳларни шакллантириш
<i>Ижтимоий-руҳий ва маданий</i>	Мақомнинг ўзгариши, янги иш қидириш, фаолиятнинг турғун усулларини қайта қуриш, хатги-ҳаракат стереотиплари, юзага келган анъаналарнинг бузилиши каби оқибатларни келтириб чиқарувчи ўзгаришларга қаршилик кўрсатиш; ноаниқликдан қўрқиш, муваффақият-сизлик учун жазоланишдан хавфсираш; четдан кириб келадиган барча янги нарсаларга қаршилик кўрсатиш.	Маънавий рағбатлантириш, жамият томонидан тан олинishi; ўзини кўрсатиш учун имкониятларни таъминлаш, ижодий меҳнатдан озод этиш, меҳнат жамоасида нормал руҳий иқлим

Манба: муаллиф томонидан тузилган.

Инновация жараёнининг таҳлили муайян инновацион фаолиятга тўсқинлик қилувчи ва қўмаклашувчи барча омилларни ҳисобга олиш қийин

²¹ И.А.Каримов. Асосий вазифамиз - ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010 й., 37-38 б.

деган хулосага келиш учун асос бўлади. Инновацион фаолиятнинг омиллари уни ташкил этишнинг муайян шакллари билан ўзаро боғланган бўлиб, ўз навбатида бошқарув тизимларининг муайян белгилари уларга хос бўлиши мумкин (1.1 -жадвал).

Миллий ахборот ресурслари иқтисодиёт ва жамият ривожланишининг энг муҳим таркибий қисмларидан бирига айланмоқда, улар йил сайин тобора кўпроқ даражада мамлакатларнинг глобал даражадаги рақобатбардошлигини белгилаб бермоқда.

Республикада ахборот-коммуникация технология бозорлари кенгайиб, ҳисоблаш техникаси ва телекоммуникация воситалари импорти тез ўсмоқда, арзон персонал компьютерлар ўрнига комплекс ечимли ахборотлаштириш секторлари жадал суръатларда кириб келмоқда.

Сўнги йилларда мамлакатлараро алоқалар тизими ва ундаги халқаро аҳамиятга эга транзит каналлар сони бир неча маротаба ортиши, бу аввало, ғарб компанияларининг йирик инвестициялари ҳисобига юз берди, телефон каналларининг сони ортиб, жойларда CDMA-450 стандартидаги симсиз радиоалоқа тармоқлари кенгаймоқда. Ана шундай «ахборот магистраллари» ўтказиш қувватининг ортиши туфайли йилдан-йилга ахборотнинг тобора каттароқ ҳажми корхоналар, ташкилотлар ва аҳолининг барча қатламлари ўртасида кенгроқ доирада тарқалмоқда. Бу ўз навбатида, маълумотларни оддий узатишдан билимларни тарқатишнинг самарали тизимига ва пировардида «Ахборот иқтисодиётидан» «Билимларга асосланган иқтисодиётга» («knowledge-based economy») тўла равишда ўтишга олиб келади, яъни билимлар ва янги технологияларга асосланган ижтимоий муносабатлар иқтисодий ўсишнинг асосий омилига айланади. Н.О Қаюмованинг фикрича, билимларга асосланган иқтисодиёт доирасида “Ахборот ҳамжамияти” ва “Ахборот иқтисодиёти” каби тушунча ва атамалар бежиз пайдо бўлгани йўқ. Ҳар бир янги маҳсулот ортида инсоннинг ақлий меҳнати туради, маҳсулотни яратиш мобайнида инсоният жамғарган

билимлар ижтимоий қийматга айланади²².

Саноат – ахборот жамиятига изчил, эволюция йўли билан ўтиш куйидагиларни талаб қилади:

- ахборот ва коммуникацион технологиялар соҳасидаги қонун ҳужжатларини ва давлат томонидан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш;

- давлат ҳокимияти органларининг фаолиятида ошкораликни ва давлат ахборот ресурсларидан умумий фойдаланиш имкониятини таъминлаш, ахборот ва коммуникацион технологиялардан фойдаланиш асосида давлат ҳокимияти органлари билан фуқаролар ўртасида самарали ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш учун шароитлар яратиш;

- ахборот ва коммуникацион технологиялардан фойдаланиш асосида давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини такомиллаштириш;

- давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг хўжалик юритувчи субъектлар билан ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш ҳамда ахборот ва коммуникацион технологияларни иқтисодиётнинг реал секторига жорий этиш;

- ахборот ва коммуникацион технологиялар бўйича мутахассисларни ҳамда малакали фойдаланувчиларни тайёрлаш тизимини ривожлантириш;

- ахборот ва коммуникацион технологияларни жорий этиш орқали мустақил оммавий ахборот воситаларининг ривожланишига кўмаклашиш;

- телекоммуникацион инфратузилмани ривожлантириш ва очиқ ахборот тизимларига уланиш пунктларини ташкил этиш;

- электрон тижорат тизимини самарали ривожлантириш.

Шу борада алоқа тизимини ривожлантириш, жаҳон талабларига мос келадиган телекоммуникация тармоқларини тубдан яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ахборот-коммуникация технологиялари

²² Н.О. Қаюмова Билимлар иқтисодиётини шакллантириш –барқарор иқтисодий ўсишнинг омили сифатида. Т.: Ўзбекистонда ижтимоий фанлар.:№1-2, 2010, 66-б.

негизида ахборотлашган жамият барпо қилиш Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири эканлиги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, ҳукумат қарорларининг мазмунида ўз аксини топмоқда²³.

Ўзбекистонда ахборот коммуникация технологиялари (АКТ) соҳасини жадаллик билан ривожлантиришга умуммиллий давлат дастурлари асосида ёндошилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майда эълон қилинган “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот – коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони соҳани жадаллик билан ривожлантиришнинг аниқ мақсад ҳамда вазифаларини белгилашда катта аҳамият касб этди. Телекоммуникация инфратузилмаларини такомиллаштириш, миллий интернет сегменти ҳамда маълумотни узатиш тармоғини ривожлантириш, дастурий маҳсулотлар индустриясини яратиш, ахборот ресурсларини шакллантириш, кадрларни тайёрлаш, мутахасислар малакасини доимий равишда ошириб бориш ва АКТ соҳасида рақобат муҳитини қарор топдириш каби масалалар соҳа техник ва технологик даражасини кўтариб, замонавий истеъмолчи манфаатлари ва эҳтиёжларини тўла ҳисобга олишга шароит яратади. Бу эса, ўз навбатида тақдим этилаётган анъанавий хизматларни янада ривожлантириш, шунингдек янги турдаги замонавий хизмат турларини жорий этиш ва уяли алоқа, маълумотни интернет тармоғи ва электрон тизим орқали узатиш, IP-телефония сингари хизматларни жорий этиш, уларни сифат кўрсаткичларини кўтаришга олиб келади.

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси фаолияти телекоммуникация тармоқларини доимий равишда модернизациялаш ва ривожлантириш, алоқа ҳажмини ошириш уларнинг турларини кўпайтириш замонавий хизматларни

²³ Арипов А.Н., Иминов Т.К. Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси менежменти масалалари.Т.: Фан ва технологиялар. 2005, Б. -53-54.

кенгайтириш, ижтимоий ва иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, АКТ ролини ошириш каби муҳим ва устувор вазифаларни бажаришга қаратилган. Бу хил вазифаларнинг ечими билимларга асосланган ривожланиш билан боғлиқ.

Кейинги йилларда илмий-техника соҳасидаги ахборот сиёсатининг асосий вазифаси, ахборот фондларининг доимий равишда тўлдирилишини таъминлаш, фуқароларга фан, технологиялар ва таълим соҳасида ахборот ресурсларидан максимал эркин фойдалана олишларини таъминлашга қодир бўлган ахборот тизимини тақдим этиш, замонавий ахборот ва коммуникацион технологиялар негизида доимий ривожланишни таъминлашдан иборат.

Сўнги йилларда республикада ахборотлаштириш ва телекоммуникация соҳасини янада ривожлантиришга қаратилган қонунчилик базаси яратилди-ки, бундай ҳуқуқий асосга кўра ушбу соҳада инновация фаолиятини кучайтиришга қаратилган барча йўналишлар белгилаб берилган ва улар бўйича меъёрий қоидалар ишлаб чиқилган. У ахборот-коммуникация технологиялари фаолиятининг иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий асосларини, шу билан бирга, ахборот-коммуникация тизимлари, тармоқлари ва маълумотлар базалари яратилишини ва ишлатилишини тартибга солиб боради.

Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасидаги қонунчилик базаси билан белгилаб қўйилган давлат сиёсатининг асосий йўналишлари орасидан инновацион жараёнларни кучайтиришга қаратилган тадбирларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- давлат ва минтақавий ахборот тармоқларини инновацион ривожлантириш, реал сектор илмий-техникавий фаолиятининг ахборот таъминоти;

- глобал ахборот тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш, тармоқларга тижорат режимида киришни мувофиқлаштириш, турли

тармоқлардан ва улар тақдим этадиган хизматлардан фойдалана олишдаги бирликни таъминлаш;

- қиммат ва уникал ускуналардан узоқ фойдаланишни ташкил этиш, ёш тадқиқотчиларни масофадан туриб ўқитишга имкониятларни яратиш;

- ахборот ресурсларига бўлган мулкчиликнинг барча турларини ривожлантириш ва ҳимоя қилиш.

Инновацион фаолиятнинг муайян дастурларининг шакллантирилишидан олдин инновацияларнинг ахборот инфраструктураси яратилиши лозим ва бу инфраструктура дастурлар рўёбга чиқарилишида ишга солинади. Фан - техника ва инновациялар соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш учун бир қатор мустақил блоклардан иборат бўлган комплекс ахборот - асос зарур:

- фан ва инновациялар статистикаси, тадқиқотлар ва ишланмаларни олиб борувчи ташкилотлар таркибига, фанни молиялаштириш, илмий кадрлар, фаннинг натижалари бўйича маълумотлар;

- фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларини аниқлаш учун бошланғич маълумотлар;

- илмий-техникавий қисмига эга бўлган давлат мақсадли дастурлари доирасида илмий-техникавий лойиҳаларнинг бажарилиши тўғрисида маълумотлар;

- давлат мақсадли илмий-техникавий дастури доирасида кичик дастурлар бўйича илмий-техникавий лойиҳаларнинг бажарилиши тўғрисида ахборот, молиялаш, энг муҳим натижалар, эксперт баҳолари ҳақидаги маълумотлар;

- давлат илмий марказлари;

- илмий-техника салоҳиятининг ҳудудий тақсимламланиши, ҳудудий илмий-техникавий дастурлар;

- олимларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниши (иш ҳақи, пенсия таъминоти ва ҳ.к.);

– халқаро илмий-техникавий ҳамкорлик.

Инновация фаолиятини кучайтириш, бир томондан, ишлаб чиқаришни янгилашга бўлган ички эҳтиёж ҳажмига боғлиқ бўлса, иккинчидан, бозордаги вазият ва инновацион фаолиятни давлат йўли билан тартибга солиш тизими (солиқлар, кредит, давлат инвестициялари)га боғлиқдир.

Инновацион иқлимни шакллантиришда, инновация секторига инвестицияларни жалб этиш ва улар учун зарур шароитлар яратиш муҳим роль ўйнайди. Бунинг учун илмий ва илмий - технологик маҳсулот бозорини яратиш, соҳага жиддий инвестицияларни жалб этиш учун потенциал инвесторларга уларни қизиқтирувчи технологияларни ва илмий маҳсулотни тақдим этиш ҳамда олинган фойда ва таваккалчилик эҳтимолини ҳисобга олиб, яхлит ахборот тизимини яратиш талаб қилинади. Бунда илмий тадқиқот ва тажриба ишлари натижаларини маваффақиятли тижоратлаштириш, мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар томонидан яратилган технологияларни реал сектор талаблари асосида мувофиқлаштириш, зарур меъёрий ва услубий хужжатлар, техник хусусиятларини белгиловчи андозалар яратишни йўлга қўйиш лозим. Илмий-техника соҳасидаги кичик корхоналарнинг кредитлар билан таъминланишлари, инновацион лойиҳаларни бажариш учун коопорациялашуви, бундай лойиҳаларнинг холис экспертизаси ташкил этилиши, ходимларни технологик менежментга тайёрлаш ишлари асосий вазифалар ҳисобланади.

Шундай қилиб, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида инновацион технологияларни ривожлантириш қўйидаги асосий вазифаларнинг бажарилиши билан боғлиқ деб ҳисоблаймиз:

– алоқа ва ахборотлаштириш ҳамда телекоммуникация тармоқларини доимий равишда модернизациялаш ва ривожлантириш, алоқа ҳажмини ошириш уларнинг турларини кўпайтириш, замонавий хизматларни кенгайтириб бориш учун самарали рағбатлантириш тизимини яратиш. Бу

борада модернизация жараёнини жадаллаштириш ва ишлаб чиқаришни техник даражасини кўтариш учун алоқа ва ахборотлаштириш тармоғи корхоналарининг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан йўналтирилаётган сармояларига ҳамда ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган янги ускуналарга нисбатан имтиёзли солиқ сиёсатини қўллаш ижобий натижалар берган бўларди;

– инновацион тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хусусий бизнес учун зарур бўлган барча шароитларни яратиш. Иқтисодий инқироз шароитида республикада инновациялар билан шуғулланувчи хусусий бизнес ва кичик корхоналарга янги иш ўринлари ва даромад манбаи сифатида қаралса, телефон алоқаси, маълумотни узатиш ва интернет хизматлари кўрсатишда рақобат муҳити яратилиб ички бозордаги талаб ва хизматлар экспортини кенгайтиришга асос бўларди;

– замонавий технологиялар асосида коммуникация хизматлари кўрсатишни йўлга қўйиш, оптик толали ва радио реле алоқа линияларини кенгайтириш, халқаро пакетли коммутация маркази орқали республиканинг барча провайдерларига жаҳон интернет тўри тармоғидан фойдаланиш имконини таъминлаш, турли даражадаги халқаро операторлар орқали ташқи интернет – каналининг юкланиш сиғимини ошириш ва бошқа хизмат турлари орқали минтақа-тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш. Бу йўналиш иқтисодиётнинг барча тармоқларига ахборот технологиялари тизимининг интеграциялашувини таъминлайди, бутун инновацион фаолиятни истеъмолчи эҳтиёжларига қаратади;

– алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида инновация фаолиятини кенгайтириш, бу тармоқнинг техник даражасини кўтариш, алоқа ҳажми ва турларини кўпайтиришда самарали инвестиция сиёсати олиб бориш.

II-БОБ. АХБОРОТ - КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР СОҲАСИДА ИЛМИЙ - ТЕХНИК ЯНГИЛИКЛАРДАН

Фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати

2.1. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида илмий - техникавий салоҳиятни ривожлантириш тенденциялари

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси келажакда етакчи тармоқларни модернизациялаш ва техникавий қайта қуроллантириш, барча соҳаларни замонавий ахборот ва коммуникацион технологиялар негизида доимий ривожлантириш, ахборот тизимини кучайтиришга қаратилган.

Фан-техника тараққиёти, илмий салоҳиятни ривожлантириш, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий технологияларни, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий жорий этиш ва улардан фойдаланиш, аҳолининг ахборотга бўлган ошиб бораётган эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, жаҳон ахборот ресурсларидан фойдаланишни кенгайтириш ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантиришнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Маълумки инновацион фаолият корхоналарга рақобатда жиддий устунликлар беради, барқарорликни таъминлайди, бозордаги мавқенинг мустаҳкамланиши ва кенгайишига ёрдам беради. Технологик салоҳиятнинг кучайиши, янги технологик ишланмаларни мослаштири олиш қобилиятини ошириш бозордаги мавқенинг яхшиланишига ва иқтисодий стратегик жиҳатдан яққол кузатилаётган ижобий натижа билан сотиш ҳажмини кўпайишига олиб келади. Корхоналарнинг, бир томондан, инновациялардан бундай кучли манфаатдорлиги ва, бошқа томондан эса уларга боғлиқлиги инновацияларни узлуксиз такрор ишлаб чиқариш тизимини шакллантиради, ишлаб чиқариш ва илмий техник фаолияти соҳалари ўртасидаги яқин ва самарали алоқани таъминлайди. Бундай масалалар ечимини таъминлаш корхоналар ва тармоқлар илмий-техник салоҳиятининг даражаси билан тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Мамлакатимиз корхоналари учун инновацион жараёнларни амалга ошириш ва ривожлантиришга эҳтиёж авваламбор жаҳонда юз бераётган иқтисодий инқироз шароитида иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши ва Ўзбекистоннинг жаҳон ҳўжалигига узвий кириб бориши зарурлиги билан белгиланмоқда. Буни натижаси ўлароқ Ўзбекистон ҳукуматининг бир қатор қарорлари инновацион стратегиянинг ривожланиши чора-тадбирларини белгилаб бермоқда.

Бозор иқтисодиётининг такомиллашиб бориши инновацион технологияларнинг ҳўжалик фаолияти юритувчи турли касб эгалари ва турли тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириб боровчи жараёнларнинг фаолиятига шароит яратиб беради. Уларнинг самарали меҳнати учун бу фаолият эгаларини қанчалик бозор ҳақида, рақобатчилари ҳақида, истеъмолчилар ҳақида ва ниҳоят талаб ва таклиф ҳақида қанчалик ахборотга эга бўлса, шунчалик самарали иш олиб боради. Бунда инновацион технологиялардан бўлган ахборот фаолияти катта роль ўйнайди.

2009-2012 йилларда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш бўйича юртимизда қабул қилинган инқирозга қарши дастурни бажарилишини таъминлаш мақсадида республикамиз алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида инновацион технологияларни ривожлантириш қўйидаги асосий вазифаларни бажарилиши билан боғлиқ:

- соҳада модернизация жараёнини тезлаштириш, энергия тежайдиган янги техника ва технологияларни жорий этиш;
- ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш ҳамда хизматлар рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш;
- илмий-техника инновация ишларини молиялаш ва имтиёзли кредитлаш механизмларини такомиллаштириш;
- соҳада хизматларни янги турларини ривожлантириш;
- жалб этилган хорижий ва маҳаллий сармоялар миқдорини ошириш;

– қишлоқ жойларда соҳани инновацион ривожлантиришини таъминлайдиган хусусий бизнес ривожланиши учун қулай шарт шароит ҳозирлаш, сервис инфратузилмасини янада ривожлантириш, янги иш ўринларини ташкил этиш борасида ишларни жадаллаштириш;

– аҳоли ва корхоналарни бўш маблағларини тижорат банкларидаги депозитларга жалб қилишни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш;

– банк ва унинг барча филиаллари томонидан аҳолининг омонатлари ва нақд пул маблағлари бўйича миқдорнинг талабига кўра молиявий операциялар самарадорлигини ошириш;

– ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштириш орқали иш ҳақи харажатларини камайтириш.

Бугунги кунда республика алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини инновацион йўналиш бўйича истиқболли ривожлантириш телекоммуникациялар инфратузилмасини самарали шакллантириш, стационар, уяли алоқа ва Интернет тармоғида сифатли хизматларни ташкил этиш, ахборот ва маълумотлардан фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатадиган Интернет провайдерларини сонини кўпайтириш орқали, истеъмолчиларнинг танлаш имкониятини ошириш ва рақобат муҳитини шакллантириш, халқаро йўналишлардаги ахборот алмашинуви ҳажмини (каналлар сонини) ошириш ва валюта тушумини кўпайтириш, миллий интернет ва Ziyonet жамоат таълим-ахборот тармоғини ривожлантириш ва соҳада илмий-техник салоҳиятни ривожлантириш бўйича миллий сиёсатни амалга ошириш каби вазифаларни бажариш билан боғлиқ.

Юқорида келтирилган вазифалар ечимини таъминлаш қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

– республика алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси фаолиятининг ҳуқуқий-меъёрий базасини шакллантириш ва ривожлантириш;

- электрон ҳукуматни таъминлаш ва АКТдан давлат бошқарувида фойдаланиш;
- соҳада интерактив янги хизматлар кўрсатишни ривожлантириш;
- давлат ахборот ресурслари ва тизимларини шакллантириш;
- электрон тижорат, электрон таълим ва электрон соғлиқни сақлаш хизматларини ривожлантиришни йўлга қўйиш;
- оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштиришда замонавий АКТларни кенг жорий этиш;
- алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида инновацион асосида коммуникация хизматлари кўрсатишни йўлга қўйиш, жаҳон Интернет тўри тармоғининг хизматларидан арзон ва сифатли фойдаланишни йўлга қўйиш;
- соҳада самарали инвестиция сиёсати олиб бориш, инновация фаолиятини кенгайтириш, бу тармоқнинг техник даражасини кўтариш, алоқа ҳажми ва турларини кўпайтириш кабилар.

Ривожланган мамлакатларнинг иқтисодиётда инновацион жараёнларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш бўйича тажрибаласидан фойдаланиш мамлакатимиз учун алоҳида аҳамиятга эга. Бу sanoat, телекоммуникация ва бошқа бир қатор тармоқларда инновацион фаолиятни тартибга солиш ва рағбатлантириш тизимининг шаклланишига кўмаклашади. Мазкур масалани тадбиқ этишнинг долзарблиги республика корхоналарида илмий - техникавий ва инновацион сиёсатни амалга оширишда бошқарувнинг ҳудудий-тармоқ органлари функцияларининг комплекс дастурларини ишлаб чиқишдан тортиб, ишлаб чиқаришда илмий - техник янгиликларни рўёбга чиқариш бўйича фаолиятининг тезкор масалаларини ҳал қилишгача кенгайтириши шароитларида янада кучаяди.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги ўн йилликда олиб борилаётган илмий - техник сиёсат ва илмий - техник салоҳиятни сақлаб қолишга ва ривожлантиришга, бозор ислохотларининг чуқурлаштирилиши шароитларида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал

этишда саъй-ҳаракатларни жамлашга қаратилган. Шунини натижасида Республиканинг лаёқатли илмий техник мактаблари, муассасалари, жамоалари ва илмий ташкилотлари сақлаб қолинди ҳамда илмий - техник соҳанинг миллий қонунчилик базаси яратилди, ҳалқаро илмий - техник ва инновацион фондлар асоси бўйича биргаликдаги дастурлар ва лойиҳалар амалга ошира бошланди, патент тизими шакллантирилди.

Таҳлилларимиз шунини кўрсатадики, республика корхоналарида инновацион фаолиятни шакллантириш, ривожлантириш ва уни хўжалик юретишнинг бозор шароитларига мослаштириш жараёнлари қатор тўсқинлик қилувчи омиллар билан характерланмоқда:

- илмий тадқиқотларнинг устивор йўналишларини белгилаб олишнинг методлари ва инновацион фаолиятни бошқаришнинг механизмлари тўлалигича ҳали ишлаб чиқилмаган;

- ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий базани яратиш масаласи ҳал қилинмаган;

- бозор инновацион инфратузилмаси институтлари етарли даражада мавжуд эмаслиги ва илмий - техник салоҳиятдан фойдаланишнинг паст самарадорлиги ва бошқалар.

Инновацион инфратузилма соҳасидаги институционал ўзгаришлар, биринчи галда, қуйидагилар ҳисобидан саноат тармоқларида юқори технологик ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга йўналтирилган:

- бир буюртмачининг манфаатлари йўлида илмий тадқиқотлар олиб борувчи тор соҳага ихтисослашган илмий ва лойиҳа ташкилотларини ягона илм-саноат тузилмасига бирлаштириш;

- фан ва техниканинг тегишли соҳаларида етакчи мавқени эгаллаб турган йирик илмий ташкилотлар асосида фан ва юқори технологиялар марказларини ташкил этиш;

– тармоқ илмий-тадқиқот институтларининг бир қисмини ривожланган молиявий-иқтисодий, маркетинг ва тижорат инфратузилмасига эга бўлган инжиниринг фирмаларига таркибий ўзгартириш;

– олий ўқув юртлари билан биргаликда миллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда, ҳам миллий, ҳам хорижий савдо тармоғидан фойдаланиш асосида илмий сиғимли маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишга ихтисослашган инновацион-технологик марказлар, инновацион-саноат мажмуалари, технологик ва илмий паркларни шакллантириш;

– МДХ мамлакатлари ва бошқа мамлакатлар билан давлатлараро вертикал-интеграциялашган тузилмалар шаклидаги кооперацион алоқаларни ривожлантириш;

– юқори технологияларни сотиш дастурларига хизмат кўрсатиш учун бизнес инфратузилмасини барпо этиш, шунингдек кичик корхоналарнинг йирик ишлаб чиқаришлар билан алоқаларини таъминлаш мақсадида технологияларни узатиш бўйича базавий минтақавий ва минтақалараро инновацион-технологик марказларни ташкил этиш;

– инновацион ва инвестицион фаолият юритиш учун ахборот тармоғини ривожлантириш ва унинг негизида технологиялар ва ноу-хауни патент тозалиги ва рақобатбардошлиги нуқтаи назардан экспертизадан ўтказиш тизимини ривожлантириш;

– хорижий шериклар билан ҳамкорликда илмий сиғимли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда уни ички ва ташқи бозорларда сотишга ихтисослашган қўшма корхоналарни шакллантириш, чет элда реклама қилишни йўлга қўйиш, кўргазма-ярмарка фаолиятини такомиллаштириш, юқори технологиялар бўйича халқаро ахборот тизимларига кириш учун шароитлар яратилишини назарда тутувчи ташқи иқтисодий қўллаб-қувватлаш;

– минтақавий венчур инновацион фондларини таъсис этиш;

– ахборот инфратузилмасини ривожлантириш, илмий-техник кутубхоналар тармоғини қўллаб-қувватлаш, инновацион ташкилотларга ахборот тармоқлари ва маълумотлар базасидан фодаланишда кўмаклашиш.

Илмий - техника ахборотининг кечикиши илмий - техника ишланмалари натижаларини баҳолашни ва уни техника технологиясини бир авлодга кириб келишини ортга суради. Ўзбекистонда илмий - ахборот фаолиятига харажатлар илмий - тадқиқот ва тажриба - конструкторлик ишларига қилинадиган харажатларнинг 2 фоизидан ортмайди, бу ривожланган мамлакатлардаги кўрсаткичдан 3-4 маротаба кам. Ҳозирга қадар маълум сабабларга кўра Ўзбекистон илмий - техникавий ахборотнинг ривожланиши бўйича саноати ривожланган мамлакатлардан ортда қолмоқда.

Илмий - техникавий билимларни сақлаш ва тарқатишда ахборот тизимлари энг муҳим роль ўйнайди. Улар илмий - техникавий ахборотни йиғадилар, қайта ишлайдилар ва сақлайдилар, олимлар, мутахассислар ва менежерлар орасида уни тарқатадилар. Фан ва техника ривожланишининг ҳозирги жаҳон даражасида ўн минглаб илмий - тадқиқот ва конструкторлик ташкилотларининг мавжудлиги ва ахборот айирбошлаш тобора кўпроқ равишда илмий - тадқиқот ва тажриба - конструкторлик ишларининг сифати, муддатини ва ўтказилиши харажатларини белгилаб бермоқда. Бунга фанларнинг бир - бирига кириб бориши ва фанлараро тадқиқот ишланмаларининг амалга оширилиши тезлашуви тенденцияси ҳам таъсир этмоқда. Айнан ахборот олдинги босқичларда олинган натижаларга ва илмий - тадқиқот ҳамда тажрибаларга боғлиқ равишда илмий - тадқиқот ва тажриба - конструкторлик ишларига ўз вақтида тузатишлар киритишга имкон беради. Ахборот фаолияти илмий - техникавий фаолиятнинг алоҳида тури сифатида ажралиб чиқди. У ўзига хос технология ва техник воситаларни қўлловчи ихтисослашган ахборот хизматлари ва тизимлари кўринишида ифодаланган тадқиқотчилар, ишланмаларни бажарувчилар (конструкторлар ва лойиҳаловчилар), инновацион соҳа ходимлари ва ишлаб чиқариш

мутахассисларининг ахборот таъминоти даражаси илмий - техника салоҳияти ривожланиши ва ундан самарали фойдаланишга таъсир этади.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида стратегик устуворликларни амалга ошириш юзасидан амалий чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 6 июндаги 200-сонли «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникацион технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан 2002-2010 йилларга мўлжалланган компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникацион технологияларни ривожлантириш дастури тасдиқланди. Мазкур дастурнинг амалга оширилиши замонавий техник инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштиришга, компьютерлаштириш, мамлакат индустрияси ва дастурий маҳсулотларни экспорт қилишни ривожлантиришни рағбатлантириш учун шароитлар яратишга, юқори малакали кадрлар салоҳиятини тайёрлашга, қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга ва ахборот хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган. Дастурнинг асосий вазифаси жамиятнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш ва мамлакат иқтисодиётининг жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлигини оширишдан иборат.

Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш юзасидан қуйидаги биринчи галдаги вазифалар белгиланди:

- замонавий ишончли ва хавфсиз миллий ахборот маълумотлар базаларини шакллантириш, ахборот ресурслари ва хизматлари бозорини ривожлантириш, ахборот билан алмашишнинг электрон шакллариغا изчил ва босқичма-босқич ўтиш;

- компьютер ва ахборот технологияларини реал иқтисодиёт тармоқларига, бошқарув, бизнес, фан ва таълим соҳаларига кенг жорий этиш, аҳоли турли қатламларининг замонавий компьютер ва ахборот тизимларидан кенг фойдаланиши учун шароитлар яратиш;

– мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртларида ўқув жараёнига замонавий компьютер ва ахборот технологияларини эгаллаш ва улардан фаол фойдаланишга асосланган ўқитишнинг илғор тизимларини жорий этиш;

– ахборот-коммуникацион технологиялар соҳасида, биринчи галда дастурий воситалар, ахборот маълумотлар базаларини ишлаб чиқиш, республика, тармоқ ва маҳаллий ахборот-коммуникацион тармоқларни шакллантириш, компьютер ва телекоммуникация техникасини ишлаб чиқиш соҳасида ишлаш учун юқори малакали кадрлар салоҳиятини тайёрлашни ташкил этиш. АКТ соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш мақсадида Тошкент ахборот технологиялари университети (ТАТУ) томонидан 2002/2003 ўқув йилидан бошлаб қуйидаги мутахассисликлар бўйича бакалаврларни тайёрлаш йўлга қўйилган: электрон тижорат; ахборот хавфсизлиги; ҳисоблаш машиналари, мажмуалари, тизимлари ва тармоқлари; автоматлаштирилган бошқарув ва ахборотга ишлов бериш тизими; ҳисоблаш машиналари, мажмуалари, тизимларининг математик ва дастурий таъминоти. Шунингдек, мазкур таълим даргоҳида электрон тижорат ва ахборот хавфсизлиги мутахассисликлари бўйича магистрантларни тайёрлаш ҳам амалга оширилмоқда.

ТАТУ қошида CISCO тармоқ академияси ва телекоммуникациялар ва ахборот технологиялари соҳасида аёлларни тайёрлаш маркази фаолият кўрсатиб турибди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Ҳиндистон Республикаси ҳукумати ўртасида имзоланган Меморандум асосида университет ҳузурида Ўзбекистон-Ҳиндистон ахборот технологиялари маркази ташкил этилган. АКТ соҳасида мутахассисларни тайёрлаш сифатини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 июндаги ПҚ-91-сонли Қарори билан Самарқанд, Фарғона, Урганч, Нукус ва Қарши шаҳарларида ТАТУнинг 5 та филиали ташкил этилди;

- мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ахборот-коммуникацион технологияларнинг техник инфратузилмасини, шу жумладан мобил алоқа, IP-технологиялар, телекоммуникация ва маълумотларни узатишнинг бошқа замонавий воситаларини жадал ривожлантириш;

- миллий ва халқаро ахборот тармоқларидан юқори тезлик билан фойдаланишни жорий этиш, улардан аҳоли пунктларида, шу жумладан кишлоқ аҳоли пунктларида фойдаланишни таъминлаш;

- мамлакатимизда сифатли дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилишни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг самарали механизмини яратиш;

- мамлакатимизда компьютер техникаси ва уларга бутловчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил этишга кўмаклашиш.

Ҳозирги пайтда бозорларнинг жадал глобаллашуви шароитларида инновацион соҳада таҳлилий тадқиқотларни ахборот таъминотининг роли муҳим равишда ортди. Ахборотлаштиришнинг анъанавий йўналишлари билан бир қаторда, масалан, илмий тадқиқотларни олиб боришнинг ахборот таъминоти, ахборотлаштиришнинг қатор долзарб йўналишлари ва уларга мувофиқ келувчи йўналишлари пайдо бўлди. Бу йўналишлар фан ва технологиялар соҳасидаги ҳозирги ва яқин йилларга башорат қилинаётган ўзгаришларни ўзида акс эттиради.

Жаҳон миқёсида иқтисодиётнинг жадал ривожланишининг асосий омилларидан бири инсонларни, институтларни ва давлатларни ўзаро боғлайдиган тармоқларга айланаётган ахборот асрининг шаклланиши ва бунга боғлиқ равишда инсонлар ва жамият ҳаётидаги ахборот алмашувини кучайишидир.

Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) маҳсулотлари халқаро савдоси, жаҳон бозорининг тез суръатларда кенгайиши охириги ўн йилликларнинг муҳим тенденциясига айланди. АКТ бозори жаҳон хўжалигининг анча динамик ва кенг сиғимли секторига айланди ва бу мазкур

соҳада халқаро рақобатнинг кучайишига ҳамда кўплаб давлатларнинг глобал АКТ саноатидаги етакчиликни таъминлаш учун коммуникацияни ривожлантиришда илмий изланишни ташкил этишга, АКТ маҳсулотлари инновацияси ва тадбиқ этилишига харажатларни кўпайтиришига олиб келди.

Глобаллашув шароитида давлат ва улар иқтисодиёти илмий-техникавий салоҳиятининг муҳим таркибий қисмларидан бири бу ахборот ва уни таъминлаб берувчи ахборот-коммуникация технологияларидир.

Таҳлилларимиз асосида, замонавий глобаллашув жараёнларининг талабидан келиб чиқиб, илмий-техникавий салоҳиятнинг таърифига кўшимча янгича талқинини, яъни ахборот-коммуникация технологиялари мазкур салоҳиятнинг ажралмас қисми эканлигини таърифлаймиз. Ахборот-коммуникация технологияларини замонавий илмий-техникавий салоҳиятнинг ажралмас таркибий компонентларидан бири эканлиги деб ҳисоблашимизда, биз аввало уларнинг замонавий ва глобал хусусиятларига ва миллий иқтисодиётнинг ривожланишидаги алоҳида ўрнига эътибор бердик. Бугунги кунда ахборот-коммуникация технологиялари иқтисодиётнинг кўплаб тармоқларида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Алоҳида компанияларнинг ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги, мамлакатнинг ички ва хорижий инвесторлар учун жозибадорлиги кўп жиҳатдан ахборот инфраструктураси ривожланиши даражасига боғлиқ.

Ахборот-коммуникация технологиялари иқтисодий ва жамият ривожланишининг энг муҳим компонентларидан бирига айланди, у йил сайин алоҳида мамлакатларнинг глобал рақобатбардошлигини кўпроқ даражада белгилаб бермоқда.

Изланишлар натижасида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида илмий техникавий салоҳиятни шакллантириш ва инновацион ривожлантириш жараёнларини қуйидаги уч босқичга бўлиш мумкин:

– **шаклланиш даври** – бу давр мустақиллигимизнинг дастлабки 1991-2000 йилларни ўз ичига олиб, унда миллий алоқа ва ахборотлаштириш

соҳасини шаклланиши, давлат ахборот ресурслари салоҳиятини шакллантириш, миллий ахборот тизимларини яратиш ҳамда ривожлантириш, ахборотлаштириш ва телекоммуникация соҳасида қонунчилик базасини дастлабки асосларини яратиш, соҳани техник-технологик жиҳатдан таъминлаш даврларини ўз ичига олади;

– **ривожланиш даври** – бу миллий алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг ривожланишининг дастлабки даври бўлиб (2000 – 2005 йиллар), унда республикаси телекоммуникация тармоғини ривожлантириш, халқаро ахборот тармоқлари ва Интернет хизматларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш, телекоммуникация хизматлари бозорини шаклланиши, жаҳон ахборот тармоғидан эркин фойдаланишни йўлга қўйиш учун шароит яратиш, миллий маълумотлар узатиш тармоғини шакллантириш ва ривожлантириш, уяли алоқа хизматларини кенг тарқалиши ва ривожланиши, иқтисодиёт тармоқларида ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш ва соҳага хорижий инвестицияларни ва замонавий инновацион технологияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш жараёнлари билан характерланади;

– **глобаллашув даври** – бу давр ҳозирги вақтда жамиятни ахборотлаштириш даврини ўз ичига олиб, у иқтисодиётнинг барча тармоқларига ахборотлашувни кенг кириб бориши, ахборот ва уни таъминловчи технологиялар корхоналар рақобатбардошлигини асоси бўлиб қолиши, у глобал ахборот тармоқларининг жаҳон бозорида барқарор ишлашини таъминлаш, Интернет тўри тармоғининг глобаллашуви ва жаҳон, давлатлар иқтисодиётнинг барча тармоқларига ахборот технологиялари тизимининг интеграциялашуви билан тавсифланади.

Шундай қилиб, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида инновацион ривожланишни ахборот-коммуникацион технологиялар соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш чора-тадбирлари мажмуининг амалга оширилиши доирасида таъминлаш, шунингдек, тармоқда инновацион жараёнларни

ривожлантириш мақсадида илмий-тадқиқот ишларини самарали ташкил этиш лозим.

2.2. «Ўзбектелеком» АК инновацион фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий ва иқтисодий механизмлари

Ўзбекистонда ахборот-коммуникацион технологиялар (АКТ) соҳасининг жадал суръатлар билан ривожланиши умуммиллий давлат дастури асосида амалга оширилмоқда. Унда телекоммуникация инфратузилмаларини такомиллаштириш, миллий интернет сегментларни ва ахборот тарқатиш тармоғини ривожлантириш, дастурий маҳсулотлар саноатини ташкил этиш, ахборот ресурсларини шакллантириш, кадрлар тайёрлаш, мутахассислар малакасини мунтазам ошириш васоҳада рақобат муҳитини яратиш, шунингдек соҳанинг техник-технологик даражасини ошириш учун шароитлар яратиш ва замонавий истеъмолчининг манфаати ва эҳтиёжларини тўлиқ ҳисобга олиш каби масалаларни ҳал этиш вазифалари қўйилган. Бу, ўз навбатида, тақлиф этилаётган анъанавий хизматларни янада ривожлантиришга, янги замонавий хизмат турлари ва мобил алоқаларни жорий этишга, интернет тармоғи ва электрон тизимлар орқали ахборот узатишга, IP-телефония хизматларини жорий этишга, унинг сифат кўрсаткичларини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистонда ҳозирги кунга қадар, барча вилоятлар марказларида телекоммуникациялар тармоғини такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида халқаро рақамли станциялар ўрнатилди, умумий узунлиги 10000 минг км. дан ортиқ бўлган масофага оптик-толали кабеллар ва рақамли радио релели линия ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 12 сентябрдаги ПФ-172-сонли «Республика аҳолисини сифатли телевидение ва радио дастурлар билан таъминлаш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ республикамизнинг алоҳида ва узоқда жойлашган ҳудудларига 396 та

телевизион ва 374 та радио тўлқинлари узатиш қурилмалари ўрнатилиб, такомиллаштирилди, республикаимиз минтақаларида CDMA стандартидаги радиодан симсиз фойдаланиш тизими жорий этилди, шунингдек йўлдош алоқани қабул қилиш ва узатиш қурилмаси ўрнатилди.

Ҳозирги вақтда 2009 йил ҳолатига кўра Республика миллий тармоғи таркибида 2070 АТС мавжуд бўлиб, уларнинг 88 фоизи ўрнатилган сиғими 2 млн. рақамдан иборат рақамли АТСдир. АТС сиғимини ишга тушириш коэффициенти 88,8 фоизни, 100 нафар аҳолига телефонлар зичлиги 7,04 та телефонни ташкил қилади. Республикаимиз шаҳарлари ва туман марказлари рақамли телекоммуникацион тармоқлар билан 100 фоиз қамраб олинган. Қишлоқ аҳоли пунктларини телекоммуникацион тармоқлар билан қамраб олиш даражаси 94 фоизни, шу жумладан рақамли тармоқлар билан қамраб олиш даражаси 56 фоизни ташкил қилади. Ўзбекистон телекоммуникациялар тизими 28 та йўналиш бўйича жаҳоннинг 180 та мамлакатига тўғридан-тўғри чиқувчи халқаро каналларга эга бўлиб, ушбу каналларда оптик-тола ва йўлдош тизимлардан фойдаланилмоқда (2.1-жадвал).

Сўнгги вақтларда уяли алоқа хизматларининг бозори ҳам жадал суръатлар билан ривожланмоқда. 2009 йилга келиб республикаимизда уяли алоқа мижозларининг сони 12,6 млн. нафар кишини ташкил қилди.

Бугунги кунда «Ўзбектелеком» АК – Ўзбекистонда маълумотларни узатиш, Интернет ва унинг иловалари тармоқлари хизматларини кўрсатувчи энг йирик оператор. «Ўзбектелеком» АК бутун республикаимиз бўйлаб оптик-толали ва рақамли радио релейли алоқа линиялари асосида қурилган қудратли транспорт тармоғига эга бўлиб, ушбу тармоқ DWDM технологиясидан фойдаланган ҳолда доимий равишда модернизация қилиниб туради.

«Ўзбектелеком» АК республикаимизнинг барча провайдерларига Халқаро пакетли коммутация маркази орқали глобал Интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятини яратмоқда. 2009 йилга келиб турли халқаро

операторлардан ижарага олинган ташқи Интернет-каналнинг умумий сиғими 1270 Мбит/сонияга етди, буни 2006 йил билан солиштирилганда (231 Мбит/сек.) ўсиш 5,5 мартани ташкил қилди (2.1-расм).

2.1-жадвал


“Ўзбектелеком” АКнинг хизмат кўрсатиш ва сервис дастури динамикаси

№	Кўрсаткичлар	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	Ўсиш, % 2009/2005
1.	Хизматлардан олинган даромад (млрд. сўм)	134,4	154,9	177,5	237,5	272,1	202,5
2.	Кўшимча хизмат турларидан олинган даромад (млн.сўм)	481,2	749,1	1550,0	2 849,0	3 102,0	644,6
3.	Стационар телефонлар сони (минг дона)	1 574,3	1 792,4	1875,3	1902,5	1 916,8	121,8
4.	АТС ларнинг рақамлаштириш даражаси, (%)	47,8	76,4	84,1	88,0	90,8	190,0
5.	Рақамли телефонлар зичлиги (100 киши)	5,1	5,4	5,7	5,9	6,24	122,4
6.	Халқаро ва шаҳарлараро телефон сўзлашувлар, (млн. дона)	102,9	125,7	261,0	274,4	278,5	270,7
7.	Интернет жамоа пунктлари (дона)	285	344	634	856	1056	370,5
8.	Интернет фойдаланувчилар сони, (минг)	441	855	1700	2 015	2 460	557,8

2009 йилда Ўзбекистон Республикасида Интернетдан фойдаланувчилар сони 2 млн. нафардан ошди. 2006 йилда «Ўзбектелеком» АК филиаллари томонидан ўтказиб юборилган кирувчи трафик ҳажми 69184 Гбайтни, чиқувчи трафик ҳажми эса 33343 Гбайтни ташкил қилди. Ўзбекистон Республикаси провайдерлари томонидан халқаро Интернет-каналларни юклаш 2006 йилнинг бошидаги ҳолатга қараганда (66 Мбит/сония) 2,4 марта ошиб, 156,5 Мбит/сонияни ташкил қилди.

«Ўзбектелеком» АК х DSL, Dial-Up технологиясидан фойдаланган ҳолда ва Radio Ethernet технологияси бўйича симсиз фойдаланиш ёрдамида ажратилган линиялар бўйича маълумотларни узатиш тармоқлари бўйича Интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятини яратмоқда. «Ўзбектелеком» АК ўзининг UzNET филиали базасида 2006 йилда IEEE 802. 16-2004 стандартидаги Wi-MAX лойиҳасини амалга оширишга киришди. Симсиз


кенг поласали фойдаланиш технологияси ПД тармоқларидан 10 Мбит/сониягача тезлик билан фойдаланиш имкониятини яратади.



2.1-расм. Халқаро ахборот тармоқларидан фойдаланиш тезлигининг ўзгариш динамикаси, Мбит/с

Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати инновацион ривожланиш ҳамда ахборот технологиялари ва тизимларини такомиллаштиришнинг замонавий жаҳон тамойилларини ҳисобга олган ҳолда миллий ахборот тизимини яратишга қаратилган. Бунинг натижаси ўлароқ, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг жаҳон коммуникациялари тизимига интеграциялашуви даражаси ўсди, соҳада ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланганлиги ана шундан далолат бериб турибди (2.2-расм).

Республикамызда ахборот-коммуникация технологиялари ва глобал телекоммуникация воситалари соҳасини янада ривожлантиришнинг институционал асослари мустаҳкамланмоқда. Хусусан, диссертацияда кўрсатилганидек, ахборот-коммуникация тизимлари, тармоқлари ва маълумотларни яратиш ва улардан фойдаланишни тартибга солувчи қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилган.



2.2-расм. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида хизматларни экспорт ва импорт қилиш динамикаси (млн. АҚШ доллари)

Шулар жумласига Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” (11.12.2003 й.), “Ахборот эркинлиги тамойиллари ва кафолатлари тўғрисида” (12.12.2002 й.), “Алоқа тўғрисида” (13.01.1992 й.), “Телекоммуникациялар тўғрисида” (20.08.99 й.), “Электрон рақамли имзолар тўғрисида” (11.12.2003 й.), “Электрон иш юритиш тўғрисида” (29.04.2004 й.), “Электрон тижорат тўғрисида”ги (29.04.2004 й.) қонунларини киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги инновацион фаолиятнинг самарадорлигини таъминлаш борасидаги иқтисодий стратегияси тармоқни модернизация қилиш ва техник-технологик қайта жиҳозлаш асосида ички ва ташқи бозорларда унинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган. Фикригмизга кўра, соҳани ривожлантиришнинг инновацион йўналишларини аниқлашда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш зарур:

- тармоқ корхоналарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни янги замонавий техника воситалари билан жиҳозлаш, уларнинг ахборот-коммуникация воситаларидан кенг фойдаланишини таъминлаш;

– алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини инновацион ривожлантиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш ва глобаллашув шароитида уларни амалга ошириш учун хорижий инвестициялардан самарали фойдаланиш;

– иқтисодий-сиёсий ислоҳотлар вазифаларидан келиб чиқиб соҳани ривожлантиришнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш ва унинг ҳуқуқий асосларини кенгайтириш;

– соҳани инновацион ривожлантиришнинг ушбу ўзаро чамбарчас боғлиқ тадбирларининг амалга оширилиши юзага келган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан чиқиш, шунингдек унинг оқибатларини юмшатиш ва иқтисодиётни модернизация қилиш моделини самарали амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистоннинг алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари бозорида 18 та йирик корхона бўлиб, шулардан 3 таси: “Ўзбектелеком” АК, “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ, “Матбуот тарқатувчи” ОАЖ акциядорлик компанияларидир. Миллий телекоммуникация бозорининг асосий субъекти “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси ҳисобланади.

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси, Ўзбекистоннинг энг йирик телекоммуникация оператори сифатида сўнгги йилларда инновацион янгиланиш ва ривожланиш борасида йирик ишларни амалга оширмоқда: тармоқларни модернизациялаш, янги хизматларни жорий этиш, шунингдек асосий эътиборни маълумотларни узатиш бўйича хизматларнинг янги инновацион турларини, Интернет тармоғига кириш ва IP телефонияни жорий этишга йўналтирилган стратегик режаларни шакллантиришга бўлган ёндашувни тубдан ўзгартирди.


Давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистон Республикасининг телекоммуникация соҳасини 2010 йилга қадар даврда модернизациялаш ва ривожлантириш Миллий дастурининг тасдиқланиши ва унинг барча бандларининг «Ўзбектелеком» АК томонидан бажарилиши туфайли

мамлакатимиз ахборот-коммуникация тармоқлари бугунги кунда замонавий талабларга жавоб берадиган ҳолга келтирилмоқда.

Ҳозирги пайтда «Ўзбектелеком» АКнинг телекоммуникациялар тармоғида қуввати 2 млн. номердан ортиқ бўлган 2000 тадан ортиқ ўрнатилган АТСлар мавжуд. Электрон АТСларни ўрнатиш ҳисобига босқичма - босқич тармоқларнинг рақамлашувини даражаси 90 фоизга яқинлашган.


Компания таркибига кирувчи қўшма корхоналарни ҳам қўшган ҳолда компаниянинг телефон тармоқларида умумий ўрнатилган сиғими 1467,8 минг номердан иборат (қўшма корхоналарсиз 1818,0 минг номер) 2020 АТС ишламоқда. Шундан 1467,8 минг номердан иборат (қўшма корхоналарсиз 1320,2 минг номер) сиғим рақамидир. Маҳаллий телефон тармоқларида ўрнатилган сиғимдан фойдаланиш коэффициенти 88,8 фоизни ташкил этади.

Компаниянинг 2009 йилги режаси интернет ва маълумотлар узатиш халқаро каналларини янада кенгайтириш, республика маълумотлар узатиш тармоғини модернизациялаш ва қувватини ошириш, тармоқ ҳавфсизлигини кучайтириш, маълумотлар узатиш тармоғи ёрдамида кўрсатиладиган хизматлар доирасини кенгайтиришдан иборат эди. Бу жараёнлар натижасида халқаро Интернет каналлари сиғими 2005 йилдаги 143 мБит/сек. ўрнига 2009 йилда 1270 мБит/сек.га етди (2.3-расм).




2.3-расм. Халқаро Интернет каналларининг сиғими, мБит/сек

2009 йилда компаниянинг инновацион ривожланиши натижасида қўлланган технологиялар ёрдамида янги хизматлар турлари жорий этилди. Компаниянинг хизматлар кўрсатишдан умумий тушуми ўтган йилга нисбатан 14 фоизга, аҳолига хизматлар кўрсатишдан даромадлари 60 фоизга ортди. Ҳисобот даврида шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар ўтган йилга нисбатан 12 фоизга кўпайди (2.4-расм).




2.4-расм. Хизматлардан олинган даромад (млн.сўм)

Давлат ахборот ресурслари ва тизимлари реестрида 154 Давлат ахборот ресурслари, жумладан 5 таси 2008 йилда, шунингдек 68 ахборот тизимлари, улардан 18 таси 2009 йилда рўйхатга олинган. 2009 йилда қўшимча хизмат турларидан олинган даромад 2006 йилга нисбатан 2849 млн.сўмга ортди (2.5-расм).



2.5-расм. Қўшимча хизмат турларидан олинган даромад

Юқоридагилар асосида компаниянинг экспорт ва импорт кўрсаткичлари ҳам анча юқори даражада ўсди (2.6-расм).



2.6-расм. Экспорт ва импорт кўрсаткичлари (млн.АҚШ долл.)

2009 йилда «Ўзбектелеком» АК нинг халқаро ахборот тармоқларидан умумий фойдаланиш тезлиги 1225 мБит/секга тенг бўлган, бу 2002 йилга нисбатан МЦПКга уланган маълумотларни узатиш халқаро каналининг умумий ўтказиш қувватини 110 фоизга оширилганлигидир.


Дастурий маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар сони, 2009 йил 1 июнь ҳолатига кўра 227 тага етган, шундан рўйхатдан ўтган дастурий маҳсулот ва маълумотлар базаларининг сони 133 тани ташкил этади. Рўйхатдан ўтган дастурларнинг энг кўпи (84%) Тошкент шаҳрига тенг келмоқда. Республикамизда электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш марказларининг сони 5 тага етди.

Инновацион фаолият туфайли компания амалда жаҳоннинг барча мамлакатларига чиқа олиш имкониятларига эга бўлган 28 йўналишдаги бевосита халқаро каналларга эга. Компаниянинг телекоммуникация тармоғи бугун 17 минг канал-км магистрал ва ҳудудий ҳамда ички ҳудудий линияларни бирлаштирган. Илгари алоқа билан қамраб олинмаган узок кишлоклар учун CDMA-450 стандартини қўллаган ҳолда симсиз абонент

тармоғи кенг жорий этилмоқда.

Ахборот-коммуникация тармоқларини модернизациялаш, замонавий ускуналарни жорий этиш ва хизматларнинг янги турларини кўрсатиш профессионал ва тайёргарлик кўрган кадрларни талаб қилади. Бугунги кунда «Ўзбектелеком» АК ўзининг 19 филиалига эга, уларда 20 мингга яқин муҳандислар, техник персонал меҳнат қилмоқда (2.7- расм).

Компания даромадларининг асосий манбалари аввалгидай халқаро, шаҳарлараро ва маҳаллий телефон алоқаси бўйича анъанавий хизматлар бўлиши билан бирга маълумотларни узатиш, Интернетга кириш бўйича янги хизматларни ва видеоконференция алоқа хизматлари кўрсатишни жорий этиш жараёни тезлашмоқда.



2.7 – расм. «Ўзбектелеком» АК нинг корпоратив таркибий тузилиши

Компаниянинг хизматлар кўрсатишдан тушган умумий тушуми ўтган 2008 йилга нисбатан 19 фоизга, аҳолига хизматлар кўрсатишдан даромадлари 60 фоизга ортиди.

Қўнғирот – Бейнов йўналишида оптик толали кабелларни ётқизиш ишлари якунланди. “NEC” компанияси билан 4,2 млн. АҚШ долларлик шартнома имзоланди. Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент ва бошқа вилоятларда 72 та аналог қишлоқ телефон станцияларини реконструкция қилиш” лойиҳаси бўйича Наманган, Қашқадарё ва Андижон вилоятларига 784,1 млн. сўм миқдоридаги умумий сифими 10288 портли 44 та “КоинотЭлСГМ” коммутация қурилмалари етказиб берилди. Мазкур 44 та “КоинотЭлСГМ” коммутация қурилмаларидан 16 таси (3216 порт) ишга туширилди.

“Тошкент шаҳар маълумотларни узатиш тармоғини DWDM/SDH/IP/MPLS технологияси асосида кенгайтириш” лойиҳаси бўйича, биринчи босқич доирасида имзоланган шартнома бўйича қурилмаларнинг 1,6 млн. АҚШ долл. миқдоридагиси келтирилди, иккинчи босқич лойиҳаси бўйича тендерда ғолиб бўлган компания билан шартнома музокаралари олиб борилмоқда, шунингдек, учинчи асосий босқич бўйича, тендер натижаларига кўра “NEC” компанияси билан 4.9 млн. АҚШ долл. миқдорида шартнома имзоланиб, аванс тўловларини амалга ошириш учун конвертацияга сўм маблағлари ўтказилди.

Компаниянинг 2010 йилги режасида Интернет ва маълумотлар узатиш халқаро каналларини янада кенгайтириш, Республика маълумотлар узатиш тармоғини модернизациялаш ва қувватини ошириш, тармоқда ахборот хавфсизлигини кучайтириш, маълумотлар узатиш тармоғи ёрдамида кўрсатиладиган хизматлар турларини кенгайтириш ва ошириш кўзда тутилган.

«Ўзбектелеком» АК телекоммуникация тармоғини модернизациялаш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, йирик

инвестицион лойиҳаларни рўёбга чиқариш, шунингдек инновацион истиқболли технологиялар ва хизматларни жорий этиш каби муҳим вазифаларни ҳал этишда илгари одимламоқда.

Сўнгги йилларда «Ўзбектелеком» АК бизнес режасининг технология қисмида инновацион ривожлантириш йўналиши бўйича муҳим қадамлар қўйилди ва бугунги кунда компания Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида шаҳарлараро ва халқаро алоқа хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган технологик ресурсларнинг тўла ҳажмига эга. Магистрал тармоқларнинг мустаҳкамлиги ва ишончли алоқани таъминлаш, шунингдек техник ресурслардан фойдаланишнинг юқори самарадорлиги «Ўзбектелеком» АКнинг энг муҳим рақобат устунлигини ташкил этади. Бу устунлик компанияга телекоммуникация хизматлари кўрсатувчи етакчи оператор сифатида мустаҳкам ўринни таъминламоқда.

Ҳозирги пайтда «Ўзбектелеком» АК телекоммуникациялар тармоғи халқаро, шаҳарлараро ва ички ҳудудий каналларидан иборат бўлиб, уларнинг узунлиги 41637,230 минг кан-км этади, улардан:

- халқаро каналлар - 2940,132 минг кан-км;
- шаҳарлараро каналлар - 25769,483 минг кан-км;
- ички ҳудудий каналлар - 12927,613 минг кан-км.ни ташкил қилади.

Хизматларнинг янги турларини тақдим этиш ва уларнинг номенклатурасини кенгайтириш учун STM-16 тизими ва DWDM юқори тезликдаги технологиясига қадамба-қадам ўтиб борилмоқда.

Рақамли узатиш тизимлари билан янгитдан яратилган алоқа каналлари мавжуд узунлигига нисбатан 23,4 фоизни ташкил этмоқда, шундан:

- халқаро алоқа линиялари - 2603,144 минг кан-км;
- шаҳарлараро алоқа линиялари - 24020,44 минг кан- км;
- ички ҳудудий алоқа линиялари - 12282,7245 минг кан-км.

Халқаро ва шаҳарлараро коммутациялашган телефон тармоғи EWSD, AXE - 10, NEAX - 61, DTS - 2000, C8CO - 08, SE - 55 русумларидаги рақамли

коммутацион тизимлар билан жиҳозланган.

2009 йилга келиб «Ўзбектелеком» АК телекоммуникация тармоғида барча мавжуд шаҳарлараро автоматик телефон станциялар тўла рақамлаштирилди. Сирдарё, Жиззах, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида ЖВІС лойиҳаси бўйича 930 км узунликда магистрал ва ички ҳудудий оптик-толали алоқа линиялари лойиҳаланиб, уларни қуриш ишлари тўла якунланди.

2009 йилда «Ўзбектелеком» АК нинг “Андижон-Ўш, Денов-Турсунзода, Термиз-Хайратон йўналишларида ҳалқаро алоқа линияларини қуриш” лойиҳалари бўйича қурилиш-монтаж ишлари муддатидан илгари якунланди. Компания таркибига кирувчи қўшма корхоналарни ҳам қўшиб ҳисоблаганда компаниянинг телефон тармоқларининг умумий сиғими 1467,8 минг номердан иборат (қўшма корхоналарсиз 1818,0 минг номер) ўрнатилган 2020 АТС ишламоқда. 2009 йилда маҳаллий телефон тармоқларида рақамли АТСларнинг умумий номерлари 86 фоиздан 90,8 фоизга етказилди. Маҳаллий телефон тармоқларида ўрнатилган сиғимдан фойдаланиш коэффициенти эса 88,8 фоизни ташкил этган.

«Ўзбектелеком» АК бўйича 2009 йил маҳаллий тармоқларда асосий телефон аппаратлари сони 36,9 минг дона кўпайган ва уларнинг умумий сони 1916,8 минг донага (қўшма корхоналарсиз - 1803,5 минг донага) етган. Асосий телефон аппаратларининг 89 фоизи хусусий хонадонлар секторида хизматда қилмоқда. Тармоқда юқори частотали алоқа каналларининг миқдори 96,7 фоизни, оптик-толали алоқа линиялари узунлиги эса 1245,5 кмни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация тармоқларини реконструкциялаш ва ривожлантириш дастурига мувофиқ, мамлакатда CDMA стандарти асосида симсиз абонентли радио кириш умумий тармоғини янада ривожлантириш бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши қуйидаги қулайликларни яратмоқда:

– узоқ ва қийин бориладиган жойлардаги аҳоли пунктларини ва ижтимоий инфратузилма объектларини телекоммуникациянинг замонавий инновацион хизматлари билан таъминлаш;

– корхоналар ва ташкилотларга, CDMA-450 стандарти афзалликларидан, ички тармоқ роуминги, маълумотларни юқори тезликда узатиш ва Интернетнинг хизматларидан фойдаланиб, ишлаб чиқариш вазифаларини тезкор ҳал этиш.

CDMA-450 симсиз абонентли радиокириш тармоғи хизматлари «Ўзбектелеком Мобайл»нинг Қорақалпоғистон Республикасидаги, Хоразм, Бухоро, Навоий, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги филиаллари томонидан кўрсатилмоқда.

Бугунги кунда республикада жойлашган 9746 та умумтаълим мактаблари, 1200 та коллежлар, 4204 та тиббиёт муассасалари, 126 та лицейлар ва бошқа ижтимоий объектлар телефонлаштирилган.

Қоплаш зонасини кенгайтириш, симсиз радиокиришнинг барқарорлигини ошириш ва иш сифатини яхшилаш мақсадида 2007 йилда Андижон, Наманган, Фарғона, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида CDMA-450 тармоғи ишга туширилган, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида тармоқнинг қоплаш зонаси кенгайтирилди.

«Ўзбектелеком» АКнинг ташқи иқтисодий алоқалари қуйидаги йўналишларда амалга оширилмоқда:

- халқаро алоқа ташкилотлари билан ҳамкорлик;
- халқаро телекоммуникацион лойиҳаларда иштирок этиш;
- хорижий операторлар ва алоқа хизматлари кўрсатувчилари, шунингдек телекоммуникацион ускуналар ишлаб чиқарувчи компаниялар ва фирмалар билан икки томонлама ҳамкорлик.

«Ўзбектелеком» Халқаро Электралоқа Иттифоқи билан минтақавий ҳамдўстлик ҳамкорлигини(РСС) «Интелсат» йўлдошалоқа ташкилоти ва бошқалар билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда(2.2 - жадвал).

2.2 - жадвал

Канални халқаро ҳажмининг таркиби

Мамлакатлар	Фоиизи (%)	Мамлакатлар	Фоиизи (%)
Япония	0,05	БАА	1,04
Германия	1,34	Беларусь	0,36
Туркия	0,64	Қозоғистон	10,54
АҚШ	16,88	Қирғизистон	1,14
АҚШ IP	3,55	Россия	56,35
Буюк Британия	0,09	Тожикистон	1,10
Корея	0,03	Туркменистон	1,44
Хитой	0,08	Украина	0,37

Ўзбекистонда халқаро телефон алоқаси иккита халқаро коммутация марказлари орқали таъминланади. «Ўзбектелеком» АК анъанавий телефон алоқаси бўйича 20 та халқаро операторлар орқали IP телефония соҳасидаги иккита халқаро операторлар билан ҳамкорлик қилади. Бу операторлар орқали жаҳоннинг барча мамлакатлари билан алоқалар таъмин этилади.

Кирувчи халқаро трафик ҳажмларининг ортиб бориши халқаро операторлик бозорида «Ўзбектелеком» АКнинг улушининг ортиб бораётганлигини кўрсатади. Халқаро операторлар билан халқаро алоқани қуриш схемасини оптималлаштириш, янги технологияларга ўтиш ва каналлар сонини кўпайтириш бўйича олиб борилган фаол ишлар кирувчи ва чиқувчи халқаро трафиклар ҳажмларининг ўсишига олиб келади. Халқаро операторлардан кирувчи трафик 2009 йилда 2008 йилга нисбатан 1,54 марта, чиқувчи трафик эса 1,46 марта ортди. Кирувчи Халқаро трафикнинг ўсишининг юқори суръатлари халқаро алоқадан тушадиган даромадларнинг ижобий динамикасига эришишга имкон яратади.

«Ўзбектелеком» АК томонидан 2009 йилда молиялаштиришнинг барча

манбалари ҳисобидан 381,6 млрд. сўм миқдордаги хорижий инвестициялар жалб этилган.

Айниқса инновацияларнинг молиялаш манбалари бўйича тақсимланиши тавсифлаш ўринлидир. Барча инвестицияларнинг асосий ҳажми хорижий инвестициялар ва кредитларга тўғри келади. Уларнинг миқдори барча инвестицияларнинг 67 фоизини ташкил этди. 2009 йилда соҳа бўйича 802 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилди, шу жумладан аҳолига кўрсатилган хизмат – 451,2 млрд. сўмни ташкил этди.

Охириги 2 йилда қуйидаги объектлар бунёд этилди ва фойдаланишга топширилди:

1. «Ўзбектелеком» АК телекоммуникация тармоғи реконструкция қилинди. Бунинг учун Хитойнинг Huawei Technologies компанияси томонидан 320,0 минг порт қувватли коммутацион ускуналар етказиб берилди.

2. Андижон ва Фарғона вилоятларидаги телекоммуникация тармоқлари реконструкцияси қурилиши Кореянинг EDCF кредити ҳисобига олиб борилди. АТСларда 46000 номерга эга коммутацион ускуналар ўрнатилди, 306,3 км оптик-толали алоқа линиялари(ОТАЛ) ётқизилди, 18 та узатиш тизимлари ўрнатилди.

3. Тошкент шаҳри телекоммуникация тармоғи модернизация қилинди ва кенгайтирилди. Хитойнинг Huawei Technologies ва Германиянинг “Siemens AD” ва “Alcatel Cel AD” компаниялари томонидан коммутацион ускуналар етказиб берилди ва қуйидаги ишлар бажарилди:

- 110 570 та номердан иборат АТСлар реконструкция қилинди;
- 23824 номерга АТСлар кенгайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва модернизациялашнинг 2 – босқичи давом эттирилиб, қурилиш Япониянинг JBIC кредити ҳисобига амалга оширилди: ОТАЛ ётқизиш - 929,04 км, ЛККларни кенгайтириш 170 турга, АТСларни

кенгайтириш - 2684 номерга, ОТАЛ ётқизиш - 19,7 км.га кўпайди.

«Ўзбектелеком» АК бутун республика бўйича оптик-толали ва радиореле алоҳида линияларда қурилган қудратли транспорт телекоммуникация тармоғига эга ва бу тармоқ янада модернизация қилиб борилмоқда. «Ўзбектелеком» АК республиканинг барча провайдерларига пакетли коммутация халқаро маркази орқали Интернет тармоғига киришни тақдим этмоқда. Интернетга ва маълумотларни ўзатиш тармоғига кириш учун ажратилган линиялар бўйича х DSL, Dial-UP технологияларидан фойдаланиб ва Radio Ethernet технологияси бўйича симсиз кириш ёрдамида хизмат кўрсатмоқда. У шунингдек ўзининг UzNET фирмаси базасида 2006 йилда IEEE 802.6 - 2004 стандартининг Wi - MAX пилот лойиҳасини амалга ошира бошлади. Симсиз кенг полосали кириш технологияси ПД тармоқларига 100 Мбит/сониягача тезлик билан кириша олишга имкон берди ва бевосита кўринишдаги масофа 50 километргача бўлади.

Алоқалар VoIP халқаро овозли олдиндан тўланган универсал карточкалар орқали «Ўзбектелеком» нинг UzNET, ТошТТС ва «ТШТТ» халқаро телефон алоқаси хизматларини кўрсатадилар, UzNET ва «ТШТТ» эса Интернет тармоғига киришни ҳам бажаради. Ушбу хизматдан Ўзбекистон Республикасининг ҳар қандай аҳоли пунктдан олдиндан тўланган карточкани сотиб олган ҳар бир шахс фойдаланиши мумкин.

Инновацион ривожланишнинг муваффиқиятли амалга оширилиши натижасида, 2008 йилга нисбатан 2009 йилда тариф даромадларини 1,6 баробар ортишига олиб келди, шу жумладан, тармоқлар бўйича ўсиш қуйидагича бўлди:

- шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаси - 13,9 фоизга;
- шаҳар ва қишлоқ телефон алоқаси - 20 фоизга;
- ТВ ва РВ дастурлари узатилиши ва қабул қилиниши 16,0 фоизга;
- аҳолига алоқа хизматлари кўрсатиш ҳажми 864,7 млрд сўмга ёки 1,7 фоизга ортиб;

– телеграф алоқаси бўйича эса 10,8 фоиз пасайиш кузатилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда телекоммуникациялар ҳамда маълумотларни узатиш ва Интернет тармоқлари хизматларини кўрсатувчи энг йирик оператор ҳисобланган «Ўзбектелеком» АКни инновацион ривожлантириш қуйидаги асосий устувор йўналишлар бўйича амалга оширилмоқда:

– АКТ инновацион технологияларини қўллаш асосида телекоммуникациялар тармоқларини ривожлантириш соҳасида стратегик устувор йўналишларни белгилаш ва амалга ошириш;

– стандартлаштириш, сертификатлаш ва лицензиялаш ишларини мувофиқлаштириш;

– ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида рақобат муҳитини шакллантиришга доир чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– алоқа ва ахборотлаштириш тармоғида инновацион жараёнларни ривожлантириш мақсадида илмий-тадқиқот ишларини самарали ташкил этиш;

– телекоммуникация тармоғини модернизация қилиш, телевидение ва радио тўлқинларини узатиш мажмуини, шунингдек маълумотларни узатиш миллий тармоғини ривожлантириш;

– соҳага хорижий инвестициялар ва замонавий инновацион технологияларни кенг жалб қилиш ва улардан ишлаб чиқаришда самарали фойдаланиш.

2.3. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида инновацион фаолиятнинг самарадорлиги

Ўзбекистон Республикасида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича лойиҳалар амалга оширилиши натижасида, республиканинг барча вилоят марказларида

рақамли шаҳарлараро станциялар ўрнатилди, магистрал шаҳарлараро ва вилоят ичидаги алоқа линияларида умумий узунлиги 10000 км. дан ортиқ бўлган оптик-толали кабель ҳамда рақамли радиорелели линиялар ўтказилди. Мамлакатимиз Президентининг 2005 йил 12 сентябрдаги «Республика аҳолисини сифатли телевидение ва радиодастурлар билан таъминлаш» юзасидан чиқарилган ПҚ-172 сон Қарори билан ватанимизнинг алоҳида ва олис ҳудудларида 396 комплект телевизион ва 374 комплект радиоузаткич такомиллаштирилди ва ўрнатилди, республика регионларида CDMA стандартидаги симсиз радио кира олиш тизими жорий қилинди, 1 та сунъий йўлдош алоқасини қабул қилувчи ва узатувчи қурилма ишламоқда.

Миллий маълумотларни узатиш тармоғини такомиллаштириш ва режалаштириш лойиҳасининг амалга оширилиши натижасида 240 та замонавий маълумотлар узатиш узели вужудга келтирилди, барча вилоят ва туман марказлари миллий маълумотлар узатиш тармоғи билан қамраб олинди.

Ўзбекистон телекоммуникациялар тизими 28 йўналиш бўйича дунёнинг 180 та мамлакатига тўғри чиқадиган халқаро каналларга эга, бу каналларда оптик-толали ва йўлдошли тизимлардан фойдаланилади.

2009 йил ҳисоботларига кўра республикада телекоммуникациялар тармоғини ривожлантириш соҳасида қуйидагилар амалга оширилди:


- АТСларнинг рақамлаштириш даражаси 88,8 фоизга етди;
- «Ўзбектелеком» АК филиаллари томонидан 31 328 портли 179 та «КоинотЭл-СГМ» коммутация қурилмаларини монтаж қилиб эксплуатацияга тушириш бўйича ишлар олиб борилмоқда;
- Оптик толали кабеллардан самарали фойдаланиш ва тармоқнинг ишончлилигини ошириш бўйича лойиҳалар устида ишлар олиб борилди ва деярли якунланди. Жумладан: Тошкент-Фарғона водийси йўналишида телекоммуникация транспорт тармоғини DWDM технологияси асосида

кенгайтириш бўйича «Huawei technologies Co Ltd» компанияси билан умумий қиймати 4,6 млн АҚШ долл. га тенг.

Кейинги йилларда уяли алоқа хизматлари бозори ҳам тез ривожланиб, уяли алоқа абонентларининг сони 2009 йил январ ойи ҳолатига кўра, 6 760 минг донага ошди ва 12 650 млн.тага етди, асосий телефонлар 26,2 мингтага ошди ва 1 839 минг донани ташкил этди (2.8-расм).


Бозор муносабатлари ривожланиши билан телекоммуникация бозорида ҳам шиддатли ривожланиш бошланди, у янги (муқобил) алоқа операторлари вужудга келишида намоён бўлди. Бу нарса, асосан, корпоратив секторни телефонлаштиришга таалукли.

2009 йилда келиб интернетдан фойдаланувчилар сони 2,6 млн.тани ташкил этди. Маълумотлар узатиш тармоғига уланиш хизматиини кўрсатувчи хўжалик субъектлари сони 856тага етди.



2.8-расм. Мобил алоқа мижозларининг сони

Уяли алоқа хизматларини ривожлантириш бўйича инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича 288,9 млн. АҚШ долл.га тенг хорижий инвестициялар соҳага жалб қилинган. Компаниялар ўз маблағлари ҳисобидан 42,9 млрд. сўмлик капитал қўйилмалар амалга оширилган. Халқаро ахборот тармоқларидан умумий фойдаланиш тезлиги 1270 Мбит/сек.га етди. Бу 2005 йилга нисбатан фойдаланиш тезлиги 9 баробарга ошди (2.9-расм).



2.9-расм. Ҳалқаро ахборот тармоқларидан умумий фойдаланиш тезлиги

Таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, 2009 йилга келиб республикада маълумотлар узатиш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш қуйидагиларни ташкил этади:

- Интернетдан фойдаланувчилар сони 2,46 млн. тани ташкил этди;
- Маълумотлар узатиш тармоғига уланиш хизматини кўрсатувчи хўжалик субъектлари сони 856 тага етди (ўтган йилга нисбатан 75 тага кўпайган);
- «UZ» домен зонасида иккинчи даражали доменларни рўйхатдан ўтказувчи ташкилотлар сони 7 та, рўйхатга олинган миллий доменларнинг сони 7700 тадан ошди;
- Давлат ахборот ресурслари (ДАР) рўйхатига 115 та ахборот ресурси қўшилди. Бугунги кунга келиб, ресурсларнинг умумий сони 171 тага етди;
- 149 та ДАР ва 48 давлат ахборот тизимларига “рўйхатга олинганлиги тўғрисида” Гувоҳномалар берилган.

Электрон ҳужжат айланиш тизими ва Дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилаётган истиқболли лойихалар натижасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда:

- Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 августдаги 181-сонли қарорига мувофиқ, Давлат интерактив хизматларининг 49 та тури тасдиқланган. Давлат органларида ушбу хизмат турлари бўйича 305 та Давлат интерактив хизматлари (ДИХ) мавжуд.

– Дастурий маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотлар сони, жорий йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра 210 тани ташкил этди. Уларнинг 91 фоизи Тошкент шаҳрига ва 5 фоиздан ортиғи Самарқанд ва Бухоро вилоятларига тўғри келади.

– Рўйхатдан ўтган дастурий маҳсулотларнинг сони 226 тани ташкил этди. Рўйхатдан ўтган дастурларнинг 73 фоизи Тошкент шаҳрига, қолган 14 фоизи Самарқанд ва Бухоро вилоятларига тўғри келади.

– Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш марказида 1298 тингловчи таҳсил олди. Навоий ва Нукус шаҳарларида Марказнинг филиаллари ташкил этилди.

– “Doppix 2008 Edu” маҳаллийлаштирилган дистрибутивини яратиш ишлари тугатилди. Репозитарийсини ташкил этувчи <http://doppix.uz> веб-портали ишга туширилди.

– “Ўзбекистон электрон кутубхоналар тармоғи” дастурий мажмуасини ишлаб чиқариш жараёни тугатилди.

– Республикада Электрон рақамли имзо калитларининг рўйхатга олиш марказларининг сони 3 тани, Марказлар томонидан берилган калитлар ва калит сертификатларининг сони 28 900 тани ташкил этди.

– 2009 йил 12-13 май кунлари анъанавий “Best-soft Uzbekistan 2009” Дастурий маҳсулотлар миллий кўرғазмаси ва миллий форуми ўтказилди.

– 2008 йил 24 - 26 сентябр кунлари Тошкент ва Андижон шаҳарларида бир вақтда анъанавий ICTExpo-2008 ахборот-технологиялари миллий кўрғазмаси ўтказилди.

Республикада хизмат кўрсатиш ва сервис дастури ривожланиш тенденцияларига эга (2.3-жадвал).

2.3-жадвал**Хизмат кўрсатиш ва сервис дастури**

Кўрсаткич	2008 йил, факт	2009 йил, факт	Ўсиш, %
Стационар телефонлар сони, минг дона	1 902,5	1 916,8	100,8
АТСларни рақамлаштириш даражаси, %	88,0	90,8	105,6
Рақамли телефон зичлиги, 100 киши	5,87	6,24	106,3
Халқаро ва шаҳарлараро тел.сўзлашувлар, млн.дона	145,9	146,0	100,1

Ўзбекистоннинг асосий телекоммуникация хизматлари бозордаги рақобат МДХга кирувчи бошқа мамлакатлардагига қараганда секин ривожланмоқда. Ҳозирги вақтда телекоммуникациялар бозорида «Ўзбектелеком Интернэшнл», «Buzton», «East Telecom» ҚК лари, шунингдек «Platinum Connect» савдо белгиси асосида «Unitech» ҚК кабилар ўз фаолиятини амалга оширмоқда.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ҳам жадал ривожланиб бормоқда (2.4-жадвал).

2.4- жадвал**Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси**

Кўрсаткич	2008 йил, факт	2009 йил, факт	Ўсиш, %
Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида кишлоқ жойларда кичик тадбиркорлик субъектларини ташкил этилиши, та	257	241	94,2
Хат жўнатмалари, 1000 кишига	315,7	343,8	108,9
Почта корхоналаридаги электрон почта мижозлари, минг дона	3,05	8,06	2,6 баробар

Ўзбекистон уяли алоқа бозорида тармоқнинг бирлашиш ва кичик операторларни сиқиб чиқариш жараёни кузатилмоқда. 2002 йилдан бугунги кунгача Uzdurobita компаниясининг бозор улуши 53,37%, фоизга, Билайн компаниясиники 31,56% бўлса, уяли алоқа бошқа операторларининг улуши 15 % камайди. Олти йил ичида бозордан UzMascom ва SkyTel каби операторлар чиқиб кетди (2.5-жадвал).

2.5-жадвал**Ўзбекистонда уяли алоқа компанияларининг бозор улуши**

	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
Uzdunrobita	35,65 %	32,09 %	47,49 %	56,35 %	51,6 %	53,31 %	53,37 %	44,8%
Билайн	27,42 %	33,36 %	26,85 %	22,35 %	30,25 %	28,18 %	31,56 %	21,1%
Бошқалар	36,93 %	34,56 %	25,66 %	21,30 %	18,15 %	18,51 %	15,07 %	34,1%

Таҳлилчилар янги уяли алоқа компанияларининг Ўзбекистон бозорига кириб келиши оқибатида рақобат кучайишини ва Uzdunrobita (МТС), Unitel (Билайн), Coscom (Ucell) компанияларининг бозордаги улуши бўйича ўзгаришларни таъкидлашмоқда.

Ўзбекистонда мобил алоқа абонентларининг сони 2009 йил 1 апрел ҳолати бўйича 12,6 млн. кишини ташкил этди. 2012 йилга келиб мобил алоқадан фойдаланувчилар сони 15,2 млн. кишини (кириш даражаси 53,6 фоиз), 2018 йилга келиб эса 17,2 млн. кишини (кириш даражаси 60,6 фоиз) ташкил этиши мумкин. Битта абонентдан келадиган тушум (ARPU) тахминан 12,0 долларни ташкил этишини ҳисобга олинса, уяли алоқа бозорининг умумий ҳажми ҳозирги вақтда йилига тахминан 538 млн. долларни, ташкил қилади, 2012 йилга келиб эса, 2,2 млрд. долларга етади.²⁴ Фикримизча, йилдан йилга уяли алоқа абонентлари сонининг ўсиш суръатлари пасайиб боради(2.6-расм).

2.6-жадвал**2012 йилгача Ўзбекистонда уяли алоқа бозорининг ривожланиши**

Йиллар	Статистик маълумот						Башорат			
	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2015	2018
Абонент сони, млн.	1,2	2,7	5,888	8,8	12,6	13,2	14,5	15,2	16,5	17,2
Кириш даражаси, фоиз	4,4	10,2	21,8	32,4	41,7	47,4	51,6	53,6	58,2	60,6


²⁴ «AVESTA RESEARCHES» компаниясининг тайёрлаган расмий ҳисоботлари . 2009.

Ўзбекистонда уяли алоқа абонентларининг бундай юқори фурсатларда ўсишининг сабаби кучли рақобат муҳитини яратилиши натижасида хизматлар нархининг арзонлашуви ва сифатининг ошиши бўлмоқда. Уяли алоқа хизматига ҳақ тўлашнинг арзонлиги бўйича мамлакатимиз жаҳонда учинчи ўринда туради.

Миллий Интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг халқаро ахборот тармоқларидан, жумладан, Интернетдан фойдалана олишини таъминлаш мақсадида, йўлдошли ва ердаги рақамли каналлар ёрдамида бевосита алоқа ташкил қилинган. Интернет тармоғига уланишни таъминлайдиган халқаро каналларнинг ўтказиш қобилияти 2008 йилда 819 Мбит/с ташкил этди (2002 йилда 18 Мбит/с эди).

Мамлакатда Интернет хизматлари операторлари ва провайдерлари сонининг мунтазам ошиб бориши рақобат муҳитининг шиддатли ривожланишига олиб келди. 2009 йил бошига келиб Интернет тармоғидан фойдалана олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар сони 937 тани ташкил этди (2002 бошида 88 та эди).


2009 йил бошигага келиб, Ўзбекистон Республикасида Интернетдан фойдаланувчиларнинг тахминий сони 2 млн. 600 минг кишигача етди (2002 йил бошида 130 мингга яқин эди).




2.10–расм. Интернет ва маълумотлар узатиш тармоқлари операторлари ҳамда провайдерларининг сони

Ахборот ва маълумотлардан фойдаланиш бўйича 2008 йил бошида UZ домен зонасида 5766 дан ортиқ веб-сайт мавжуд эди, 2005 йилда 6693 та

бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2009 йил I кватиали бўйича эса 7 мингдан зиёд бўлди. UZ зонасида доменларни рўйхатдан ўтказиш 6 та расмий рўйхатга олувчи томондан амалга оширилмоқда.



2.11-расм. 1000 та нафар аҳолига тўғри келадиган Интернет, уяли ва стационар алоқадан фойдаланувчилар сони



2.12-расм. UZ домен зонасидаги веб-сайтлар сони

Ахборот ресурслари. ZiyoNet илмий ва таълим тармоғи Ўзбекистон Республикаси илмий, таълим, тиббиёт муассасаларига, ноҳукумат ва нотижорат ташкилотларга Интернетдан пулсиз фойдалана олиш тақдим

этилишини, ахборот технологиялари соҳасида мутахассислар ўқитилишини ва тайёрланишини, Ўзбекистон Республикаси илмий ва маданий бойликлари тўғрисида ахборот тарқатилишини таъминлайди.

Миллий излаш тизими WWW.UZ келажакда Интернет тармоғи миллий сегменти барча фойдаланувчилари учун ахборотдан тезда фойдалана олишларида асосий дастак бўлиб қолиши керак.

«ZiyoNet» ахборот тармоғи – бу ягона ахборот ресурсига эга бўлган жамоат таълим ахборот тармоғи бўлиб, илмий, ўқув-таълим, ёшлар ва болалар муассасалари хусусидаги ресурсларни бирлаштиради.

Давлат ахборот ресурслари портали «GOV.UZ» глобал Интернет компьютер тармоғидаги асосий ва расмий давлат ахборот ресурси ҳисобланади. Бу ресурс Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг фаолияти тўғрисида фуқароларни ва халқаро жамоатчиликни янада кенг ҳабардор қилиш, шунингдек, давлат ҳокимият ва бошқарув органларининг ахборот ҳамкорлигини таъминлаш учун яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик миллий маълумотлар базасининг ахборот қидирув тизими «Lex.Uz» аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини оширишда, юридик ва жисмоний шахсларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларидан фойдалана олишини таъминлашда, жамиятнинг ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштиришда кенг қўлланилади.

Интернетдан жамоа бўлиб фойдаланиш пунктлари фаолиятини лицензиялаш тартибининг соддалаштирилиши ҳам улар сонининг ошишини таъминлади. Республикада маълумотлар узатиш тармоқларининг қатор операторларида мавжуд бўлган, Интернетдан жамоа бўлиб фойдаланиш пунктларининг умумий сони 2008 йил бошида 781 тани ташкил этган бўлса, 2009 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра уларнинг сони 928 тага етди (2002 йил бошида 26 та бўлган). Республикада АКТнинг дастурий маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи

субъектларнинг сони 2008 йил давомида 1,4 марта ошди ва 2009 йил 1 январ ҳолатига 212 та компаниядан иборат. 2008 йилда рўйхатга олинган дастурий маҳсулотлар сони 166 тани ва маълумотлар базаси сони 16 тани ташкил этди.

Рўйхатдан ўтган дастурий маҳсулотлар ҳамда маълумотлар базасининг умумий сонидан 41%- олий ўқув юртлари ҳамда ўқув муассасаларига, 18% - тиббиёт соҳасига 15% - ахборот-коммуникация технологияларига, 12% - технологик жараёлар, автоматлаштириш ва интеллектлаштириш тизимларига, 5% - бухгалтерия ҳисобот ва банк соҳасига тегишлидир. Мутахассисларнинг таҳлили ва баҳолашларига кўра, Ўзбекистондаги дастурий маҳсулотлар бозорининг умумий ҳажми 2008 йил бошида 10,5 млн.АҚШ долларидан, 2009 йилга келиб 14,7 млн. АҚШ доллари миқдорида баҳоланди, йиллик ўсиш 10-15 фоизни ташкил этди. Ишлаб чиқиладиган дастурий маҳсулотларнинг 50-60 фоизи маълумотлар базасини бошқариш тизимларига, 15-25 фоизи веб-дизайнларига тўғри келди. Таҳлилларимиз кўрсатишича, бухгалтерия ҳисоби, тўлов тизимлари, банк инфраструктурасининг ишлашини қўллаб-қувватловчи дастурий маҳсулотларга бозорда талаб ошиб бормоқда. Банк сектори телекоммуникация сектори билан бир қаторда, Ўзбекистонда дастурий таъминотнинг асосий буюртмачи-истеъмолчилари ҳисобланади. Шулар қаторида сўнги вақтда республикада электрон хужжат айланиши тизимларига ҳам борган сайин талаб ошиб бормоқда.

Ўзбекистонда экспортга мўлжалланган дастурий таъминот бозори эса ўзининг шаклланиш босқичга кирди. Мутахассисларнинг баҳолашига кўра, Ўзбекистондан экспорт қилинадиган дастурий таъминотнинг умумий ҳажми 2007 йил бошида 1,5 млн.дан охирига келиб, 5 млн. АҚШ доллари миқдорида баҳоланди. 2008 йилда ЎзААА ташкилот ва корхоналари томонидан амалга оширилган экспорт ҳажми 46,9 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

АКТ ва компьютерлаштиришни ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан «Эркин ва очиқ дастурий

таъминотни ривожлантириш ва қўллаш дастури» қабул қилинди. Бу дастурга мувофиқ, Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қуватлаш маркази томонидан «эркин ва очиқ дастурий таъминотни маҳаллийлаштириш» лойиҳаси доирасида **Linux** миллий операцион тизимини маҳаллийлаштириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Республикада компьютер саводхонликни ошириш ва таълим муассасаларини ахборотлаштириш, ўқувчиларни АКТ дан фойдаланишни кенгайтириш, электрон ўқув қўлланмалари ва курслар тузиш жараёнлари жадал бормоқда. АКТ ни самарали бошқаришда молиявий ресурсларни ва профессионал кадрларни етишмаслиги туфайли, мамлакат регионлари ва олий ўқув юртлари бўйича электрон тайёргарлик кўрсаткичлари индекслари тарқоқ. Таълим муассасаларини бу соҳадаги ўртача даражаси ривожланган мамлакатлар даражасидан анча орқада қолмоқда.

Шундай қилиб, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида инновацион фаолият самарадорлигин таъминлашда Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий стратегияси тармоқни модернизациялаш ва техник технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш асосида макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга қаратилган. Соҳа тараққиётининг инновацион йўналишини белгилашда қуйидаги масалар ечими алоҳида аҳамият касб этади:

- соҳа корхоналари моддий-техника базасини кўтариш, янги замонавий техник асбоблар билан жихозлаш, ахборот коммуникация воситаларидан фойдаланишни кенгайтириш ва уларга алоҳида эътибор қаратиш;

- глобаллашув шароитида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида инновацион ривожланишнинг асосий йўналишларини белгилаш ва уларни амалга оширишда чет эл сармояларидан самарали фойдаланиш;

- соҳа ривожланишида республика иқтисодий-сиёсий ислохотларидан келиб чиқиб, меъёрий-ҳуқуқий базани ривожлантириш ва ҳуқуқий асосларни кенгайтириш;

– алоқа ва ахборотлаштиришни ривожланитиришда ана шундай бир-бири билан узвий боғланган иқтисодий чора-тадбирлар айти вақтда жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш ва унинг оқибатларини енгиллаштиришга, иқтисодиётни модернизациялаш моделининг самарали амалга оширилишига асос яратади.

III- БОБ. КОРПОРАТИВ ТУЗИЛМАЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН СТРАТЕГИЯСИ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

3.1. Компанияларда инновацион стратегия механизмининг устувор йўшалишлари

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш йўллари ва усулларини назарий жиҳатдан англаб етиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, улар биринчи навбатда ички манбаларни излашга, унинг барқарорлиги стратегиясини шакллантиришга йўналтирилди. Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш юқори инновацион таркибий қисмларга эга бўлган ишлаб чиқаришлар ва маҳсулотларнинг салмоғини ошириш мақсадини кўзлади. Ривожланишнинг ушбу йўналиши жадал ўсиш ва маҳсулот ва хизматлар кўрсатишнинг рақобатбардошлигини оширишнинг асосини ташкил қилди.

Чуқур институционал ўзгаришларнинг изчил амалга оширилиши ва алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ҳам янги тузилмалар акциянерлик жамиятлари, компанияларини корпоратив тузилмаларнинг пайдо бўлиши инновацион фаолият муаммолари ва унинг ушбу хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига таъсири юзасидан назарий ва методологик тадқиқотларни ўтказишга фаол ундовчи омил бўлди. Мамлакатимиз корхоналари томонидан инновацияларнинг жорий этилишига ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматлар рақобатбардошлигини ошириш, ривожланишнинг юқори суръатларини ва даромаднинг юқори даражасини сақлаб туришнинг муҳим шартларидан бири сифатида қаралади. Шунинг учун маҳсулот ва технологик инновацияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида корпоратив тузилмалар фаолиятини кучайтириш жараёни кузатилмоқда.

Бироқ корхона ва компанияларда инновацион соҳасини ривожлантиришда муҳим натижаларга эришиш ханузгача муаммо

тўғдирмоқда. Бунга корхоналарга маъмурий-буйруқбозлик тизимидан мерос қолган янги, илғор ғояларни қабул қилишдаги сусткашлик ва бозор шароитларига мос келувчи инновацион фаолиятни юритиш тажрибасининг етишмаслиги сабаб бўлмоқда. Шунга қарамасдан, истеъмолчилар хатти-харакатларининг ўзгаришида, бозорларда талаб ва таклифнинг глобаллашувида, рақобатнинг кучайишида ўз ифодасини топаётган саноат корхоналарига ички ва ташқи бозорлар томонидан ўтказилаётган босимнинг кучайиши товар ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи муҳитнинг ўзгаришига тезда мослашиши зарурлигини келтириб чиқарган ҳолда, янги технологияларнинг ривожланишига, ускуналарнинг янги хилларидан фойдаланишга, янги рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга олиб келиши муқаррар.

Бошқача қилиб айтганда, инновацион фаолият билан корпоратив саноат тузилмалари рақобатбардошлигининг ўзаро боғлиқлик жараёни ҳозирги вақтда икки томонлама хусусиятга эга. Бир томондан, инновациялар таъсири остида корхоналар маҳсулотининг рақобатбардошлиги ошади, иккинчи томондан, рақобатбардошликни ошириш зарурлиги инновацион жараёнларни жадаллаширишни талаб қилади. Замонавий рақобат, товарлар ва хизматлар ҳаёт циклининг қисқариши, янги илғор технологияларнинг ривожланиши шароитида корхоналар инновацион фаоллигининг роли объектив тарзда ортади. Стратегик хатти-харакатни инновацион ёндашув асосида шакллантирувчи корпоратив тузилмалар катта устунликларга эга бўлиб, янги технологияларни превентив ўзлаштириши, янги товарлар ишлаб чиқариши ва хизматлар кўрсатиши натижасида бозорда етакчи мавқени эгаллаган ҳолда ривожланишнинг барқарорлигини ва юқори суръатларини сақлаб қолади.

Товар ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчиларнинг бозордаги рақобат жихатдан реал устунликлари бир қатор омилларга боғлиқ бўлиб, шулар ичида инновацион стратегия энг муҳими ҳисобланади. У корпоратив

тузилмаларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш ва уларга эришиш борасидаги аниқ мақсадга йўналтирилган фаолиятни ўзида намоён этади. Ушбу фаолият натижасида ишлаб чиқариш ва бошқарувнинг янги сифати таъминланади. Инновацион стратегиянинг моҳияти самарали жараёнларда, корпоратив тузилмаларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгиланишида ҳамда юқори самарали ривожланишнинг узок муддатли мақсадларига эришишни таъминловчи ишлаб чиқариш, иқтисодий ва ижтимоий фаолиятни амалга оширишда илмий тамойилларни қўллаш йўли билан уларнинг амалга оширилишида ўз ифодасини топади. Инновацион стратегиянинг замонавий мазмуни корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, замонавий мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш, халқаро сифат стандартларига ўтиш, тежашнинг қатъий тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархининг пасайишини рағбатлантириш, энергия сиғимини қисқартириш ва энергияни тежашнинг самарали тизимини жорий этишдан иборат.

Лекин, инновацион стратегияларни шакллантириш ва амалга ошириш муаммоларининг муҳимлиги ва долзарблигига қарамай, корпоратив тузилмаларнинг ривожланишини бошқариш борасидаги мамлакатимиз амалиёти узок вақт мобайнида фаолиятнинг ушбу йўналишидан фойдаланмади. 1997 йилда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилиниши билан республикамызда фаол стратегик режалаштиришга ўтиш бошланди. Лекин у кўп жиҳатдан фақатгина макроиқтисодий тартибга солиш воситаси бўлиб қолмоқда. Корхоналарда эса стратегик тамойиллар ва ёндашувлар деярли амалга оширилмаяпти. Бунинг устига, улар мамлакатимиз корпоратив муҳитининг ўзига хос хусусиятлари нуктаи назаридан умуман шакллантирилмаган.

Шу муносабат билан, биз корпоратив тузилмаларда ишлаб чиқаришни тезкор модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш

инновацион стратегиялари тамойилларининг ўзига хос тизимини таклиф этмоқдамиз. У қуйидагилар тамойилларни ўз ичига олади:

- инновацион стратегияни ижтимоий йўналтириш тамойили;
- асосий фондларни янгилаш жараёнларини оптималлаштириш тамойили;
- замонавий мослашувчан технологияларни жорий этиш тамойили;
- илгари ўзлаштирилган маҳсулотлар ва технологияларни такомиллаштириш тамойили;
- янги маҳсулотлар ва жараёнларни яратиш, ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш тамойили;
- ишлаб чиқариш техник-технологик базасининг сифат даражасини ошириш тамойили;
- энергияни тежаш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини пасайтиришнинг қатъий режими тамойили;
- энергия сифимини қисқартириш ва энергияни тежашнинг самарали тизимини жорий этиш тамойили;
- илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик базасинининг сифат даражасини ошириш тамойили;
- кадрлар ва ахборот салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тамойили;
- инновацион фаолиятни ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш тамойили;
- ресурс базасини рационаллаштириш тамойили;
- инновацион фаолиятнинг экологик хавсизлигини таъминлаш тамойили;
- инновацион маҳсулотнинг ички ва ташқи бозорларда шунга ўхшаш маҳсулотлар олдида рақобат жиҳатдан устунликларига эришиш тамойили;
- молиявий ресурсларни ишлаб чиқаришнинг истиқболли соҳаларига самарали жойлаштириш тамойили.

Албатта, ҳар бир муайян корхона ўзининг инновацион стратегиясини

шакллантиришда, уни юқоридаги тамойиллар асосида қурган ҳолда, шуни ҳисобга олиши лозимки, уларнинг таъсири фақат унинг ўзига хос бўлган алоҳида тамойиллар тизими орқали ўтади.

Инновацион стратегияни ишлаб чиқиш методологиясини танлашга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади: рақобатбардошлик ва инновацион ривожланишнинг ўзаро боғлиқлиги; корхоналар (компаниялар) хатти-ҳаракати, шунингдек турли тармоқлар инновацион ривожланишининг тармоқ хусусиятлари; корхоналар ривожланишига таъсир кўрсатувчи субъектив омиллар.

Ҳар бир омилнинг корхонанинг инновацион стратегиясига таъсирини аниқлаш ва ахборотни йиғиш методологиясининг асосини яратиш учун ушбу стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш усулларини аниқлаш зарур. Бунда шуни назарда тутиш лозимки, инновацион стратегиянинг мақсадларини белгиламасдан туриб уни амалга ошириб бўлмайди. Инновацион стратегиянинг мақсадлари кўп ҳолатларда қуйидагилардан иборат бўлади:

I – ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини ошириш;

II – бошқа стратегияларни сақлаб қолган ҳолда товар нархини пасайтириш;

III – янги технологияларни ўзлаштириш ҳисобидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархини пасайтириш;

IV – мавжуд бозор учун товар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш;

V – эски ва янги товар учун янги сотиш бозорини ўзлаштириш.

Инновацион менежмент ютуқларидан фойдаланиш йўли билан фирманинг рақобатбардош стратегиясини шакллантириш асосида ташқи муҳит билан барқарор фаолиятга интилувчан муайян корхонанинг фаолиятини ташкил этиш ўртасидаги ўзаро таъсир ётади. Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун турли хилдаги инновацияларни жорий этиш талаб қилинади (3.1.1-жадвал).

3.1-жадвал

**Стратегик мақсадларни амалга ошириш учун зарур бўлган
инновациялар турлари**

Инновациялар турлари	Асосий стратегик мақсадлар				
	I	II	III	IV	V
Янги товарни яратиш					
Ишлаб чиқарилаётган товарни ноу-хау асосида такомиллаштириш	+		+		+
Ихтиролар асосида янги технологияни жорий этиш	+				
Амалдаги технологияни ноу-хау асосида такомиллаштириш			+		
Меҳнатни ташкил этишни ноу-хау асосида такомиллаштириш			+		
Ишлаб чиқаришни ташкил этишни ноу-хау асосида такомиллаштириш			+		
Менежмент тизимини шаклантириш ёки такомиллаштириш	+		+	+	+
Хомашё, материал, бутловчи қисмлар ва ҳ.к. сифатини яхшилаш	+				
Ташқи муҳит билан ўзаро муносабатларни такомиллаштириш	+		+		
Тактик маркетинг функцияларини такомиллаштириш					+
Товар истеъмолчиларига сервис сифатини ошириш				+	
Мавжуд товарлар бозорини кенгайтириш		+			+
Янги бозорни ўзлаштириш					+

Инновацион стратегик режалаштириш жараёнининг асосий босқичлари тизимли таҳлилни, келажак сценарийсини ишлаб чиқишни, мақсадларни белгилашни, мақсадларга эришишнинг муқобил стратегиясини ишлаб чиқишни, стратегик дастурни ишлаб чиқишни ва лойиҳалаштиришни ўз ичига олади (3.1-расм).



3.1-расм. Инновацион стратегик режалаштириш жараёнининг асосий босқичлари

Биз инвестицион стратегияни шакллантириш ва амалга ошириш жараёнига хос бўлган бир қатор хусусиятларни аниқлашга муваффақ бўлдик:

- стратегиянинг амалга оширилишини бошқариш барча қарорларни мажбурий равишда бажаришга эмас, балки инновацион фаолиятнинг асосий стратегик мақсадларига эришишга йўналтирилган;
- инновацион стратегиянинг муваффақиятли амалга оширилиши ҳар бир кейинги босқичда прогноз қилинаётган самарага нисбатан кўшимча самарага эришиш имконини беради, чунки аввалги босқич ҳатоларига барҳам бериш имконияти мавжуд;
- инновацион стратегияни амалга ошириш жараёнида ички бўлинмалар ва раҳбарият, шунингдек ташқи шериклар билан инновацион муносабатлар борасида самарали алоқаларни ўрнатиш муваффақиятга эришишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Инновацион стратегия ўзининг самарадорлигини баҳолашни талаб қилади. Умуман олганда, иқтисодий самарани аниқлаш ва корпоратив тузилмаларда инновацион стратегияни амалга оширишнинг энг қулай

вариантларини танлаш муаммоси, бир томондан, улардан фойдаланишдан эришиладиган якуний натижалар самарасининг уларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва амалга ошириш харажатларидан юқори бўлишини, иккинчи томондан эса, бунда эришилган натижаларнинг инновацияларнинг бошқа шунга ўхшаш вариантларини қўллашдан эришилган натижалар билан таққослашни талаб қилади. Тезлаштирилган амортизацияни қўлловчи саноат корпорацияларида вариантни тезда баҳолаш ва тўғри танлаш зарурати пайдо бўлади, бунда ишлаб турган машиналар ва ускуналарни янгиларига алмаштириш муддатлари сезиларли даражада қисқаради.

Инновацияларни ўзлаштириш натижаларини харажатлар билан таққослашга асосланган самарани (даромадни) ҳисоблаб чиқиш усули янги ишланмалардан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилиш имконини беради.

Жаҳон амалиётида қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқиладиган инновационлик даражасининг коэффиценти (инновационлик коэффиценти) инновациялар самарадорлигини баҳолашнинг энг кенг тарқалган кўрсаткичи ҳисобланади:

$$K_{in} = \frac{Z_n}{P_n} \quad (1),$$

бу ерда K_{in} – инновационлик коэффиценти;

Z_n – ИТТКИ харажатлари;

P_n - сотувлар (маҳсулотни сотиш) ҳажми.

Бизнингча, баҳолаш учун эришилган иқтисодий самаранинг ИТТКИ харажатларига нисбати сифатида, яъни қуйидаги формула бўйича ИТТКИ харажатларининг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичини ҳисоблаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

$$K_{\text{э}} = \frac{\text{ЭЭ}}{Z_{\text{н}}} \quad (2),$$

бу ерда $K_{\text{э}}$ – ИТТКИ харажатларининг иқтисодий самарадорлиги коэффициенти;

ЭЭ - илмий ишланмаларни жорий этишдан эришиладиган иқтисодий самара;

$Z_{\text{н}}$ – ИТТКИ харажатлари.

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар фақат инновацион ишланмаларни жорий этиш самарадорлигини тавсифлайди. Уларни биз Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 16 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори билан тасдиқланган таркибий бўлинмалар фаолиятини баҳолаш методологияси доирасида таклиф этмоқдамиз. Ушбу методология таркибий бўлинмалар фаолиятини татбиқ этилган инновацион лойиҳалар ва ишланмалар сонига, шунингдек улардан эришилган иқтисодий самарага кўра баҳолашни назарда тутди.

Корпоратив тузилмаларда инновацион стратегияларни амалга ошириш механизмининг самарадорлигини баҳолаш учун биз корпоратив тузилмалар ривожланишининг умумий параметрлари асосида интеграл самарани аниқлаш методикасини таклиф этдик. Унинг бундай баҳолашга нисбатан анъанавий тарзда қўлланиладиган ёндашувлардан фарқи асосий индикатив параметрларнинг динамик ва нисбий хусусиятларини ҳисобга олишдан иборат, бу корпоратив тузилманинг таҳлил этилаётган ретроспективадаги инновацион фаолиятини янада тўлиқ ва асосли тарзда тавсифлаш имконини беради.

Замонавий корпоратив тузилма мураккаб ички тузилишга ва ташқи муҳит билан мураккаб ўзаро алоқаларга эгаллиги билан ажралиб туради. Корпоратив тузилмаларда инновацион стратегияни амалга ошириши унинг ички табиати ва унинг фаолиятига таъсир кўрсатувчи ташқи муҳитнинг ўзига

хос хусусиятларини инобатга олувчи механизмнинг шакллантирилиши билан боғлиқ. Бундай механизмнинг шакллантиришда куйидаги муҳим талабларни амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эга:

- Янги ғояларни доимий равишда пайдо бўлиб туришини қўллаб-қувватлаш;
- Янгиликларни амалдаги ташкилий тартиб-қоидалар қаторидан ўрин олишига кўмаклашиш;
- Янги ғояларни амалиётга жорий этиш ишларини тез фурсатларда амалга ошириш ва бу ишни кундалик одатий ҳолатга айланишига эришишга томон ҳаракатланиш лозим, чунки янгиликларни амалиётга узоқ фурсатда жорий этилганда у ўзининг аҳамиятини йўқотиши мумкин.

Замонавий ташкилотлар ташқи муҳитдаги ўзгаришларга мослашиш учун тегишли тарзда ўз ичида ҳам муайян ўзгаришларни амалга оширишга тўғри келади. Ташқи муҳитнинг кўплаб омиллари ташкилотнинг иқтисодий фаолиятига таъсир кўрсатиши мумкин. Ташқи муҳит омилларининг ўзаро боғлиқлиги – бу бир омилнинг ўзгариши бошқа омилларга таъсир кўрсатиш кучининг даражаси. Шунингдек, исталган ички ўзгарувчанликларнинг ўзгариши бошқа омилларга таъсир кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон корпоратив тузилмаларининг самарали фаолият кўрсатиши кўплаб ташқи омиллар билан боғлиқ. Жумладан:

- Жаҳон нархлари конъюнктурасини, халқаро молия бозорларидаги вазиятни, йирик трансмиллий компанияларнинг Ўзбекистон бозорига кириб келишини белигилаб берувчи ташқи иқтисодий ва ташқи сиёсий омиллар;
- Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш соҳасига кирувчи омиллар гуруҳи (корпоратив тузилмалар фаолият кўрсатиши қонунчилик ва норматив базасининг ҳолати, ҳудудлардаги ривожланиш ҳолати, давлат бошқаруви ҳокимият органларининг интеграциялашган корпоратив тузилмалар (ИКТ)га нисбатан ҳаракатларнинг зиддиятсизлиги ва ш.к.).

ИКТ фаолият кўрсатишининг самарадорлигига таъсир кўрсатувчи

ички муҳит омилларини қўйидагилардир:

- ИКТ ва корпоратив бошқарув иштирокчилари активларининг бирлашиш даражаси;
- ИКТ иштирокчилари (мулкдорлари) таркиби (бошқарув ва акциядорлар)нинг, шунингдек улар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг барқарорлик даражаси;
- Фонд бозорининг фаоллигига, корхоналарнинг капиталлашувига ва катта ҳажмдаги инвестицияларнинг жалб қилинишига тўғридан-ўғри таъсир кўрсатувчи корпоратив назоратнинг инсайдерлик модели.


Юқорида баён этилган ИКТ ички муҳити омиллари қўйидаги бешта асосий унсурларни ўз ичига олади: ИКТнинг амалдаги стратегияси; ИКТда молиялаштириш; ИКТнинг ташкилий тузилиши; ИКТнинг бошқарилиши; ИКТнинг корпоратив маданияти.

Ўзбекистонда ташкил этилаётган ва фаолият кўрсатиб турган аксарият ИКТда ривожланиш стратегияси мавжуд эмас. Албатта, ташкил этиш босқичида стратегик мақсадлар одатда мазкур корпорациянинг ташкилий лойихасида кўрсатилади. Лекин кўп ҳолларда бу умумий ифодалаш. Бундай кўрсатмалар келгусида ИКТни ривожлантиришнинг муайян йўналишларини белгилаб бермайди. Аксарият ИКТ, асосан, эмпирик тарзда, “синовлар ва хатолар” усули билан фаолият юритади. Бу кўп жиҳатдан ИКТнинг ҳаддан зиёд диверсификацияланганлиги ва бир вақтнинг ўзида амалга ошириладиган кўп сонли бизнес-ғояларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Бундай амалиёт корпорация салоҳиятни асосий, гуруҳланувчи ишлаб чиқаришлар учун устувор ҳисобланган фаолият турларига йўналтирилмайди, шунингдек истиқболли стратегик йўналишларда менежерлар ва илмий-ишлаб чиқариш ходимларининг зарур сонини шакллантириш учун шарт-шароит яратмайди.

Иккинчи томондан, айнан шу омиллар, бизнингча ташқи ўзгаришларга тезда мослашиш воситаси, ташкилотни қайта йўналтириш ва

унинг ўсишини жадаллаштириш воситаси сифатида аниқ ифодаланган стратегиянинг зарурлигини белгалаб беради.

Ташкилий-бошқарув нуқтаи назаридан ИКТнинг икки тури мавжуд бўлиб, биринчиси ўз фаолиятининг кўлами ва имконияти бўйича бир вақтнинг ўзида стратегик қарорларни қабул қилиш маркази ҳисобланадиган тузилмалардир. Қуйидаги 3.1.2.-расмда Ўзбекистонда фаолият кўрсатиб турган ИКТнинг ташкилий тузилиши тасвирланган.



3.2-расм. Стратегик қарорларни қабул қилиш маркази ҳисобланган ИКТни бошқаришнинг ташкилий тузилмаси

ИКТнинг иккинчи тури бевосита хўжалик юритувчи компаниялардан ажралган бўлиб, турли шаклларда: холдинг ёки марказий бошқарувчи компания. Бундай бошқарув таркибига ўз манфаатларидан келиб чиқиб, ривожланган моделини ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан мутлак

мустақил бўлган, бироқ зарур ҳолларда ягона ташкилот сифатида фаолият юритган корхоналар гуруҳи эга (3.2. расм).



3.2.-расм. Марказий бошқарувчи компаниянинг ташкилий тузилиши

Корпоратив тузилманинг бозор иқтисодиёти шароитида фаолиятининг муваффақияти унинг ўз маданиятини шакллантириш қобилиятига боғлиқ. Ташкилий маданиятнинг маъноси компания ва ходимларнинг мақсадлари мос келишида. Маданиятни бошқаришдан мақсад – корхона ёки компания ходимларининг раҳбариятга ёки у қабул қиладиган қарорларга иттифоқлигини таъминлаш, ходимларда корхонага ўз ишига бўлгани каби муносабатда бўлишини тарбиялаш учун инсон ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш орқали фирманинг юқори фойда олишини таъминлашдан иборат. Айтиш мумкинки, ташкилий маданият ва корпоратив руҳ – бу ташкилотни мустаҳкамловчи ўзига хос барқарорлик гарови.

Самарали ташкил этилган корпоратив бошқарув тизими корпоратив

тузилмалар барча иштирокчилари манфаатларининг доимий ва изчил амалга оширилишини таъминлаши зарур, бусиз корпорация фаолиятининг мақсадига эришиб бўлмайди. Тез ўзгарувчан муҳитда корпорациянинг фаолият кўрсатиши бошқарув фаолиятининг мураккаблашуви, янги функцияларнинг пайдо бўлиши, бошқарув тизимлари унсурларининг сифат даражаси билан боғлиқ. Фаолият турларининг кўламлари, мураккаблиги ва хилма-хиллиги мослашувчан тузилмаларни ва ходимларни бошқаришнинг янги услубини талаб қилади.


Корпорациялар фаолият кўрсатиш шартларининг ўзгариши мазкур фаолият самарадорлигини аниқловчи мезонлар тизимига янги талабларни кўяди. Ушбу талаблар эътиборнинг фойда ва ҳаражатлар категорияларида ўз ифодасини топувчи миқдорий белгилардан бозорлар ва технологияларни бошқариш категорияларида ўз ифодасини топувчи сифат белигларига қаратилишини акс эттиради.

Корпорацияларнинг ўзига хос хусусиятлари ва кўп поғонали илмий ишлаб чиқариш тизимидан келиб чиқиб, корпоратив бошқарув тизимининг қуйидаги принципиал жиҳатларини тузиш мумкин:

- Бошқарув тизими мураккаблиги ва динамизмининг ташқи ва ички муҳит мураккаблиги ҳамда динамизмига мос келиши;
- Бўлинмалар ва ходимлар автономиясини ягона иқтисодий сиёсатнинг амалга оширилиши билан уйғунлаштириш;
- Ички корпоратив демократия ва иштирок этиш тизимидан (партисипативликдан) кенг фойдаланиш;
- Вақтинчалик модулли унсурлар (буйруқлар)га эга бўлган шартли доимий асосни уйғунлаштиришга асосланган мослашувчан ташкилий тузилмаларни қўллаш;
- Бошқарув самарадорлиги мезонларининг корпорация ривожланишининг турли босқичларида юзага келувчи унинг фаолият кўрсатиш мақсадлари ва вазифаларига мослашувчанлиги.

Тизимли ва вазиятли ёндошувлар корпоратив бошқарув тизимини ташкил этишнинг методологик асоси ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, корпоратив бошқарув тизими корпоратив шаклдаги тадбиркорлик фаолияти барча иштирокчиларининг турли йўналишлардаги манфаатларини қондиришнинг мураккаб ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий моделини ўзида намоён этади (3.3.-расм).



3.3.-расм. ИКТ тизимининг принцинал модели

Чизмада ИКТ тизими узлуксиз такрорий ишлаб чиқариш жараёнида намоён этилган бўлиб, унинг хусусияти олинган натижаларга ва мавжуд ривожланиш истиқболларига бевосита боғлиқ.

Корпорация фаолиятининг ички ва ташқи самарадорлиги фақат

маҳсулот ва хизматларни бозорга чиқариш натижасида белгиланиши мумкин. Бу фаолият натижаларининг жамият томонидан тан олинмиш даражасини, олинган фойданинг миқдорини ва келажакда компанияни ривожлантириш истиқболларини белгилаб беради. Фойдани тақсимлашда корпорациялар иштирокчиларининг манфаатларини мувофиқлаштириш анча мураккаб муаммо ҳисобланади.

Ташкилий тузилмани лойиҳалаштириш жараёнига киришишдан аввал қуйидаги тартиботларни амалга ошириш зарур: унда ИКТ фаолият юритаётган минтақалар сонини аниқлаш; бизнес соҳасини боғлиқлилик мезони бўйича стратегик гуруҳларга бўлиш; ИКТда, унинг алоҳида стратегик гуруҳларида ИКТ вазифалари ва табиатидан келиб чиқиб ихчамлик ва қатъийликни уйғунлаштириш.

3.2. Инновацион фаолиятни фаоллаштиришнинг иқтисодий асослари

Ушбу соҳада юқори ўтказувчан материалларни яратиш ва улардан электр энергияси генераторларида, турбиналарда ва двигателларида, узок масофага энергия узатиш линияларида ва юқори тезликдаги транспорт магистралларида амалда фойдаланишга алоҳида умид боғламоқда. Анча енгил ва энергия сиғимли аккумулятор батарияларини ишлаб чиқиш автомобиль ва трактор транспорти, электр двигателли техник восталарнинг ривожланишига хизмат қилади. Янги материалларнинг пайдо бўлиши билан асбоб-ускуналарини микроминиатюризациялаш (микро ва молекуляр), электроника, ташхис қўйиш ва тиббиётда амалий қўллашга мўлжалланган майда қурилмаларни конструкциялаш ва нанотехнологиялар эҳтиёжларини таъминлаш) имконияти кенгаяди.

Фаол юза хусусиятларига эга бўлган янги материаллар яратилиб, кимё ва миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари амалиётида кенг

кўлланилади. Бу эса мембоан технологияларнинг янада кенг тарқалишига, шу жумладан улардан сувни чучуклаштириш ва тозалаш ҳамда нодир ва кимматбаҳо табиий бирикмаларни экстрагирлаш учун фойдаланишга хизмат қилади.

Ўзининг функционал (шу жумладан, механик, электрик, иссиқлик ва х.,к.) хусусиятларига кўра турли хил бўлган материалларни яратиш ва амалиётда қўллаш истиқболлари кенг муҳокама этилмоқда.

3.4. Корхонани ривожлантириш стратегиясини танлаш усуллари

Турлари	Мазмуни
PIMS усули	Стратегик омилларнинг корхонанинг самарадорлик (рентабеллик, фойда) кўрсаткичларга таъсирини моделлаштириш
Ўзлаштириш эгри чизиклари усули	Ишлаб чиқариш харажатлари миқдорининг унинг ҳажмига боғлиқлигига асосланади
Товарнинг ҳаётий цикли усули	Ҳар бир босқич (ўзлаштириш, ўсиш, етилиш пасайиш) учун устивор стратегик йўналишлар ва ҳаракатлар аниқланади
Бостон маслаҳат гуруҳи (БМГ) усули	Баҳолаш кўрсаткичлари ёрдамида шакилланади: Ишлаб чиқариш суръати, корхона бозорининг улуши
МакКинзи (матрицали) усули	Корхонанинг рақобат мавқеи (заиф, ўртача, кучли)

Шу билан бирга, янги материаллардан кундалик турмушда фойдаланиш кўламлари технологик имкониятлар билан эмас, балки истеъмол талаби билан белгиланади, деган фикр олға сурилмоқда. Корпоратив тузилмалардаги ҳар қандай инновацион стратегия, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг усиши ҳозирги шароитда фақат ижтимоий самарали лойиҳалар орқали амалга оширилиши мумкин. Ривожланиш

йўналишларини танлаш муқобил лойиҳаларни таққослаш йўли билан амалга оширилади. Бу иккита асосий вектор бўйича ўтказилади: ижтимоий баҳолаш ва иқтисодий (пул) ўлчовлари. Бирок турли хилдаги куплаб омиллар ва ўзаро боғлиқликларни ҳисобга олиш зарурлиги, шунингдек турмуш сифатининг ички бузилиши туфайли натижанинг бузиб кўрсатилиши оқибатида жамият учун фойдалиликни миқдорий жиҳатдан баҳолаш жуда мураккаблашган. Шу аснода ишлаб чиқаришга ресурсларни кўшимча равишда жалб этиш шароитида жамият эҳтиёжларини қондириш жараёнининг "сифати" йўқотилишини таъкидлаш лозим. Ижтимоий баҳолаш тизими турмуш даражасининг барча кўрсаткичларини, унинг сифатини ақс эттирувчи вектор сифатида ёки иерархик тузилма сифатида намоён этилиши мумкин.

Инновацион стратегия ўзининг самарадорлигини баҳолашни талаб қилади. Умуман олганда, иқтисодий самарани аниқлаш ва корпоратив тузилмаларда инновацион стратегияни амалга оширишнинг энг қулай вариантларини танлаш муаммоси, бир томондан, улардан фойдаланишдан эришиладиган якуний натижалар самарасининг уларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва амалга ошириш харажатларидан юқори бўлишини, иккинчи томондан эса, бунда эришилган натижаларнинг инновацияларнинг бошқа шунга ўхшаш вариантларини қўллашдан эришилган натижалар билан таққослашни талаб қилади. Тезлаштирилган амортизацияни қўлловчи саноат корпорацияларида вариантни тезда баҳолаш ва тўғри танлаш зарурати пайдо бўлади, бунда ишлаб турган машиналар ва ускуналарни янгиларига алмаштириш муддатлари сезиларли даражада қисқаради.

Инновацияларни ўзлаштириш натижаларини харажатлар билан таққослашга асосланган самарани (даромадни) ҳисоблаб чиқиш усули янги ишланмалардан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилиш имконини беради.

Корпоратив тузилмаларда инновацион стратегияларни амалга

ошириш механизмининг самарадорлигини баҳолаш учун биз корпоратив тузилмалар ривожланишининг умумий параметрлари асосида интеграл самарани аниқлаш методикасини таклиф этдик. Унинг бундай баҳолашга нисбатан анъанавий тарзда қўлланиладиган ёндашувлардан фарқи асосий индикатив параметрларнинг динамик ва нисбий хусусиятларини ҳисобга олишдан иборат, бу корпоратив тузилманинг таҳлил этилаётган ретроспективадаги инновацион фаолиятини янада тўлиқ ва асосли тарзда тавсифлаш имконини беради.

Юқорида кўриб чиқилган барча ёндашувлар, биринчи галда, инновацияни бизнес объекти сифатида тавсифлайди. Лекин тадқиқот ва илмий фаолият маҳсули ҳисобланган янгилик киритиш жараёнининг икки томонлама кечишини ёддан чиқармаслик ҳам лозим.

Товарлар бозорида маҳсулот (товарлар, хизматлар) ўрнини босувчи янги маҳсулот (товарлар, хизматлар)нинг пайдо бўлиши туфайли уларнинг маънавий эскириши юз бермоқда, талаб камайиб бормоқда ва бунинг окқибатида, сотувлар ҳажми ва иқтисодий натижалар ҳам пасаймоқда. Корпоратив тузилмаларнинг муайян рақобатдошлиги шароитида маънавий эскириш корхоналар, корпорациялар, компаниялар, тармоқ, мамлакат маҳсулоти (товарлари, хизматлари)ни модернизация қилишга ёки уларни алмаштиришга ундайди. Доимий ривожланиш учун бу бир вақтнинг ўзида амалга оширилади.

Бозорда рақобат қанчалик кучли бўлса, маънавий, экологик, ижтимоий эскирган товарларни ишлаб чиқариш шунчалик тез тўхтатилади.

Корхоналар (фирмалар, корпорациялар, компаниялар, тармоқ, мамлакат) инновацион стратегиясининг ўзига хос хусусиятларини ва уларнинг ривожланиш босқичларини ўрганиш асосида мамлакатни иқтисодий ривожлантиришнинг қуйидаги таркибий манбаларини ажратиш мумкин: ишлаб чиқариш омиллари асосида; инвестициялар асосида;

инновация фаолияти асосида ривожланиш.

Инвестициялар асосида ривожланиш йўналиши сармояни мамлакат алоҳида тармоқларининг рақобатбардошлигини оширишга эмас, балки уларнинг шунчаки ишлаб чиқаришига сарфланиши билан тавсифланади. Жаҳоннинг аксарият мамлакатларида ҳатто оддий такрор ишлаб чиқариш харажатлари ҳам ўсиб бормоқда, бунинг оқибатида эскирган асосий фондларнинг улуши, уларнинг авария ҳолатига келиб қолиши даражаси ортмоқда.

Корхоналарнинг инновацион стратегиясида устуворлик мамлакатни ишлаб чиқариш омиллари ва инвестициялар асосида ривожлантириш билан бирга, мамлакатни миллий иқтисодиётининг барча тармоқлари бўйича инновация фаолиятини фаоллаштириш асосида ривожлантиришга берилиши керак. Ишлаб чиқариш омиллари ва инвестициялар - бу илмий асосланган инновация фаолиятининг мақсади эмас, балки унинг воситаларидир.

Инновацияларнинг техник, технологик, ташкилий, ахборот ва ижтимоий турлари ўзаро чамбарчас боғланган бўлиб, инновацион механизмга махсус талабларни қўяди. Техник ва технологик инновациялар, ишлаб чиқариш жараёнларининг мазмунига таъсир кўрсатган ҳолда, корхоналарнинг инновацион стратегияси учун шароит яратади, чунки ишлаб чиқаришни ташкил этишга ўзгартиришлар киритади. Шундай қилиб, янги техника ва технологияларни яратиш ва ўзлаштириш жараёни ўзаро боғлиқ жараёнлардир. Инновацион сиёсат - бу инновацион инфратузилманинг шаклланиши ва фаолият кўрсатиши учун қулай шароитлар яратишга йўналтирилган ташкилий тадбирлар мажмуи бўлиб, пировардида корпоратив тузилмалар рақобатбардошлигини таъминлаш учун муҳим шарт-шароит яратади.

Инновацион стратегияни тадқиқ, этиш - бу нафақат ҳозирги вақтда, балки келгусида ҳам фойда олиш имкониятидир, бунинг учун инновацион

акциядорлик жамиятлари, компаниялар, корпорациялар ва бошқа корхоналарнинг ишлаб чиқариш базасини ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларини узоқ даврга прогноз қилиш ва лойиҳалаштириш талаб этилади.

1. Бугунги кунда корпоратив тузилмалар рақобатбардошлигини ошириш уларда инновацион стратегиянинг мавжудлиги билан чамбарчас боғлиқ. Чунки ҳозирги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденциялари айнан илмий сиғимли маҳсулотлар (хизматлар) ярата олган ишлаб чиқарувчиларгина рақобатга бардош бериши мумкин. Бу ўз навбатида инновациялар соҳасидаги назарий билимларни чуқурлаштириш ва инновацион стратегияни ишлаб чиқиш услубиятини ривожлантиришни тақозо этади.

2. Корхоналар инновацион стратегиясини ишлаб чиқиш борасидаги хорижий мамлакатлар тажрибаси ва унинг назарий асосларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, ишлаб чиқаришни тезкор модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш муайян тамойилларга асосланувчи инновацион стратегия асосида амалга оширилиши лозим. Республикамиз корпоратив тузилмалари учун бундай тамойиллар тизими ва улар асосида ишлаб чиқиладиган инновацион стратегия босқичлари таклиф этилган.

Корпоратив тузилмалар да инновацион стратегияни амалга оширишнинг энг афзал вариантларини танлаш, бир томондан, улардан фойдаланишнинг якуний натижаларини, уларни ишлаб чиқиш харажатларидан юқори бўлишини, иккинчи томондан эса, бунда олинган натижаларнинг инновациялари шунга ўхшаш бошқа вариантларини қўллашдан олинган натижалар билан таққослашни талаб қилади. Шунинг учун корпоратив тузилмаларнинг инновацион стратегиясини ишлаб чиқиш ушбу стратегиянинг амалга оширилиши натижаларини баҳолаш билан узвий боғлиқликни тақозо этади.

Халқаро амалиётда мавжуд бўлган инновацион стратегия ва тамойиллар яқин келажакда бундай ривожланиш учун мўлжал бўла олмайди, лекин улар кўриб чиқиладиган жараённи самарали ва тушунарли қилиш имконини берувчи муайян йўналишни кўрсатиш мумкин. Ушбу ҳолатда рақобатнинг ривожланиши шароитида корхоналар инновацион стратегиясининг самарадорлигини баҳолаш усуллари ишлаб чиқиш ўта муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси корпоратив тузилмалари рақобатбардошлигининг самарадорлигини баҳолаш масаласининг долзарблиги мазкур ҳолатда нафақат корпоратив тузилмаларининг ривожланиши, корпоратив ижтимоий маъсулият ва инновациялар билан, балки корхоналар фаолиятининг юқорида кўрсатилган йўналишлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик бўлиб, бу, оз навбатида, ушбу масаланинг долзарблигини янада кучайтиради.

Товар ишлаб чиқарувчиларнинг бозордаги рақобат жиҳатдан реал устунликлари бир қатор омилларга боғлиқ бўлиб, шулар ичида инновацион стратегия энг муҳими ҳисобланади. У корпоратив тузилмаларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш ва уларга эришиш борасидаги аниқ мақсадга йўналтирилган фаолиятни ўзида намоён этади. Ушбу фаолият натижасида ишлаб чиқариш ва бошқарувнинг янги сифати таъминланади. Инновацион стратегиянинг моҳияти самарали жараёнларда, корпоратив тузилмаларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгиланишида ҳамда юқори самарали ривожланишнинг узок муддатли мақсадларига эришишни таъминловчи ишлаб чиқариш, иқтисодий ва ижтимоий фаолиятни амалга оширилишида ўз ифодасини топади. Инновацион стратегиянинг замонавий мазмуни корхоналарни модернизация қилиш техник ва технологик қайта жиҳозлаш, замонавий мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш, халқаро сифат стандартларига ўтиш, тежашнинг катъий тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархининг пасайишини рағбатлантириш, энергия сифимини

қисқартириш ва энергияни тежашнинг самарали тизимини жорий этишдан иборат.

1997 йилда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилиниши билан республикада фаол стратегик режалаштиришга ўтиш бошланди. Лекин у кўп жиҳатдан фақатгина макроиқтисодий тартибга солиш воситаси бўлиб қолмоқда. Корхоналарда эса стратегик тамойиллар ва ёндошувлар деярли амалга оширилмаяпти. Бунинг устига, улар мамлакатимиз корпоратив муҳитининг ўзига хос хусусиятлари нуқтаи назаридан умуман шакллантирилмаган.

Шу муносабат билан, биз корпоратив тузилмаларда ишлаб чиқаришни тезкор модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш инновацион стратегиялари тамойилларининг ўзига хос тизимини таклиф этмоқдамиз. У қуйидаги тамойилларни ўз ичига олади:

- инновацион стратегияни ижтимоий йўналтириш тамойили;
- асосий фондларни янгилаш жараёнларини оптималлаштириш тамойили;
- замонавий мослашувчан технологияларни жорий этиш тамойили;
- илгари ўзлаштирилган маҳсулотлар ва технологияларни такомиллаштириш тамойили;
- янги маҳсулотлар ва жараёнларни яратиш, ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш тамойили;
- ишлаб чиқариш техник-технологик базасининг сифат даражасини ошириш тамойили;
- энергияни тежаш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини пасайтиришнинг қатъий режими тамойили;
- энергия сифимини қисқартириш ва энергияни тежашнинг самарали тизимини жорий этиш тамойили;
- илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик базасининг сифат даражасини ошириш тамойили;

-кадрлар ва ахборот салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тамойили;

-инновацион фаолиятни ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш тамойили;

-ресурс базасини рационаллаштириш тамойили;

-инновацион фаолиятнинг экологик хавсизлигини таъминлиш тамойили;

-инновацион маҳсулотнинг ички ва ташқи бозорларда шунга ўхшаш маҳсулотлар олдида рақобат жиҳатдан устунликларига эришиш тамойили;

-ишлаб чиқаришнинг истиқболли соҳаларига молиявий ресурсларни самарали жойлаштириш тамойили.

Албатта, ҳар бир муайян корхона ўзини инновацион стратегиясини шакллантиришда, уни юқоридаги тамойиллар асосида қурган ҳолда, шуни ҳисобга олиш лозимки, уларнинг таъсири фақат унинг ўзига хос бўлган алоҳида тамойиллар тизими орқали ўтади. Инновацион стратегияни ишлаб чиқиш методологиясини танлашга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади: рақобатбардошлик ва инновацион ривожланишнинг ўзаро боғлиқлиги; корхоналар (компаниялар) хатти-ҳаракати, шунингдек турли тармоқлар инновацион ривожланишнинг тармоқ хусусиятлари; корхоналар ривожланишига таъсир кўрсатувчи субъектив омиллар.

Ҳар бир омилнинг корхонанинг инновацион стратегиясига таъсирини аниқлаш ва ахборотни йиғиш методологиясининг асосини яратиш учун ушбу стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш усулларини аниқлаш зарур. Бунда шуни назарда тутиш лозимки, инновацион стратегиянинг мақсадларини белгиламасдан туриб уни амалга ошириб бўлмайди. Инновацион стратегиянинг мақсадлари кўп ҳолатларда қуйидагилардан иборат бўлади:

I-ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини ошириш;

II-бошқа стратегияларни сақлаб қолган ҳолда товар нархини

пасайтириш;

III-янги технологияларни ўзлаштириш ҳисобидан

IV-мавжуд бозор учун товар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш;

V-эски ва янги товар учун янги сотиш бозорини ўзлаштириш.

1.3-жадвал

Стратегик мақсадларни амалга ошириш учун зарур бўлган инновациялар турлари

Инновация турлари	Асосий стратегик мақсадлар				
	I	II	III	IV	V
Янги товарни яратиш					
Ишлаб чиқарилаётган товарни ноу-хау асосида такомиллаштириш	+		+		+
Ихтиролар асосида янги технологияни жорий этиш	+				
Амалдаги технологияни ноу-хау асосида такомиллаштириш			+		
Меҳнатни ташкил этишни ноу-хау асосида такомиллаштириш			+		
Ишлаб чиқаришни ташкил этишни ноу-хау асосида такомиллаштириш			+		
Менежмент тизимини шакллантириш ёки такомиллаштириш	+		+	+	+
Хомашё, материал, бутловчи қисмлар ва ҳ.к. сифатини яхшилаш	+				
Ташқи муҳит билан ўзаро муносабатларни такомиллаштириш	+		+		
Тактик маркетинг функцияларини такомиллаштириш					+
Товар истеъмолчиларига сервис сифатини ошириш				+	
Мавжуд товарлар бозорини кенгайтириш		+			+
Янги бозорни ўзлаштириш					+

Инновацион менежмент ютуқларидан фойдаланиш йўли билан фирманинг рақобатбардош стратегиясини шакллантириш асосида ташқи муҳит билан барқарор фаолиятига интилувчан муайян корxonанинг

фаолиятини ташкил этиш ўртасидаги ўзаро таъсир ётади. Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун турли хилдаги инновацияларни жорий этиш талаб қилинади (1.3-жадвал).

Инновацион стратегик режалаштириш жараёнининг асосий босқичлари тизимли таҳлилни, келажак сценарийсини ишлаб чиқишни, мақсадларни белгилашни, мақсадларга эришишнинг муқобил стратегиясини ишлаб чиқишни, стратегик дастурини ишлаб чиқишни ва лойиҳалаштиришни ўз ичига олади.

Корхонанинг инновацион фаолияти Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ўртача муддатли дастури мақсадларига мувофиқ амалга оширилиши ва уни амалга ошириш мантиғи ва босқичлари билан боғланиши керак: биринчи босқичда – ички бозорда нарх жиҳатдан рақобатбардошликни ошириш, мавжуд қувватлардан фойдаланишни ошириш ва илмий-технологик асосларни ўзлаштириш ҳисобидан импортнинг ўрнини босувчи маҳсулотни ишлаб чиқаришни кенгайтириш; иккинчи босқичда – ишлаб чиқариш аппаратини тубдан янгилаш, асосий капитал самарадорлигини янада ошириш, товар ишлаб чиқариш таркибини ўзгартириш.

Юксак технологияларнинг ўзлаштирилиши рақобатбардош маҳсулотни тадқиқ этишдан тортиб то уни ишлаб чиқариш ҳамда ички бозорларда ва чет элда сотишгача бўлган инновацион циклни барпо этиш учун реал шароитларни яратади. Шунга мос равишда инновацион стратегияларнинг ушбу йўналишларини амалга ошириш механизмнинг шакллари ва усуллари табақаланган бўлиши лозим. Улар барча учта йўналишнинг оптимал даражада уйғунлашувини таъминлаши ва бу билан молиявий ресурсларнинг чекланганлиги шароитида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш учун имконият яратиши керак.

ХУЛОСА

Ўтказилган тадқиқот алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида инновацион жараёнларни ривожлантириш ва инновацион стратегиянинг самарали юзасидан қуйидаги хулосалар ва таклифларни билдириш имконини берди:

1. Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш қонуниятлари ва уни технологик модернизация қилиш йўналишлари мамлакатнинг рақобатбардошлигини ошириш ва турмуш сифатини жаҳон андозалари даражасига кўтариш имкониятини яратувчи ахборот-индустриал жамиятни қуриш учун ривожланишнинг янги инновацион стратегияларини ишлаб чиқиш заруратини белгилаб беради.

2. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида инновацион сиёсатни шакллантиришда тизимли ёндашувнинг қўлланиши, айниқса жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг қуйидаги замонавий тенденциялари замирида, ўта долзарб аҳамият касб этди:

– сифатли инсон капитали учун рақобат жаҳон инновацион ривожининг муҳим хусусиятларидан бирига айланиб бормоқда, юқори малакали ходимлар мослашувчанлигининг ортиши ҳам билимларни ёйиш жараёнларини таъминламоқда;

– билимларни ёйиш жараёнларида ахборот технологияларининг роли инновацион фаолликни янада ошириш долзарб аҳамият касб этмоқда, билимларни ёйиш жараёнлари эса алоҳида иқтисодиётлар доирасидан ташқарига чиқмоқда;

– глобаллашув жараёнлари компанияларни технологияларнинг янада юқори даражаларида рақобатлашишга мажбур қилади ва шу билан бирга инновацияни ихтисослаштириш ва маҳаллийлаштириш жараёнларини рағбатлантиради.

Инновацион сиёсатини олиб боришга нисбатан тизимли ёндашув концепциясини амалга оширган Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари (Тайвань, Сингапур, Корея Республикаси, Ҳиндистон, Малайзия ва бошқ.)

тарихан қисқа давр мобайнида давлат, бизнес, фан ва таълимнинг ўзаро ҳамкорлик механизмларини ўз ичига олган самарали миллий инновацион тизимларни яратишга эришдилар (айниқса ахборот-коммуникация соҳасида).

3. Инновациялар ижтимоий ривожланишда қуйидаги вазифаларни бажаради:

- инновациялар меҳнат фаолиятини интеллектуаллаштиришга, унинг илмий сиғимлилиқ даражасини оширишга кўмаклашгани ҳолда, улар орқали инсон интеллектининг ютуқлари, илмий-техник натижалар ҳаётга тадбиқ этилади;

- инновация ёрдамида иқтисодиётнинг товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчи секторлари кенгаяди, улар сифати яхшиланади, бу эса ҳар бир инсон ва бутун жамият эҳтиёжларининг ошишига, ҳамда ушбу эҳтиёжларнинг қондирилишига хизмат қилади;

- инновациялар ишлаб чиқаришга янги ишлаб чиқарувчи кучларни жалб этиш, меҳнат, материал, энергияни кам сарфлаган ҳолда товарлар ва хизматларни яратиш имконини беради;

- инновацияларнинг у ёки бу соҳада жамул-жам бўлиши такрор ишлаб чиқариш таркибини ўзгарган эҳтиёжлар таркиби ва ташқи муҳит таркиби билан мувофиқлаштиришга ёрдам беради;

- инновациялар айнқса кичик бизнес соҳасида тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилиш билан бирга, рақобат жиҳатидан устунликларга эга бўлиш ва бозорнинг янги сегментларини эгаллаш учун янги товарлар ва технологияларни излашга ва уларни ўзлаштиришга ундайди.

4. Инновацион жараёнларнинг мазкур тармоққа хос бўлган асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- илгари амалий фаолиятда қўлланилмаган янги инновацион натижа (дастурий маҳсулот, коммуникация воситалари, хизмат турлари ва бошқ.) кўринишида намоён бўладиган илмий ва амалий янгилик;

– янги маҳсулотни тижоратлаштириш босқичида олинган натижанинг амалий хусусиятга эга бўлиши, бу янги маҳсулотни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, маҳсулот ва хизматлар ҳаётий циклининг босқичларига мувофиқ равишда ички ва ташқи бозорларга чиқишдан иборат;

– ижтимоий-иқтисодий самара кўринишида ифодаланган инновациянинг якуний натижасига эришиш ва уни аниқлаш имконияти.

5. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида инновацион ривожланишга кўмаклашувчи ва унга тўсиқ қилувчи омиллар аниқланиб, улар тегишлича ички ва ташқи, ҳуқуқий-меъёрий, ижтимоий-руҳий, маданий, иқтисодий, молиявий, ташкилий, ахборот турларга таснифланди. Диссертацияда инновацион фаолиятга таъсир этувчи барча омиллар биргаликда фаолият кўрсатади ва улар алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси фаолият кўрсатишининг ўзига хос жиҳатлари билан ўзаро шартланган, деган фикр асосланди.

6. Инновацион жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, муаллиф томонидан алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида инновацион лойиҳаларнинг самарадорлигини интеграл баҳолашга асосланган, қуйидаги кўрсаткичларни ҳисобга олувчи услубий ёндашув таклиф этилди: ишлаб чиқариш таннархи, рентабеллик, харажатларнинг ўзини оқлаш муддати ёки самарадорлик коэффициенти, инновация циклининг барча босқичларини бажариш учун молиявий маблағлар билан таъминланганлик ва бошқалар.

7. Замановий телекоммуникацион каналлар орқали ахборот билан тезкор алмашилиш имконияти давлатлараро, корхоналараро ва кишилар ўртасидаги алоқаларни кенгайтирди, масофа сезиларли роль ўйнамай қўйди, ахборот бозори ривожланиши ва ҳаракатланиши сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Ахборот-коммуникация технологиялари ҳозирда миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Миллий ахборот ресурслари иқтисодиёт ва жамият ривожланишининг энг муҳим таркибий қисмларидан бирига айланмоқда, улар йил сайин мамлакатларнинг глобал даражадаги рақобатбардошлигини

тобора кўпроқ даражада белгилаб бермоқда.

Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) соҳасини жадал ривожлантириш умуммиллий давлат дастурлари асосида амалга оширилмоқда. Унда телекоммуникация инфратузилмаларини такомиллаштириш, миллий интернет сегменти ҳамда маълумотни узатиш тармоғини ривожлантириш, дастурий маҳсулотлар индустриясини яратиш, ахборот ресурсларини шакллантириш, кадрларни тайёрлаш, мутахасислар малакасини доимий равишда ошириб бориш ва АКТ соҳасида рақобат муҳитини қарор топтириш каби масалаларни ҳал этиш вазифаси қўйилган бўлиб, соҳанинг техник ва технологик даражасини кўтариш ҳамда замонавий истеъмолчининг манфаатлари ва эҳтиёжларини тўла ҳисобга олиш учун шароит яратилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, тақдим этилаётган анъанавий хизматларнинг янада ривожланишига, шунингдек янги турдаги замонавий хизмат турларининг жорий этилишига ва уяли алоқа, маълумотни интернет тармоғи ва электрон тизим орқали узатиш, IP-телефония сингари хизматларнинг жорий этилишига, уларни сифат кўрсаткичларини кўтаришга хизмат қилади.

8. Илмий ишда уяли алоқа хизматлари бозорининг жадал суръатлар билан ривожланиш тенденцияси аниқланди, бу муаллифнинг фикрига кўра, тармоқда рақобат ва техник жиҳозланиш даражасининг ўсиши билан ҳам, аҳолининг тўловга молик талабининг ўсиши билан ҳам боғлиқ. 2009 йилга келиб республикамизда уяли алоқа мижозларининг сони 12,6 млн. нафар кишини ташкил қилди. Бугунги кунда «Ўзбектелеком» АК – Ўзбекистонда маълумотларни узатиш, Интернет ва унинг иловалари тармоқлари хизматларини кўрсатувчи энг йирик оператор. «Ўзбектелеком» АК бутун республикамиз бўйлаб оптик-толали ва рақамли радио релейли алоқа линиялари асосида қурилган қудратли транспорт тармоғига эга бўлиб, ушбу тармоқ DWDM технологиясидан фойдаланган ҳолда доимий равишда модернизация қилиниб туради.

9. 2009 йилда Ўзбекистон Республикасида Интернетдан фойдаланувчилар сони 2,4 млн. нафардан ошди. 2006 йилда «Ўзбектелеком» АК филиаллари томонидан ўтказиб юборилган кирувчи трафик ҳажми 69184 Гбайтни, чиқувчи трафик ҳажми эса 33343 Гбайтни ташкил қилди. Ўзбекистон Республикаси провайдерлари томонидан халқаро Интернет-каналларни юклаш 2006 йилнинг бошидаги ҳолатга қараганда (66 Мбит/сония) 2,4 марта ошиб, 156,5 Мбит/сонияни ташкил қилди. «Ўзбектелеком» АК х DSL, Dial-Up технологиясидан фойдаланган ҳолда ва Radio Ethernet технологияси бўйича симсиз фойдаланиш ёрдамида ажратилган линиялар бўйича маълумотларни узатиш тармоқлари бўйича Интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятини яратмоқда. «Ўзбектелеком» АК ўзининг UzNET филиали базасида 2006 йилда IEEE 802. 16-2004 стандартидаги Wi-MAX лойиҳасини амалга оширишга киришди. Симсиз кенг полосали фойдаланиш технологияси ПД тармоқларидан 10 Мбит/сониягача тезлик билан фойдаланиш имкониятини яратади.

10. Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати инновацион ривожланиш ҳамда ахборот технологиялари ва тизимларини такомиллаштиришнинг замонавий жаҳон тамойилларини ҳисобга олган ҳолда миллий ахборот тизимини яратишга қаратилган. Бунинг натижаси ўлароқ, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг жаҳон коммуникациялари тизимига интеграциялашуви даражаси ўсди, соҳада ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланганлиги ана шундан далолат бериб турибди

Республикамизда ахборот-коммуникация технологиялари ва глобал телекоммуникация воситалари соҳасини янада ривожлантиришнинг институционал асослари мустаҳкамланмоқда. Хусусан, диссертацияда кўрсатилганидек, ахборот-коммуникация тизимлари, тармоқлари ва маълумотларни яратиш ва улардан фойдаланишни тартибга солувчи қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Шулар жумласига Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” (11.12.2003 й.), “Ахборот

эркинлиги тамойиллари ва кафолатлари тўғрисида” (12.12.2002 й.), “Алоқа тўғрисида” (13.01.1992 й.), “Телекоммуникациялар тўғрисида” (20.08.99 й.), “Электрон рақамли имзолар тўғрисида” (11.12.2003 й.), “Электрон иш юритиш тўғрисида” (29.04.2004 й.), “Электрон тижорат тўғрисида”ги (29.04.2004 й.) қонунларини киритиш мумкин.

11. Ўзбекистон Республикасининг алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги инновацион фаолиятнинг самарадорлигини таъминлаш борасидаги иқтисодий стратегияси тармоқни модернизация қилиш ва техник-технологик қайта жиҳозлаш асосида ички ва ташқи бозорларда унинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган. Тадқиқотчининг фикрига кўра, соҳани ривожлантиришнинг инновацион йўналишларини аниқлашда куйидаги вазифаларни ҳал этиш зарур:

- тармоқ корхоналарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни янги замонавий техника воситалари билан жиҳозлаш, уларнинг ахборот-коммуникация воситаларидан кенг фойдаланишини таъминлаш;

- алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини инновацион ривожлантиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш ва глобаллашув шароитида уларни амалга ошириш учун хорижий инвестициялардан самарали фойдаланиш;

- иқтисодий-сиёсий ислохотлар вазифаларидан келиб чиқиб соҳани ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш ва унинг ҳуқуқий асосларини кенгайтириш;

- соҳани инновацион ривожлантиришнинг ушбу ўзаро чамбарчас бир-бири билан боғлиқ тадбирларининг амалга оширилиши юзага келган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан чиқиш, шунингдек унинг оқибатларини юмшатиш ва иқтисодиётни модернизация қилиш моделини самарали амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

12. Ўтказилган тадқиқот натижасида шу нарса аниқландики,

Ўзбекистонда телекоммуникациялар ҳамда маълумотларни узатиш ва Интернет тармоқлари хизматларини кўрсатувчи энг йирик оператор ҳисобланган «Ўзбектелеком» АКни инновацион ривожлантириш қуйидаги асосий устувор йўналишлар бўйича амалга оширилмоқда:

- АКТ инновацион технологияларини қўллаш асосида телекоммуникациялар тармоқларини ривожлантириш соҳасида стратегик устувор йўналишларни белгилаш ва амалга ошириш;

- стандартлаштириш, сертификатлаш ва лицензиялаш ишларини мувофиқлаштириш;

- ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида рақобат муҳитини шакллантиришга доир чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- алоқа ва ахборотлаштириш тармоғида инновацион жараёнларни ривожлантириш мақсадида илмий-тадқиқот ишларини самарали ташкил этиш;

- телекоммуникация тармоғини модернизация қилиш, телевидение ва радио тўлқинларини узатиш мажмуини, шунингдек маълумотларни узатиш миллий тармоғини ривожлантириш;

- соҳага хорижий инвестициялар ва замонавий инновацион технологияларни кенг жалб қилиш ва улардан ишлаб чиқаришда самарали фойдаланиш.

13. Республикамиз алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги инновацион фаолиятнинг самарадорлигини таъминлаш борасидаги иқтисодий стратегиясини ҳисобга олган ҳолда, илмий ишда соҳадаги инновацион фаолиятнинг давлат органлари томонидан тартибга солиш функциялари ва тамойиллари аниқланди. Уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

- инновацион фаолиятни мувофиқлаштириш. Давлатимиз олдида инновацион жараёнларни ривожлантиришнинг умумий стратегик йўналишларини аниқлаш вазифаси турибди;

- инновацияларни рағбатлантириш. Инновацион жараёнлар иштирокчиларига турли молиявий субсидиялар ва имтиёзлар берилиши, шунингдек инновацион хатарларнинг давлат томонидан қисман ёки тўлиқ суғурталаниши муҳим аҳамият касб этади;

- инновацион жараёнларнинг ҳуқуқий базасини яратиш;

- инновацияларни кадрлар билан таъминлаш;

- инновацион инфратузилмани шакллантириш. Давлат янгиликларни ёйишнинг асосий тармоқларидан бири ҳисобланган ахборот тизимларининг фаолиятини таъминлайди. Давлат, минтақавий ва тармоқ тузилмалари унда инновацион фаолият учун институционал ва моддий-техник шароитлар яратади. Улар тармоқнинг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини ошириш мақсадида илмий, таълим ва бизнес-тузилмаларнинг зарур интеграциялашуви таъминланадиган ахборот-коммуникация технологиялари бўйича кластерлар тузилишини таъминлайдилар;

- инновацион фаолиятнинг ижтимоий мақомини ошириш;

- инновацион жараёнларнинг халқаро жиҳатларини тартибга солиш.

14. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида, мақсадли йўналишни ҳисобга олган ҳолда, муаллиф қуйидагиларни назарда тутиш лозим, деб ҳисоблайди:

- Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиаллари доирасида кичик юксак технологик тузилмаларни ташкил этиш ва уларни қўллаб-қувватлаш асосида инновацион тадбиркорликни ривожлантириш учун шароитлар яратиш;

- кичик инновацион корхоналарнинг молиявий ресурслардан фойдаланиши имкониятини кенгайтиришга йўналтирилган инновацион лойиҳаларни танлашнинг танловга асосланган тизимини шакллантириш билан бирга ихтисослашган венчур фондини ташкил этиш;

- маблағларини АКТ соҳасида илмий сиғимли юксак технологик

ишлаб чиқаришга сарфловчи сармоядорларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;

– маҳсулотни ички ва ташқи бозорларда сотиш мақсадида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига хорижий технологияларни мослаштиришга ихтисослашган қўшма корхоналар ташкил этилишини рағбатлантириш;

– кичик инновацион тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантиришга доир инновацион лойиҳалар учун хорижий кредит линиялари бўйича ва давлат томонидан молиялаштиришда квоталар бериш.

15. Республикамизда инновацион жараёнларни ривожлантириш доирасида, биринчи навбатда, асосий эътиборни алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида етарлича иқтисодий ва технологик салоҳиятга, иқтисодиёт тармоқлари ва республикамиз минтақалари учун зарур бўлган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш салоҳиятига эга бўлган рентабелли соҳаларни ривожлантириш учун шароитлар яратиш мақсадини кўзлаган кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашга, республиканинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг йўналишлари ва мақсадларига мос келувчи инновацион фаолиятнинг хўжалик тузилмаларини рағбатлантиришга, уни бошқариш механизмларининг самарадорлигини оширишга, солиқ имтиёзлари, лизинг хизматлари ва инвестиция хатарларини суғурталаш тизимини кенгайтиришга, инновацион тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи молиявий имкониятлари чекланган корхоналарнинг банк кредитларидан фойдаланишини таъминлашга қаратиш лозим.

16. Илмий ишда инновацион фаолиятни ривожлантириш билан алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси корхоналари даромадлари ҳажми ўсишининг ўзаро боғлиқлиги кўриб чиқилди ("UzNet" мисолида).

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, UzNet компанияси Ўзбекистонда ахборот-коммуникация хизматлари бозорида етакчи ўрин тутди. Маҳсулотларни сотиш ёки фаолиятнинг бошқа омилларига қараб даромадлар

қандай ўзгаришини аниқлаш ишлаб чиқаришни прогноз қилиш ва технологик қайта жиҳозлашда зарур бўлган муҳим жиҳат ҳисобланади. Кўплаб ҳолатлар, масалан, ташқи ва ички муҳитнинг ўзгариб туриши туфайли даромадларни башорат қилишнинг мураккаблиги тегишли ахборот базасини талаб қилади.

Кўрсатиладиган хизматлар босқичида таъриф даромадларини башорат қилиш моделини тузиш регрессион ва трендли таҳлил асосида тузилган бутун молиявий моделнинг асосини ташкил этади. Тадқиқотда шу нарса аниқландики, молиявий аҳволни башорат қилиш учун ишлаб чиқилган моделлар "UzNet" корхонасида қўлланиши ва қарорлар қабул қилишда тезкорликни таъминлаши мумкин.

Ўтказилган тадқиқот натижалари қуйидаги хулоса ва таклифларни билдириш имконини берди:

1. Инновацион стратегиялар корпоратив тузилмаларни истиқболли ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш ва уларга эришиш борасидаги аниқ мақсадга йўналтирилган фаолиятни ўзида намоён этади. Ушба фаолият натижасида ишлаб чиқариш ва бошқарувнинг янги сифати таъминланади. Инновацион стратегиялар саноат корхоналари маҳсулотининг ички ва ташқи бозорларда устунлигини таъминлаган ҳолда уларни ривожлантириш ва рақобатбардошлигини оширишда муҳим роль ўйнайди.

2. Инновацион стратегиянинг моҳияти юқори самарали ривожланишнинг узок муддатли мақсадларига эришишни таъминловчи ишлаб чиқариш, иқтисодий ва ижтимоий фаолиятни амалга оширишда илмий тамойилларни қўллаш йўли билан корпоратив тузилмаларни ривожлантириш ва устувор йўналишларини амалга оширишнинг самарали жараёнларида ўз ифодасини топади. Биз томондан ифодаланган инновацион стратегия механизмлари тамойилларининг тизими корпоратив тузилмаларни самарали ривожлантиришнинг ҳозирги замон шароитларига мос келувчи инновацион сиёсатни амалга оширишнинг умумий, ўзига хос ва алоҳида тамойилларининг ўзаро боғлиқ йиғиндисини ўз ичига олади.

3. Корпоратив тузилмаларда инновацион стратегияларни амалга ошириш механизмининг самарадорлигини баҳолаш учун биз корпоратив тузилмалар ривожланишининг умумий параметрлари асосида интеграл самарани аниқлаш методикасини таклиф этдик. Унинг бундай баҳолашга нисбатан анъанавий тарзда қўлланиладиган ёндашувлардан фарқи асосий индикатив параметрларнинг динамик ва нисбий хусусиятларини ҳисобга олишдан иборат, бу корпоратив тузилманинг таҳлил этилаётган ретроспективадаги инновацион фаолиятини янада тўлиқ ва асосли тарзда тавсифлаш имконини беради.

4. Мамлакатимиз бутун агросаноат мажмуининг инновацион жараёнларида муҳим ўрин тутувчи «Тошкент трактор заводи» ОАЖ Ўзбекистон саноатида ҳал қилувчи роль ўйнайдиган корпоратив тузилмалардан бири ҳисобланади. Корхона осма қишлоқ хўжалиги қуроллари ва бошқа қишлоқ хўжалиги машиналари учун асос бўлиб хизмат қиладиган тракторларни ишлаб чиқаради. Шунинг учун уларнинг сифати, ишончлилиги ва техник жиҳатдан такомиллашганлиги мамлакатимиз бутун қишлоқ хўжалиги машинасозлиги маҳсулотининг техник даражасини ва рақобатбардошлигини белгилаб беради.

5. «ТТЗ» ОАЖда ишлаб чиқариш ҳолати ва унинг инновацион жараёнининг таҳлили ички ва ташқи бозорлар эҳтиёжларида ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг инновацион хусусиятларида катта зиддиятлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Натижада корхона ўз фаолиятини оддий маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирмоқда, ишлаб чиқаришга илмий сифимли маҳсулот камдан-кам ҳолатларда татбиқ этилмоқда. Инновацион стратегияни амалга ошириш механизми мамлакатимиз иқтисодиётининг замонавий талабларига мос келмайди.

6. Ишлаб чиқариш аппаратини янгилаш ва мамлакатимиз тракторсозлигида самарали инновацион сиёсатни амалга ошириш учун молиявий ресурслар тақчиллиги шароитида қўйидаги учта устувор

йўналишга асосланган инновацион стратегия механизмини тубдан такомиллаштириш зарур: рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш стратегияси; хорижий илмий сиғимли маҳсулотни жалб қилиш ва уни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш стратегияси; хорижий илмий-техник салоҳиятни кўчириш стратегияси.

7. Инновацион-техник фаолиятни интенсификациялаш ва унинг натижаларини хўжалик муомаласига жалб қилиш инновацион стратегияни такомиллаштириш механизмнинг энг муҳим функцияси ҳисобланади. Инновацион стратегия механизми ишлашининг ушбу йўналишларини амалга ошириш норматив, молиявий ва ахборот таъминотини такомиллаштиришга асосланган.

8. Ҳозирги босқичда инновацион стратегияни фаоллаштиришнинг иқтисодий ва молиявий асосларини амалга оширишда инновацион жараён барча субъектлари ҳаракатларининг мувофиқлаштирилишини ва барча манфаатдор тузилмаларнинг инновацияларни амалга оширишда, инвестицияларни жалб қилишда, инновацион жараёнга ҳамда фан ва техника ютуқларини мамлакатимиз тракторсозлигига татбиқ этишга кўмаклашувчи шароитларни яратишда интеграциялашувини таъминлашга масъул бўлган давлатнинг роли бекиёс. Бунга тракторсозлик тармоғини инвестициялар, кредит ва солиқ сиёсати, бюджетдан ташқари молиялаштириш соҳасида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш натижасида эришиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуни, 2003 йил 11 декабрь.
2. «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 1999 йил 20 август.
3. «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 2003 йил 11 декабрь.
4. «Электрон тижорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 2004 йил 29 апрель.
5. «Электрон тўловлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 2005 йил 16 декабрь.
6. «Интернет тармоғида Хукумат порталини янади ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 декабрдаги 259-сонли қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги 2002 йил 30 майдаги Фармони.
8. «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-,
9. ,,,,коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2002 йил 6 июндаги 200-сон Вазирлар Маҳкамасининг Қарори.
10. «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2000 йил 27 ноябрдаги 458-сон Вазирлар Маҳкамасининг Қарори.
11. «2001-2005 йилларда компьютер ва ахборот технологиларини ривожлантириш, «Интернет» ахборот тизимларига кенг кириб боришни таъминлаш дастурини ишлаб чиқишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2001 йил 23 майдаги 230-сон Вазирлар Маҳкамасининг Қарори.

2.Китоблар ва рисоалалар

11. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.:, Ўзбекистон, 2009.

12. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. (2009 йил асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза). Т.:, Ўзбекистон, 2010.

13. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. (Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси). Т.:, Ўзбекистон, 2010.

14. Каримов И.А. “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Т.:, Ўзбекистон, 2010.

15. Каримов И.А. "Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир". Т.: "Ўзбекистон", 2005.

16. Каримов И.А. "Янги хаётни эскича қараш ва ёндошувлар билан қуриб бўлмади". Т.: "Ўзбекистон", 2005.

17. Каримов И.А. Ўзбекистан иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: “Ўзбекистон”, 1995 й.

18. Каримов И.А. "Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон хаёт – пировард мақсадимиз". Т.: "Ўзбекистон", 2001.

19. Брейли Р., Майерс С. Принципы корпоративных финансов.- М.: «Финансы», 2004.

20. Арипов А.Н., Иминорв Т.К. Ўзбекистон ахборот-коммуникация

технологиялари соҳаси менежменти масалалари. Т.: “Fan va texnologiya”, 2005.

21. А.Н.Арипов, Т.К.Иминов, Х.А.Мухитдинов. Телекоммуникация соҳасида баҳо ва лицензиялаш сиёсати ва давлат томонидан тартибга солишни эркинлаштириш.-Т.: «Ўзбекистон иқтисодиёти», № 4. 2004.

22. Афонина С.В. Электронные деньги. СПб.: Питер, 2001.

23. Ахметов К.А. Экономика ИТ и корпоративные информационные системы. М.: Компьютер пресс, 2002.

24. Балабанов И.Т. Электронная коммерция. СПб.: Питер, 2002.

25. Бекмурадов А.Ш., Мусалиев А.А. Информационный бизнес: Учебное пособие. Т.6, ТГЭУ, 2006.

26. Блюману Д.И. Информация и информационный сервис. Л.: Наука, 2001.

27. Гейтс Б. Дорога в будущее. М.: Издат.отдел., 2001.

28. Мухитдинов Х.А. Электрон ҳукумат ва электрон тижоратни жорий этишнинг услубий асослари. Ўқув-услубий қўлланма., Т.: «Академия», 2008.

3. Электрон манбалар ва Интернет ресурслар

29. www.google.ru

30. www.reviem.uz

31. www.cer.uz

32. [http// www. Uztelecom.uz.](http://www.Uztelecom.uz)

33. www.ictp.uz

34. [www. Tuit.uz](http://www.Tuit.uz)

35. www.obo.ru